



**Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши
хузуридаги Судьялар олий
мактаби**



**Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги хузуридаги
Х.Сулайманова номидаги
Республика суд экспертизаси
маркази**

СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ: САВОЛЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ МУҲИМ ЖИҲАТЛАРИ



Тошкент – 2021

Мазкур қўлланмада республикамизда одил судловни амалга оширишда судларда жиноий, маъмурий, иқтисодий ва фуқаролик ишларини кўриш мобайнида экспертиза тайинлашда суд экспертлари олдига қўйиладиган саволларни тўғри танлаш масалалари ёритилган. Қўлланма судьялар ва суд ходимлари, юридик соҳада фаолият юритаётган бошқа мутахассислар учун мўлжалланган.

МУАЛЛИФЛАР:

Рустамбек Туримбетов

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби ходими, эксперт

Малика Каландарова

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши аъзоси,
юридик фанлар номзоди, доцент

Нурали Қурбонов

Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги
Судьялар олий мактаби кафедра мудири,
юридик фанлар номзоди,

Ҳалилов А.У. - Х.Сулайманова номидаги Республика суд экспертизаси маркази директори умумий таҳрири остида, **Узаков У.Х., Абрарова Н.Б., Чуряков Э.И., Солиева Н., Ахмедова Р.К., Ўрозматов Ш.М., Пак А.В., Махмудова З., Рустемов Я.К., Ахмедова Д.Ш., Умидиллаев Қ.Х.**

Нашр учун маъсул:

Синдаров Комил Ойдинович, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби ўқув методик ишлари бўйича директор ўринбосари, юридик фанлар доктори, доцент

Қўлланмада Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулайманова номидаги Республика суд экспертизаси маркази материалларидан ва экспертлар тажрибасидан фойдаланилди. Қўлланмада келтирилган мисоллардаги барча номлар, саналар ва далиллар ўзгартирилган. Ҳар қандай мос келишлар тасодифий ҳисобланади. Қўлланманинг электрон нусхаси Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби сайтида ҳам жойлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани, Чўпон-ота кўчаси, 6

SBN: _____

_____ наشريёти

КИРИШ

Сўнги йилларда суд-ҳуқуқ ислохотларини янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнлари изчил давом этмоқда. Жумладан, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида фуқароларнинг одил судловга эришиш даражасини ошириш, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг устувор йўналишлари этиб белгилаб берилди.

Айниқса, судларга келиб тушаётган аризалар, даъво аризалари ва шикоятларни синчковлик билан ўрганиш, низоларни белгиланган муддатларда ва қонуний ҳал этиш, ишларни кўриш сифатини ошириш, бу борада ошкоралик ва очиқликни янада кучайтириш бугунги кунда долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Жиноий, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий суд ишларини кўриб чиқишда ихтисослаштирилган билимлардан суд жараёнларида фойдаланишни талаб қилади. Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш, жиноят ишлари бўйича ҳақиқатни аниқлашда суд экспертизасининг ҳам ҳиссаси бор.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 январдаги “Суд экспертлик фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4125-сон қарори билан “Илмий тадқиқотлар натижаларини суд-экспертлик фаолиятига татбиқ этиш, суд экспертизаларини ўтказиш услубиётини такомиллаштириш, суд экспертиза муассасаларининг кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлаш суд-экспертлик фаолиятини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари” этиб белгилангани боис, ҳозирги кунда суд экспертларига қўйиладиган малака талаблари ҳаларо стандартларга тўлиқ мослашди.


Ҳозирги кунда мамлакатимизда суд экспертиза фаолияти фаол равишда ривожланаётган бўлса-да, тўпланган назарий материалар ва тажрибалар ҳанузгача амалга етарлича татбиқ қилинмаган, бу фаолиятнинг кўпгина қоидалари нафақат тасдиқлашни, балки доимий равишда, айниқса унинг аниқ назарий базасини қайта кўриб чиқишни талаб қилмоқда. Шундай қилиб, суд процесслари, суд-экспертизасини ташкил қилиш ва ўтказиш соҳасида тўпланган назарий билим ва амалий тажрибани таҳлил қилиш, экспертнинг олдида тўғри саволлар қўйиш кўникмасини шакллантириш одил судловнинг сифатига ижобий таъсир кўрсатади.

Экспертизани ўтказиш ва экспертни олдида саволлар қўйишга оид амалий кўникмаларни мустаҳкамлаш натижасида, судларнинг малакали суд экспертиза хулосаларига бўлган эҳтиёжлари қондирилишига, экспертиза тадқиқотларини ўтказиш муддатларини қисқартирилишига, суд ишларини қисқа муддатларда ҳал этилишига имкон яратилади.

Амалиётда судьялар тайинлаган экспертиза йўналишлари бўйича саволлар доирасини аниқлашдаги муаммоларга дуч келишади. Экспертлар олдида саволлар нотўғри қўйилиши таъсирида хатолик мавжуд бўлиши эҳтимолдан

холи эмас. Бу эса процессуал муддатлар чўзилишига ҳамда иш юзасидан қайта (такрорий) экспертиза тайинланишига олиб келади, экспертлар экспертиза тайинлаш ҳақидаги суд ҳужжатларидаги саволларга аниқлик киритиш бўйича судларга илтимосномалар киритиб ўз вазифаларини муддатида ва сифатли амалга ошира олмайдилар.

Шунга кўра, суд ҳокимиятининг фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан ҳимоя қилинишига оид вазифаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулайманова номидаги Республика суд экспертизаси маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби ҳамкорликда ушбу Қўлланма тайёрланди.



1. Ҳужжатларнинг криминалистик экспертизаси



Суд-хатшунослик экспертизаси – криминалистик экспертизаларнинг энг кўп тарқалган турларидан бири бўлиб, жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича объектив ҳақиқатни очишга имкон беради. Унинг ёрдамида дастлабки тергов ва суд органлари фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича аҳамиятли бўлган шарт-шароитларни аниқлайдилар. Ушбу турдаги экспертизаларни ўтказишнинг қийинлиги одамнинг ёзув-ҳаракат кўникмалари ўта мураккаб ташкилий ва руҳий-физиологик

асосга эгаллиги, тадқиқотларнинг бевосита объектлари бўлган кўлёзма матнни бажариш жараёни эса бирданига бир неча ички ва ташқи омиллар таъсирида кечиши билан боғлиқ. Хатшунослик соҳасидаги назарий ва амалий тадқиқотлар доимо эксперт-хатшунос ҳал этадиган саволлар қамровини кенгайтиришга имкон беради.

Хатшунослик экспертизасини ўтказишда ашёвий далилларни криминалистик жиҳатдан тадқиқ этиш тизими муайян хусусиятларга эга. Бу бир томондан кўлёзмада ёзма ҳаракат кўникмаси хусусиятларининг хилма-хиллиги ва иккинчи томондан, бу хусусиятларнинг ҳар хил ёзув шароитларида ўзгарувчанлигида кўринади.

Жиноий ишларни дастлабки тергов ва судда кўриш жараёнида ашёвий далил сифатида иш бўйича кўпинча тўпланган ҳужжатлардаги ёзув ва (ёки) имзоларни бажарган шахсни ёки айрим ҳолларда муҳим аҳамиятга эга бўлган, шу ёзув ва имзоларни бажариш шароитларини аниқлаш муаммоси юзага келади. Бу турдаги ҳолатлар, айниқса, ҳар хил пул-тўлов ҳужжатларни қалбакилаштириш йўли билан жамоа ва давлат мулкни талон-тарож қилган шахслар айбини исбот қилишда алоҳида аҳамиятга эга.

Фуқаролик даъво ҳужжатларининг (масалан, тилхат, васиятнома ва бошқалар) ҳақиқийлигини аниқлаш билан боғлиқ ҳолларда ҳам хатшунослик экспертизасининг аҳамияти каттадир.

Хатшунослар турли кўлёзма ёзувлар, рақамли белгилар, ҳужжатлардаги имзоларнинг бажарувчиси ҳақидаги маълумотларни ва ҳужжатнинг тузувчисини аниқлайдилар, фуқаровий даъволарни кўриб чиқишда, жиноятнинг олдини олиш ва очишда аҳамиятга эга бўлган турли ҳужжатларни тузиш (ёзиш шароити, ёзувчининг ҳолати) билан боғлиқ бўлган бошқа ҳақиқий маълумотларни аниқлашга ёрдам берадилар.

Суд хатшунослик экспертизасининг предмети эксперт томонидан, фақат унинг ваколатларига тегишли фактларни (ҳолат) аниқлашни назарда тутати. Ушбу ваколатлар идентификацион ва ноидентификацион турдаги саволлар мажмуи

билан қатъий равишда чегараланган бўлиб, ушбу саволлар суд хатшунослигида мавжуд мос ҳолдаги илмий ишлаб чиқилган ва тажрибада синалган тадқиқот методларини қўллаш орқали аниқ ҳал этилади. Шунинг учун экспертиза тайинлаш ҳақидаги суриштирувчи, терговчининг қарори ёки суднинг ажримини олгандан сўнг, эксперт, биринчи навбатда ўз олдига ҳал қилиш учун қўйилган саволлар моҳияти билан танишиши, уларни ўз ваколатига мос келиши ёки келмаслигини аниқлаши лозим. Бу билан эксперт ўтказилиши лозим бўлган тадқиқотларнинг вазифаларини ва бу билан бирга тадқиқот ўтказишнинг предмети ва методикасини аниқлаб олади.

Бинобарин, суд хатшунослик экспертизасининг предмети бўлиб, жиноят-процессуал ва фуқаролик-процессуал қонунчиликка мос ҳолда жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича исботлаш аҳамиятига эга бўлган фактларни (ҳолат) аниқлаш мақсадида, суд хатшунослигида мавжуд бўлган тадқиқот методларини қўллаш орқали идентификацион, диагностик ва ситуацион вазифаларни бажариш ҳисобланади.

Хатшунослик экспертизаси айнан ва айнан бўлмаган масалаларни ҳал этади. Эксперт аниқ қўйилган саволлар билан танишиб чиқиб, тадқиқот мақсади ва чегараларини аниқлаб олади. Эксперт-криминалист ушбу ҳолатда, суд-хатшунослик соҳасидаги мутахассис олдига суриштирувчи, терговчи ва судья қўйган саволлар унинг ваколати доирасидан чиқадиган бўлса, уларни ҳал этишдан бош тортиши керак. Агар саволларнинг бир қисмини ҳал этиш учун бошқа соҳа мутахассислари керак бўлса, унда ҳар томонлама экспертиза ўтказиш зарур. Бунда, ёзув экспертизаси ҳужжатнинг ташқи кўриниши бузилиши мумкин бўлган тадқиқотдан аввал ўтказилиши лозимлигини ҳисобга олиш лозим.

Хатшунос эксперт тадқиқот жараёнида қуйидаги саволларга жавоб бериши мумкин:

- шубҳали қўлёмани текшириляётган шахсларнинг қайси бири бажарган;
- текшириляётган қўлёмалардан қайси бирини шубҳали шахс бажарган;
- шубҳали қўлёмани бир шахс бажарганми ёки турли шахсларми;
- қўлёмма одатдаги ёки ғайриодатий ҳолатда бажарилганми. Агар одатий бўлмаса, унда қайси ҳолатда;
- қўлёмма атайлаб ўзгартирилган ёзув билан бажарилганми;
- шубҳали қўлёмма бирор-бир шахснинг ёзувиға ўхшатиб бажарилганми;
- қўлёмма жисмоний толиққан, руҳий ҳаяжон, оғир касаллик ёки алкоголь истеъмол қилган ҳолатда бажарилганми;
- қўлёманинг бажарилган вақти;
- қўлёмани эркак ёки аёл бажарганми.

Бундан ташқари эксперт олдига бошқа саволлар ҳам қўйилиши мумкин.

Хатшунослик экспертизасига юбориляётган материалларға қўйилядиган талаблар ва уларни тайёрлаш. Ҳужжатнинг ижрочиси ва унинг муаллифини аниқлаш билан боғлиқ саволларни ҳал этиш учун гумон қилинаётган шахсларнинг ёзув намуналарини танлаш лозим.

Таққослаш тадқиқотиға танлаб олинган хатнинг намуналари қуйидаги талабларға жавоб бериши керак.

1. Мустақил бажарилганлиги. Ёзма нутқ ва ёзув намуналари сифатида танланган (кўлёзма) ҳужжатлар текширилаётган шахс томонидан ёзилган (тузилган) ва сунъий равишда киритилган ўзгаришлар бўлмаслиги керак. Ёзма нутқ намуналари текширилаётган шахснинг ижодий иши бўлиб, улар услуб, грамматик ва мазмун нуқтаи назаридан бегона шахсларнинг таъсирига тушмаган бўлиши лозим.

Ҳужжатнинг бажарувчисини айнанлаштириш (аниқлаш) учун ёзувнинг эркин ва экспериментал намуналари яроқлидир. Чап қўл ва босма ҳарфлар билан бажарилган ҳужжатлар тадқиқотига умумий тартибда ва оддий шароитда бажарилган эркин намуналар билан бирга, тадқиқ этилаётган ҳужжат бажарилган усулда бажарилган тажрибавий намуналар ҳам тақдим этилиши керак.

Тажрибавий намуналар олиш учун тадқиқот жараёнида ёзилишини текшириш мақсадида ўзига хос алоҳида сўзлар ва жумлалардан иборат махсус матн тузилади. Намуналарни танлаш иложи борича бир неча бор ўтказилиши керак.

2. Ёзув намуналарининг ҳажми. Умумий қоидалар бўйича, ёзма нутқ ва ёзув намуналари етарли айнанлаштирувчи индивидуал комплексга эга аломатларнинг турғунлигини текшириш ва аниқлашга имкон берадиган бўлиши керак. График ва лексик материалларнинг таққослаш тадқиқотига етарлилиги ва яроқлилиги, биринчи навбатда нафақат сони ва сифатига балки бажарувчи ҳамда муаллифнинг ёзма нутқ кўникмалари ҳамда график ўзига хослиги унда аниқ акс этирилганлигига ҳам боғлиқ.

3. Эркин намуналарнинг бажарилиш вақти. Таққослаш тадқиқотига танлаб олинган ёзув намуналари, тадқиқ этилаётган ҳужжатнинг ёзилиш вақтига мос келиши керак. Яъни текширилаётган шахс томонидан бажарилган тадқиқ этилаётган ҳужжатнинг ёзилиш вақтига иложи борича яқин ёзилган бўлиши керак.

4. Таққослаш материаллари мавзусининг мазмуни. Ёзувни таққослашда намуналарнинг мазмуни тадқиқот натижаларига амалий таъсир этмайди. Шунинг учун иложи борича улар ҳужжатларнинг пухталики билан график бажарилиш даражасига таъсир этувчи, ўзининг мақсади бўйича ҳар хил бўлиши керак. Тартибсиз ёки эътиборсиз бажарилган кўлёзмаларнинг мавжудлиги аломатларни айнанлаштиришнинг турли вариантларини тушуниб олишга ёрдам беради.

Имзоларнинг ҳақиқийлигини аниқлаш тадқиқотида таққослаш намуналарини танлаш баъзи бир ўзига хосликларга эга. Бу ўзига хослик ҳужжатнинг вазифасига боғлиқ бўлиб, имзо юқори ёки кичик пухталики билан бажарилиши, ўзига фамилиянинг кўпроқ ёки камроқ ҳарфларини олиши мумкин. Шунинг учун бошқа шахс томонидан имзолар бажарилганда, улардан пухталики билан ва пала-партиш бажарилган ҳар хил хусусиятга эга бўлган ҳужжатдаги имзолар эркин намуналарининг тўлиқ ва қисқартирилган тажрибавий имзолари олиниши керак.

Кўрсатилган эркин ва тажрибавий намуналар имзонинг қалбакилаштирилганлиги ёки йўқлиги, имзонинг қалбакилаштириш усули ва гумон қилинаётган шахс томонидан қалбакилаштириш бажарилганлигини аниқлашга имкон беради.

Хатиунослик экспертизасининг объектлари. Криминалистик тадқиқотлар объектлари ҳар хил матнлар бўлиши мумкин. Жинойтларни очишда ва тергов

қилишда экспертлар, суриштирувчилар, терговчилар ва бошқа ходимлар турли хил қўлёзмалар билан тўқнашади. Ҳар қандай қўлёзма, уни бажарган инсон ҳақида маълумот берувчи манба сифатида қаралиши мумкин. Қўлёзма ҳужжатлар воқеа содир этилган жой кузатилганда топилиши, гувоҳлар, жабрланувчи тақдим этиши, почта орқали олиниши мумкин. Жиноят ишига қайси йўл билан тушишидан қатъи назар, тергов олиб борилаётган ҳодисага алоқадор ҳужжатнинг бажарувчисини аниқлашга имкон туғилади.


Хатшунослик объектлари сифатида ёзув намуналари қуйидагиларга бўлинади:

1) *Эркин намуналар* – тахмин қилинаётган ижрочи томонидан жиноят содир этилгунга қадар ва ушбу жиноят ҳодисасига боғлиқ бўлмаган ҳолда бажарилган қўлёзмалар. Бу каби ёзувларга ишга қабул қилиш ҳақидаги ариза, тушунтириш хатлари, кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақадаги ёзувлар, шахсий ёзишмалар ва шу кабилар киради. Бундай ҳужжатларни бажаришда шахс келгусида ушбу ҳужжатлар ёзув намуналари сифатида фойдаланиши мумкинлигини билмаган ва ҳатто ўйлаб кўрмаган ҳам бўлади;

2) *Экспериментал намуналар* – тахмин қилинаётган ижрочи томонидан экспертиза тадқиқотлари учун махсус бажарилган ёзувлар (қўлёзма матнлар);

3) *Шартли-эркин намуналар* – махсус экспертиза тадқиқотлари учун эмас, аммо жиноят иши қўзғатилганидан сўнг бажарилган ёзув (қўлёзма матн), масалан, жиноят иши бўйича тушунтириш хатлари, ўз қўли билан ёзилган кўрсатмалар ва бошқа ҳужжатлар.

Ҳужжатларнинг техник-криминалистик экспертизаси



Ҳужжат – ашъвий далил сифатида жуда кўп ҳолларда, жиноят процесси иштирокчилари томонидан яхши идрок қилинмайдиган ва уларни баҳолаш учун махсус билимлар талаб этиладиган белгиларнинг ташувчилари ҳисобланади. Ҳужжатларни қалбакилаштириш билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича, бу каби махсус билимлардан фойдаланишнинг асосий процессуал шакли – бу

ҳужжатларнинг техник-криминалистик экспертизасидир.

Ҳужжатларнинг техник-криминалистик экспертизаси предметини ҳужжатнинг мазмуни ёки бажариш шароитларини аниқлаш мақсадида, махсус усул ва воситалар ёрдамида ҳужжатнинг хусусиятларини ўрганишдан иборат деб айтиш мумкин. Шунга асосан, ҳужжатларнинг техник-криминалистик экспертизасининг предметининг тушунчаси аниқланади. Бундай таърифда, ҳужжатларнинг техник-криминалистик экспертизасининг предметиде қуйидаги икки қисмни алоҳида ажратиб кўрсатиш зарур:

– илмий (шартли равишда «суд ҳужжатшунослиги» деб аталади);

– амалий (унинг асосини экспертларнинг ўрганиш (текшириш, билиш) фаолияти ташкил этади).

Хужжатлар реквизитларининг тадқиқотлари. Ушбу турдаги экспертиза тадқиқотларининг объекти бўлиб, қўлёзма матнлар, босма шаклдаги материаллар (полиграфик усулда тайёрланган хужжатлар, муҳр ва штамп акслари, машинка ёки принтерда бажарилган матнлар, телеграф, касса ва бошқа босма қурилмаларда тайёрланган матнлар), елимланган реквизитлар (фотосуратлар, маркалар, ёрлиқлар), компостер аппарати белгилари, ёнган ва йиртилган хужжатлар, хужжатларни тайёрлаш ёки уларга ўзгартириш киритишда фойдаланилган техник воситалар ҳисобланади.

Хужжатлар реквизитларининг техник-криминалистик тадқиқотларининг вазифалари қуйидагилардан иборат:

- хужжат реквизитларининг бажариш усулини аниқлаш;
- хужжат реквизити бажарилиш вақтини аниқлаш;
- хужжат реквизитининг ўзгартириш ҳолати ва усулини аниқлаш;
- хужжатнинг яхши кўринмайдиган ва кўринмайдиган реквизитларини аниқлаш;
- хужжат реквизитларини тайёрлашда ишлатилган техник воситаларни идентификация қилиш;
- машинкада (принтер ёрдамида) бажарилган хужжатнинг ижрочисини идентификация қилиш.

Қўлёзма матнларнинг техник-криминалистик экспертизаси. Ушбу турдаги экспертиза қуйидагиларни аниқлаш мақсадларда ўтказилади:

- ёзувларни бажариш усулини (бевосита ёзув қурилмаси ёки нусха кўчирувчи-кўпайтирувчи техника ёрдамида);
- ёзув қурилмасининг тури;
- ёзувларни бажаришда хужжат жойлашган подложканинг хусусиятларини;
- имзо ёки қўлёзма матнни бажаришда олдиндан техник тайёргарлик кўрилганлик ҳолати, имзоларни техник нусхалаш ҳолатини;
- қўлёзма матнга штрихларни қўшиб ёзиш орқали ўзгартириш киритилганлик ҳолатини;
- хужжатдаги дастлабки ёзувларни емириш (ювиш) йўли билан ўзгартирилганлик ҳолатини;
- ўзаро кесишувчи штрихларнинг бажарилиш кетма-кетлигини;
- ёзув қурилмасининг штрихлар бўйича идентификация қилиш;
- емириш йўли билан ўчирилган ёзувларни (штрих);
- ўчириш (тозлаш), устидан елимланган ёзувларни (штрих);
- устидан суюқлик тўкилган, устидан чизиб ташланган ёзувларни;
- босилган ёзувларни;
- қоғознинг йиртиб (кесиб, бўлиб) ташланган парчаларидаги ёзувларни;
- нусха кўчирувчи қоғоздаги ёзувларни;
- рангсизлантирилган ёзувларни;
- кўринмас (симпатик) сиёҳлар билан бажарилган ёзувларни.

Қўлёзма матнларнинг техник экспертизасида қуйидаги саволлар ҳал этилади:

- ёзувларни қандай усулда бажарилган (бевосита ёзув қурилмасида ёки нусха кўчирувчи қурилма ёхуд монтаж усулидами)?
- ёзувни бажаришда ишлатилган ёзув қурилмасининг тури қандай?
- ҳужжатни тайёрлашда ишлатилган из ҳосил қилувчи сирт (подложка) қандай хусусиятларга эга бўлган?
- текширилаётган имзо дастлабки техник тайёргарлик кўриб кейин бажарилганми?
- текширилаётган қўлёзма матн кўшиб ёзиш, алоҳида чизикларни чизиб кўйиш, бир штрихларни иккинчисининг устидан чизиш усуллари билан ўзгартирилганми?
- текширилаётган қўлёзма матн тозалаш, емириш (ювиш) усулларида ўзгартирилганми?
- қўлёзма матн ва ҳужжатнинг бошқа реквизитларининг ўзаро кесишувчи штрихлари қандай кетма-кетликда бажарилган?
- ҳужжатдаги ёзувлар бир ёки турлича ёзув қурилмалари ёрдамида бажарилганми?
- ҳужжатдаги ёзувлар аниқ бир ёзув қурилмасида бажарилганми?
- емириш, тозалаш усуллари билан ўчирилган ёзувларнинг мазмуни қандай?
- устидан елимланган ёзувларнинг мазмуни қандай?
- устидан суюқлик тўкилган, чизиб ташланган ёзувларнинг мазмуни қандай?
- босилган ёзувларнинг мазмуни қандай?
- ҳужжатнинг йўқотилган (йиртиб ташланган) бўлагидаги ёзувларнинг мазмуни қандай?
- ранги ўчиб кетган ёзувларнинг мазмуни қандай?
- кўринмас (симпатик) сиёҳ билан бажарилган ёзувларнинг мазмуни қандай?
- нусха кўчирувчи қоғозда акс этган ёзувларнинг мазмуни қандай?
- тақдим этилган нусха кўчирувчи қоғоздан нечта ҳужжатни бажаришда ишлатилган?

Мухр ва штамп аксларининг техник-криминалистик тадқиқотлари. Ушбу турдаги экспертизалар қуйидагиларни аниқлаш мақсадида ўтказилади:

- ҳужжатлардаги муҳр ёки штамп аксларининг ҳосил қилиш усулини;
- акс ҳосил қилинган клишеннинг (муҳр, штамп) турини;
- муҳр (штамп) аксига ўзгартириш (чизиш, ўчириш, емириш усуллари билан) киритилганлик ҳолатини;
- муҳр (штамп) аксини тушириш вақтини;
- ўзаро кесишувчи штрихларнинг бажариш кетма-кетлигини;
- яхши кўринмайдиган муҳр (штамп) аксларинининг мазмунини;
- ўзгартирилган муҳр (штамп) аксининг дастлабки мазмунини;
- муҳр ва штампларни идентификация қилиш.

Мухр ва штампларнинг техник-криминалистик тадқиқотларида ҳал этиладиган саволлар:

- ҳужжатдаги муҳр (штамп) акси қандай усулда бажарилган?

- акс ҳужжатда мавжуд бўлган муҳр (штамп) қандай усулда тайёрланган?
- муҳр (штамп) аксининг мазмунига ўзгартиришлар (қўшиб ёзиш ёки чизиш, тозалаш, емириш усулларида) киритилганми?
- муҳр (штамп) аксини тушириш вақти ҳужжатда кўрсатилган санага тўғри келадими, муҳр (штамп) акси қандай даврда туширилган?
- муҳр (штамп) акс ва ҳужжатнинг бошқа реквизитларидаги ўзаро кесишувчи штрихлар қандай кетма-кетликда бажарилган?
- муҳр (штамп)нинг яхши кўринмайдиган акси мазмуни қандай?
- муҳр (штамп)нинг ўзгартирилган аксининг дастлабки мазмуни қандай?
- текширилаётган муҳр (штамп) акси аниқ бир муҳр (штамп)дан қолдирилганми?
- ҳужжатдаги муҳр (штамп) акслари бир ёки турлича муҳр (штамп)лардан қолдирилганми?

Ёзув қурилмаларида бажарилган матнларнинг техник-криминалистик экспертизаси. Ушбу турдаги тадқиқотлар қуйидагиларни аниқлаш мақсадида ўтказилади:

- матни бажариш усулини;
- ёзув қурилмасининг (ёзув машинкаси, принтер, типографик қурилмалар) тури, намунаси ва русумини;
- матнни бажариш вақтини;
- ёзув қурилмасида бажарилган матн ижрочиси ҳақида маълумотлар олиш;
- ҳужжатдаги матн ва бошқа реквизитларнинг бажарилиш кетма-кетлигини (штрихларнинг кесишиши бўйича) аниқлаш;
- муҳр ёки штампга эга бўлган ҳужжатнинг тегишли қисмида матн қўшиб қўйилганлик ҳолатини;
- матн мазмунига қўшиб ёзиш, ўчириш, емириш усулларида ўзгартириш киритилганлик ҳолатини;
- яхши кўринмайдиган матн мазмунини;
- ўзгартирилган матннинг дастлабки мазмунини аниқлаш;

Шунингдек ёзув қурилмаларида бажарилган матнларнинг техник-криминалистик тадқиқотларида қуйидагиларни идентификация қилиш мақсадида ҳам ўтказилади:

- ёзув қурилмаларини (ёзув машинкаси, принтер, типографик қурилмалар);
- ёзув қурилмасида бажарилган матн ижрочисини.

Ёзув қурилмаларида бажарилган матнларнинг техник-криминалистик тадқиқотларида ҳал этиладиган саволлар:

- ёзув қурилмасида бажарилган матн қандай усулда бажарилган?
- ёзув қурилмасида бажарилган матнни бажаришда қандай турдаги ёзув қурилмаси (ёзув машинкаси, принтер ва бошқалар) ишлатилган?
- тақдим этилган ёзув қурилмасида бажарилган матн ёзув қурилмаси закладкасидаги нечанчи нусха бўлган?
- ёзув қурилмасида (закладкасида) тақдим этилган ёзув қурилмасида бажарилган матн билан бирга яна қанча матн бўлган?

– ҳужжат нусхалари ёзув қурилмасининг бир ёки турли закладкасида бажарилганми?

– ёзув қурилмасида бажарилган матннинг бажариш вақти ҳужжатда кўрсатилган санага мос келадими, ушбу матн қанча вақт оралиғида бажарилган?

– ёзув қурилмасида бажарилган матн ва ҳужжатнинг бошқа реквизитлари қандай кетма-кетликда бажарилган?

– ҳужжат матнини тайёрлашда бошқа ҳужжат (масалан: имзо ва муҳр аксига эга бўлган) нинг алоҳида қисмидан фойдаланиб бажарилганми?

– ҳужжатнинг мазмуни қўшиб ёзиш, тозалаш, емириш усулари ёрдамида ўзгартирилганми?

– яхши кўринмайдиган ёзув қурилмасида бажарилган матннинг мазмуни қандай?

– ўзгартирилган ёзув қурилмасида бажарилган матннинг дастлабки мазмуни қандай?

– ҳужжатлардаги матнлар бир ёки турли ёзув қурилмасида бажарилганми?

– ҳужжатдаги ёзув қурилмасида бажарилган матн тадқиқотга намуналари тақдим этилган ёзув қурилмасида бажарилганми?

– ёзув қурилмасида бажарилган матнлар бир ёки турли шахслар томонидан бажарилганми?

– ёзув қурилмасида бажарилган матн ижрочисининг малакаси (билими, кўникмаси) қандай?

Полиграфик маҳсулотларнинг техник-криминалистик экспертизаси. Ушбу турдаги тадқиқотлар қуйидагиларни аниқлаш мақсадида ўтказилади:

– босма усулни;

– босма шакл тайёрлаш усулини;

– варақларни кесиш усулини;

– варақларга ишлов бериш усулини;

– типографик шрифтнинг тури ва маркасини;

– нусха кўпайтирувчи қурилманинг тури, маркаси, русумини;

– ҳужжат варақларининг алмаштирганлик ҳолатини;

– яхши кўринмайдиган матннинг мазмунини;

Шунингдек, поллиграфик маҳсулотларнинг техник-криминалистик тадқиқотларида қуйидагиларни идентификация мақсадида ҳам ўтказилади:

– босма шакл, шрифтли кассалар, линотипларни;

– босма шаклларни тайёрлашда фойдаланилган фотонегатив ва асл деталларни;

– нусха кўпайтирувчи қурилмаларни;

– қоғоз кесувчи қурилмаларни (маҳсус пичоқ).

Полиграфик маҳсулотларнинг техник экспертизасида қуйидаги саволлар ҳал этилади:

– матн полиграфик усулда бажарилганми?

– ҳужжатдаги матн қандай усулда бажарилган?

– тақдим этилган ҳужжатлар айнан бир усулда бажарилганми?

– тақдим этилган полиграфик маҳсулотларни бажаришда ишлатилган босма шакллар қандай усулда тайёрланган?

– текширилаётган матн қандай тур, маркадаги типографик шрифтда бажарилган?

– варақларни кесиш усуллари қандай?

– тадқиқотга тақдим этилган маҳсулот қандай усулда рисола (брошюровка) қилинган?

– тақдим этилган рисоланган (брошюра) маҳсулотдаги варақлар қандай усулда алмаштирилган?

– яхши кўринмайдиган матнинг мазмуни қандай?

– тақдим этилган ҳужжатлар бир хил шакл, клише, стеротип ёрдамида бослиганми?

– тадқиқотга тақдим этилган ҳужжатлар, асл қолип ёки фотонегативларда мавжуд тасвирлар ёрдамида бажарилганми?

– текширилаётган қолип ва босма маҳсулот тақдим этилган ёзув қурилмаси литераси ёрдамида бажарилганми?

– текширилаётган ҳужжат нусхасини тайёрлашда ишлатилган электрографик (ёки бошқа нусха кўпайтирувчи) қурилманинг тури, маркаси ва русуми қандай?

– тақдим этилган ҳужжат нусхалари бир ёки турлича электрографик (ёки бошқа нусха кўпайтирувчи) қурилмалар ёрдамида бажарилганми?

– тақдим этилган ҳужжат, намуна-нусхалари бажарилган аниқ бир электрографик (ёки бошқа нусха кўпайтирувчи) қурилма ёрдамида тайёрланганми?

– ҳужжатнинг алоҳида реквизитлари монтаж йўли билан электрографик (ёки бошқа нусха кўпайтирувчи) қурилмада бажарилганми?

– ҳужжатнинг электрографик усулда бажарилган реквизитлари ва бошқа реквизитлари қандай кетма-кетликда бажарилган?

– ҳужжатнинг варақлари бир ёки турли қоғоз кесувчи қурилма (пичок)да қирқилганми?

Елимланган реквизитларнинг тадқиқотлари. Елимланган реквизитларнинг техник-криминалистик экспертизалари қуйидагиларни аниқлаш мақсадида ўтказилиши мумкин:

– фотосуратларни (марка, ёрлик) алмаштириш (елимлаш), қайта елимлаш;

– ҳужжатдаги варақларни алмаштириш (қайта елимлаш) ҳолатини;

– реквизитларни ҳужжат варағига елимлаш ҳолатини;

– ҳужжатнинг дастлабки мазмунини аниқлаш.

Елимланган реквизитларнинг техник экспертизасида қуйидаги саволлар ҳал этилади:

– ҳужжатдаги фотосуратлар (марка, ёрлик) алмаштирилган (қайта елимланган)ми?

– ҳужжат варақлари алмаштирилган (қайта елимланган) ми?

– ҳужжат матнининг мазмуни, ҳужжат варағидаги реквизитларни қайта елимлаш усулида ўзгартирилганми?

– реквизитлари қайта елимланган ҳужжатнинг дастлабки мазмуни қандай?

Компостер белгиларининг тадқиқотлари (Компостер – бу транспорт чипталарига белги кўйиш аппарати). Компостер белгиларининг техник-криминалистик экспертизаси қуйидаги мақсадда ўтказилади:

– компостер белгиларини бажариш усуллари аниқлаш; – компостер белгилари мазмунини аниқлаш; – компостерни идентификация қилиш.

Компостер белгиларининг техник экспертизасида қуйидаги саволлар ҳал этилади:

– ҳужжатдаги компостер белгилари қандай усулда бажарилган?

– компостер белгиларининг мазмуни ўзгартирилганми?

– компостер белгиларининг мазмуни қандай?

– текширилаётган компостер белгилари муайян компостеридан қолдирилганми?

Ёнган ҳужжатларнинг экспертизаси. Ёнган ҳужжатларнинг техник-криминалистик тадқиқотлари қуйидаги мақсадда ўтказилади:

– ёнган ҳужжатнинг турини;– ёнган ҳужжатларнинг миқдорини;– ёнган ҳужжатлар реквизитларининг мазмунини аниқлаш.

Ёндирилган ҳужжатларнинг техник экспертизасида қуйидаги саволлар ҳал этилади:

– ёнган (кул бўлиб қолган) қоғоз қолдиқлари қанча миқдордаги ва айнан қандай ҳужжатларни ёниш натижасида ҳосил бўлган?

– ёнган ҳужжатлардаги матннинг мазмуни қандай?

Йиртилган ҳужжатларнинг экспертизаси. Йиртилган ҳужжатларнинг техник-криминалистик тадқиқотлари қуйидаги мақсадда ўтказилади:

– йиртилган варақнинг (варақ бўлаги) аниқ бир ҳужжатга тегишлилигини аниқлаш;

– қоғоз парчаларининг ягона ҳужжатга тегишлилигини аниқлаш;

– варақларнинг бир вақтда ва бир хилда йиртилганлигини аниқлаш;

– йиртилган ҳужжатлар реквизитларининг мазмунини аниқлаш.

Йиртилган ҳужжатларнинг техник экспертизасида ҳал этиладиган саволлар:

– йиртилган қоғоз варағи қандай маҳсулотнинг бир қисми ҳисобланади?

– тақдим этилган қоғоз варағи, тадқиқотга юборилган ва варағи етишмайдиган дафтарга (бошқа аниқ маҳсулот) тегишлими?

– тақдим этилган ҳужжат бўлаклари илгари бир бутунни ташкил қилганми?

– тақдим этилган варақлар бир вақтда йиртилганми?

– йиртилган варақларнинг дастлабки кўриниши ва мазмуни қандай?

Ҳужжатлар материалларининг экспертизаси. Ҳужжатлар материалларининг техник тадқиқотларида ёзув материаллари, ҳужжат асоси материаллари (қоғоз, картон), ёрдамчи материаллар, емирувчи (тозаловчи) моддаларни тадқиқ этишни мақсад қилиб олади. Ёзув материаллари экспертизасининг объектлари бўлиб, штрихли ёзув материаллари, махсус идишлардаги (ампула, картридж, флакон, тубик, штамп ёстикчаси), нусха кўчирувчи қоғоз сиртидаги, ёзув қрилмалари лентасидаги ёзув материаллари ҳамда

турли буюмлардаги ёзув материаларидан қолган қолдиқлар ҳисобланади. Ушбу турдаги тадқиқотларнинг вазифалари:

– ёзув материалининг (штрихли, махсус идишлардаги) тури, мўлжалланган мақсадини аниқлаш;

– техник воситанинг турини штрихлар бўйича аниқлаш;

– ёзув материалларининг стандарт ёки ностандарт маҳсулоатга мансублигини аниқлаш;

– ёзув материаллари маҳсулотларининг ишлаб чиқилган аниқлаш жойини (Ўзбекистон ёки хорижда);

– штрихли ёзув материали маҳсулотларининг, тайёрлаш, сақлаш ва фойдаланиш усулларига кўра ажратилган ягона мажмуага мансублигини аниқлаш;

– штрихли ёзув материали маҳсулотининг аниқ бир махсус идишга (ампула, флакон) тегишлилигини аниқлаш;

– ёзув материалининг алоҳида ажратиб олинган миқдорини идентификация қилиш;

– штрихли ёзув материалга таъсир кўрсатиш (иссиқлик, кимёвий) ҳолатини аниқлаш;

– штрихли қўлёзма матнлар, босма шакллар аксларининг бажарилиш вақтини (тахминий) аниқлаш;

– ёзув материалларини бўйишда ишлатилган номаълум модданинг мўлжалланган мақсадини аниқлаш.

Ёзув материалларининг техник экспертизасида қуйидаги саволлар ҳал этилади:

– ҳужжат реквизитларини тайёрлашда қандай турдаги ёзув материалларидан фойдаланилган?

– тақдим этилган объектларнинг сиртида мавжуд бўлган бўёвчи моддаларнинг мўлжалланган мақсади қандай?

– тақдим этилган ҳужжатлар матнини бажаришда бир турдаги ёзув материаллари ишлатилганми?

– тақдим этилган ҳужжатлардаги ёзувлар таркиби бўйича бир хил ёзув материалларидан фойдаланиб бажарилганми?

– тақдим этилган ҳужжатлардаги ёзувларда, таркиби бўйича бир хил ёзув материаллари ёрдамида бажарилган ёзувлар мавжудми?

– ҳужжатлар реквизитларини бажаришда, тадқиқотга тақдим этилган махсус идишдаги мавжуд бўлган бўёвчи моддалар ишлатилганми?

– ҳужжат штрихларидаги бўёвчи модда стандарт (ностандарт) ишлаб чиқариш маҳсулоти ҳисобландими?

– ҳужжат матнидаги штрихларнинг бўёвчи моддалари илгари ягона ишлаб чиқариш маҳсулоти бўлганми?

– ҳужжатлардаги ёзувлар тадқиқотга тақдим этилган шарикли ручка сиёҳи билан бажарилганми?

– ҳужжатлардаги ёзувлар тадқиқотга тақдим этилган флакондаги сиёҳ (тушь) билан бажарилганми?

– тақдим этилган ҳужжатлардаги муҳр (штамп) аксини туширишда бир тур (таркиб)даги штемпел бўёғидан фойдаланилганми?

– ҳужжатдаги қўлёзма мантларнинг бажариш вақти ҳужжатда кўрсатилган санага мос келадими, агар мос келмаса, ушбу ёзувлар қандай вақт оралиғида бажарилган?

– ҳужжатдаги муҳр (штамп) аксларининг бажариш вақти ҳужжатда кўрсатилган санага мос келадими, агар мос келмаса, ушбу муҳр (штамп) акслари қандай вақт оралиғида бажарилган?

– бир неча ҳужжатлардаги реквизитлар бир хил вақт оралиғида бажарилганми?

– сана кўрсатилмаган ҳужжатдаги реквизитлар бир вақт оралиғида бажарилганми?

Қоғоз ва қоғоз маҳсулотларининг экспертизаси. Қоғоз ва қоғоз маҳсулотларининг техник тадқиқотларида ҳужжат материали – қоғоз, қоғоз маҳсулотлари ва уларнинг парчлари, пул макети (кукла), ташқи таъсир натижасида тузилишини йўқотган моддий ҳосилалар (кул, куйган, кўмирга айланиб қолган, толаларга ажралиб кетган заррачалар) текширилиши мумкин.

Ушбу турдаги тадқиқотларнинг вазифалари:

– ўз тузилишини йўқотган моддий ҳосилаларнинг қоғозга тегишлилиги;

– қоғознинг мўлжалланган мақсадини (тури, синфи) аниқлаш;

– қоғоз парчасининг муайян турдаги маҳсулотга тегишлилигини аниқлаш;– қоғознинг стандарт ёки ностандарт Ўзбекистонда ёки хорижда ишлаб чиқарилган маҳсулотга тегишлилигини аниқлаш;

– қоғозни ишлаб чиқарган корхонани аниқлаш;

– қоғознинг ягона ишлаб чиқариш манбаига тегишлилигини аниқлаш;

– қоғознинг сақлаш ва фойдаланиш хусусиятларига кўра ягона ҳажмга тегишлилигини аниқлаш;

– қоғоз маҳсулотларининг бир қисмини яхлит бир маҳсулот (мажмуа)га (бир дафтар, бир пачка) тегишлилигини аниқлаш;

– қоғоз ёки қоғоз маҳсулотининг тайёрлаш вақтини (тахминий) аниқлаш.

Қоғоз ва қоғоз маҳсулотларининг техник экспертизасида қуйидаги саволлар ҳал этилади:

– тақдим этилган объектлар (тола, кул) қоғоз қолдиқлари ҳисобланадими?

– тақдим этилган заррачалар қандай турдаги қоғоз маҳсулоти ҳисобланади?

– тақдим этилган заррачалар муайян турдаги қоғоз маҳсулоти қолдиғи ҳисобланадими?

– тақдим этилган ҳужжатни тайёрлашда қандай турдаги қоғоздан фойдаланилган?

– тақдим этилган ҳужжатни тайёрлашда мўлжалланган мақсади қандай қоғоздан фойдаланилган?

– тақдим этилган ҳужжатларнинг қоғозлари бир кохонада ишлаб чиқилган ёки бир серияда ишлаб чиқилган маҳсулотларга мансубми?

– тақдим этилган қоғоз (қоғоз парчаси) қандай турдаги маҳсулотга тегишли?

- тақдим этилган варақлар (қоғоз парчалари) илгари ягона маҳсулот (рулон, катта ўлчамли қоғоз)га тегишли бўлганми?
- тақдим этилган варақлар бир дафтарга тегишли бўлганми?
- ҳужжатнинг варағи, тақдим этилган ва варақлари етишмаётган дафтарга тегишли бўлганми?
- ёндирилган материаллар пул банкноти қолдиғи ҳисобланадими?
- тақдим этилган ҳужжатга иссиқлик таъсири кўрсатилганми (масалан, дазмолланганми)?
- ҳужжатнинг қоғози қандай вақт оралиғида тайёрланган?
- тақдим этилган қоғоз маҳсулоти қандай вақт оралиғида тайёрланган?

Ёрдамчи материалларнинг экспертизаси. Ёрдамчи материаллар тадқиқотларида елим (ҳужжат қисмларидаги), коррективировка қилувчи моддалар, ҳужжат қисмларини ўзаро маҳкамловчи материаллар (ип, мато, сим), ҳужжатнинг ташқи қопламаларини тайёрлашда ишлатиладиган материаллар (рулон, картон, чарм), ҳужжатлар қолдиқлари ёки ҳужжатлар тайёрлашда ишлатилган маҳсулотларнинг қолдиғи деб тахмин қилинган ва ўзининг дастлабки тузилишини йўқотган заррчалар.

Ушбу турдаги экспертизаларнинг вазифалари:

- ёрдамчи материалнинг тури ва мўлжалланган мақсадини аниқлаш;
- ёрдамчи материалларнинг тайёрлаш, сақлаш ва фойдаланиш жойига кўра келиб чиқиш манбаини аниқлаш;
- ёзув материалининг алоҳида ажртилган ҳажмга тегишлилигини аниқлаш;
- ҳужжатлар қолдиқлари ёки ҳужжатлар тайёрлашда ишлатилган маҳсулотларнинг қолдиғи деб тахмин қилинган ва ўзининг дастлабки тузилишини йўқотган заррачаларни гуруҳий мансублигини аниқлаш.

Ёрдамчи материалларнинг техник экспертизасида қуйидаги саволлар ҳал этилади:

- ҳужжатни тайёрлашда қандай турдаги елим ишлатилган?
- ҳужжатдаги фотосуратларни елимлашда бир турдаги елимдан фойдаланилганми?
- тақдим этилган маҳсус идишдаги моддадан ёрликларни елимлашда фойдаланиш мумкинми?
- тақдим этилган қоғоздаги модда заррачалари елим заррачалари ҳисобланадими?
- тақдим этилган ёнган заррачалар паспорт муқоваси қолдиқларими?
- тақдим этилган намуналар муқоваларини тайёрлашда ишлатилган материаллар текширилатган ҳужжатлар муқоваларини тайёрлашда ишлатилиши мумкинми?

Емирувчи ва тозаловчи моддаларнинг экспертизаси. Емирувчи ва тозаловчи моддаларнинг техник тадқиқотларида турли моддалар ва ҳужжат асоси билан таъмирлашиш натижасида адсорбцияланган моддалар, ҳужжатлар реквизитларини ўчириш (ўзгартириш)да ишлатилган кимёвий воситалар (кислота, эритма, дезинфекцияловчи фармакология препаратлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ва

ҳ.к.з.), минерал ва органик кислоталар текширилади. Бу турдаги тадқиқотларнинг вазифалари:

– ҳужжатларга емирувчи (тозаловчи) модда билан таъсир кўрсатилганлик ҳолатини аниқлаш;– ҳужжат реқвизитларини ўчиришда ишлатилган модданинг кимёвий табиати ва мўлжалланган мақсадини аниқлаш;– ҳужжат реқвизитини ўчиришда ишлатилган модданинг, тайёрлаш ва сақлаш белгиларига кўра алоҳида ажратилган ҳажмга мансублигини аниқлаш;– ҳужжат реқвизитини ўчиришда ишлатилган модданинг алоҳида ажратилган (аниқ махсус идишда жойлашган) ҳажмга мансублигини аниқлаш.

Емирувчи ва тозаловчи моддаларнинг техник экспертизасида қуйидаги саволлар ҳал этилади:

- ҳужжатга кимёвий (емириш, тозалаш) таъсир кўрсатилганми?
- ҳужжатнинг мазмуни кимёвий таъсир ёрдамида ўзгартирилганми?
- ҳужжат реқвизитларини ўчиришда (йўқотиш) ишлатилган модданинг мўлжалланган мақсади қандай?
- намунаси тадқиқотга тақдим этилган кимёвий модданинг кимёвий табиати ва мўлжалланган мақсади қандай; ушбу модда ёрдамида ҳужжат реқвизитлари ўчирилиши мумкинми?
- тадқиқотга тақдим этилган бир неча ҳужжатлар реқвизитларини йўқотишда бир турдаги (кимёвий табиати ва мўлжалланган мақсадига кўра) модда ишлатилганми?

2. Суд-сиёсатшунослик-лингвистик экспертиза



Суд-сиёсатшунослик-лингвистик экспертизаси бу – натижаси тегишли саволларни ҳал қилишда махсус билимларни қўллаш талаб этиладиган эксперт хулосаси берлиши билан яқунланадиган, процессуал жиҳатдан тартибга солинган, оғзаки ва (ёки) ёзма нутқнинг экспертизага оид сиёсатшунослик-лингвистик тадқиқотдир.

Суд-сиёсатшунослик-лингвистик экспертизасининг предмети – аниқ бир иш бўйича исботланиши лозим бўлган ҳолат ва шароитларни, сиёсатшунослик-лингвистика соҳаси бўйича махсус билимларни қўллаган ҳолда аниқлашдан иборатдир.

Суд-сиёсатшунослик-лингвистик экспертизасининг объекти — ихтиёрий моддий ахборот ташувчида қайд этилган тил ва нутқ бирлиги, оғзаки, ёзма, электрон матнлар ҳисобланади. Шунингдек:

- миллий, ирқий, диний адоватни қўзғашга, конституциявий тузумни ўзгартиришга, оммавий тартибсизликларга, зўравонликка чорловчи гайриҳуқуқий мазмундаги материаллар тарқатилиши билан боғлиқ ишларда;

- сайлов ёки референдумни ташкил қилиш, ўтказиш ҳақидаги қонунбузарликларга алоқадор ишларда;

- баҳсли ижтимоий-сиёсий ёки реклама материалларининг оммавий онг ва феъл-атворга таъсир даражаси ва оқибатларини аниқлашда;

- уришни тарғиб қилиш билан боғлиқ ишларда;

- терроризмни амалга оширишга доир ишларда;

- Президентга тажовуз қилиш билан боғлиқ ишларда;

- Конституциявий тузумга тажовуз қилишга оид ишларда;

- жамият хавфсизлигига ва ижтимоий тартиб-интизомга таҳдид солувчи мазмунга эга материалларни тарқатиш билан боғлиқ ишларда ва ҳ.к.

- сўзлар, сўз бирикмалари, барқарор фразеологик бирикмалар, фикр-мулоҳазалар, идиомаларнинг¹ маъноси ва келиб чиқишини талқин қилиш;

- тил ёки нутқ (оғзаки ёки ёзма) бирлигининг асосий ҳамда қўшимча (*когнетив*) маъносини (аҳамияти) шарҳлаш ёки изоҳлаш;

- ҳужжат матнидаги ҳолатларни замонавий мантиқий фикрлашга асосланиб (дискурсив) идрок қилишнинг (тушуниш) қандай вариантлари мумкин бўлишини талқин қилиш;

- товар белгилари, сўзлар, мавжуд ифодалар, белгилар, шиорлар, ақида, реклама матни, тижорат ва фирма номларини (номланиши), уларнинг бошқа белгилар билан айнанлиги ёки аралашиб кетиши даражасигача ўхшашлигини аниқлаш мақсадида тадқиқотларини ўтказиш;

¹ Идиома – маъноси ўз таркибидаги сўзларнинг маъноларига боғлиқ бўлмаган, яхлит ҳолда бир маъно берувчи ихчам ибора.

– матнни (матн лавҳаси), унинг маъно-мазмунини йўналиши, таклифларининг модаллиги, нутқ бирликларининг таъсирчанлиги (экспрессивлик) ва ҳиссийлиги (эмотивлиги), уларнинг формал-грамматик характеристикалари ва семантикаси (сўз ёки ибора маъноси), ишлатилган стилистик воситалар ва усулларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш мақсадида тадқиқотлар ўтказиш.

Суд-сиёсатшунослик-лингвистик экспертизаси – нутқшунослик экспертизаларнинг бошқа турлари билан узвий боғланган. Ушбу турдаги экспертиза қуйидаги тур экспертизалар билан комплекс тарзда ўтказилиши мумкин:

– компьютер-техник экспертиза (масалан, Интернетдаги сайт контенти, домен номлари, компьютер сленги электрон почтадаги маълумотлар ва ҳ.к.ни тадқиқотлари ўтказилганда);

– фоноскопия экспертиза (масалан, тадқиқот объекти фонограммада ёзилган оғзаки нутқ бўлганда);

– муаллифшунослик экспертизаси (ёзма ёки оғзаки аноним ёки псевдоаноним матнни муаллифини аниқлаш талаб қилинганда, шунингдек, плагиатни, янги ҳосил қилинган сўзлар – неологизмларнинг этимологиясини, логоепистеми, товар белгилари ва бошқа фирма номларини муаллифлик аслигини (оригиналлиги) аниқлашда ва ҳ.к.);

Суд-сиёсатшунослик-лингвистик экспертизаси тадқиқотларини ўтказишга қуйидаги ҳолатларда эҳтиёж туғилади:

судда жиноят ишларини кўриб чиқишда ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг сўзлар, гаплар иштирокидаги қилмишлар: тухмат, ҳақорат, душманлик ва нафратни кўзгатувчи воситаларда содир этилган жиноятларни тергов қилиш, шунингдек шахснинг кадр-қимматини бирор миллатга, диний ёки бошқа ижтимоий гуруҳга мансублиги белгилари бўйича камситиш, товар белгисини қонунга хилоф равишда ишлатиш, қасддан ёлғон реклама қилиш, муаллифлик, ихтирочилик ва патентга бўлган ҳуқуқини поймол қилиш, порнографик материалларни қонунга хилоф равишда тарқатиш ва бошқа турдаги жиноятларни тергов қилиш фаолиятларида;

фуқаролик ишларини судда кўриб чиқишда фуқароларнинг шаъни, кадр-қимматини, шунингдек, фуқароларнинг ишчанлик обрўсини (репутация) ҳимоя қилиш бўйича даъволар, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш бўйича даъволар;

судда юридик шахсларнинг даъволарини кўриб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Президентини омма олдида ҳақоратлаш ёки унга тухмат қилиш, шунингдек, матбуот ёки бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланган ҳолда уни ҳақоратлаш ёки унга тухмат қилиш ҳолатлари, оммавий ахборот воситаларида тарқатилган материалларда миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилувчи маълумотлар мавжудлиги, материалларда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат тузумини Конституцияга хилоф тарзда ўзгартиришга, ҳокимиятни босиб олишга ёхуд қонуний равишда сайлаб қўйилган ёки тайинланган ҳокимият вакилларини ҳокимиятдан четлатишга ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудудий яхлитлигини Конституцияга хилоф тарзда бузишга очикдан-очик даъват қиладиган чақириқлар ёки маълумотлар мавжуд бўлганда,

оммавий-ахборот воситаларида кенг омма эътиборига ҳавола қилинган, ОАВ тўғрисидаги амалдаги қонунчилик нормаларини бузилишига сабаб бўлган, экстремистик ёки террорчиликка оид ёки бошқа ноқонуний материалларни тарқатиш билан алоқадор эканлигига шубҳа туғилган маълумот ва ахборотларни ноқонуний деб топиш бўйича ишларда;

маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича ишларда – аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган, фуқароларни тинчлигини бузиш, тухмат каби вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш ҳамда жамиятда қарор топган ҳуқуқ-атвор қоидаларига ва жамоат ҳавфсизлигига қарши қаратилган чақириклар ёки маълумотлар мавжуд бўлган ишларда.

Эксперт-лингвистларнинг янада кенгроқ фаолият йўналиши – бу юридик хизматлар, нашриётлар, ОАВларга кўрсатадиган ёрдамидир, бу жараёнда экспертлар тегишли қўлёзма ёки материалларни чоп этилишдан олдин ўқиб танишиб чиқадилар ва мавжуд матнлар ҳамда бошқа турли ҳужжатларни (шартнома, меъёрий ҳужжат ва ҳ.к.) комплекс эксперт-лингвистик мониторингини амалга оширадилар. Бу билан жисмоний ва юридик шахсларга нисбатан, босма ва электрон ОАВда улар ишлатган аниқ сўз ва иборалар бўйича эътирозлар билдириш, шунингдек, таҳририятга нисбатан ижтимоий, миллатлараро ва конфессиялараро зиддият ва душманликни келтириб чиқариш бўйича жиноий жавобгарлик, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар ҳамда уларнинг прекурсорларини тарғибот қилиш бўйича маъмурий жавобгарликка тортиш хавфи камаяди.

Эксперт-лингвист ёрдамисиз, баъзида айбланувчи ўзига қўйилаётган айбни тўғри тушунганлигини (масалан, иш юритилаётган тилни ёки ҳуқуқий, иқтисодий ва бошқа махсус атамаларни яхши билмаслиги), сўроқ қилинувчининг жавобларида лингвистик ёки ижтимоий-маданий ноаниқликлар мавжудлигини аниқлаш қийин вазифа саналади.

Суд муҳокамасида шахсларнинг берган кўрсатмаларининг маъноси ёки мазмунини лингвистик талқин қилиш – оғзаки ёки ёзма матнни лексик, прагматик, ижтимоий-маданий ёки диалектик (шевага хос) ноаниқликларни бартараф этиш учун талаб этилади.

Суд-сиёсатишунослик-лингвистик экспертизасига, шахснинг (жисмоний ёки юридик) шаъни, кадр-қиммати ёки ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш бўйича фуқаролик ишларига оид қўйидаги саволлар қўйилиши мумкин:

– матнда (*Ф.И.Ш., юридик шахснинг номи*) ҳақида, унинг фаолияти ҳамда шахсий, касбий ёки ахлоқий сифатлари ҳақида негатив маълумотлар мавжудми? Агар мавжуд бўлса, бу маълумотлар айнан қандай фикр ва мулоҳазаларда мавжуд ва уларнинг маъноси қандай?

– агар юқоридаги сўз ва ибораларда (*Ф.И.Ш., юридик шахснинг номи*) ҳақида негатив маълумотлар мавжуд бўлса, бу маълумотлар айнан қандай шаклда ифодаланган: тасдиқ, тахмин, савол?

– тақдим этилган матннинг лингвистик таҳлиллари, бу матнда фуқаро (*Ф.И.Ш.*) томонидан амалдаги қонунчилик, умумқабул қилинган ахлоқий қоида ва тамойилларни бузганлиги ҳақидаги маълумотларни тасдиқлаш шаклидаги сўз ва иборалар мавжудми?

– нашр матнидаги сўз (сўз бирикмаси, ибора, гап) қандай маънода ишлатилган?

– мақола(лар)даги матннинг композицион тузилиши қандай, муаллиф айнан қандай стилистик усуллардан фойдаланган ва улар нашр (мақола) қаҳрамонларини қандай характерлайди (ифодалайди)?

– матнда баён қилинган маълумотлар бирор бир фактни (ҳолат) тасдиқлайдими, агар тасдиқласа, айнан қандай фактларни тасдиқлайди ёки улар нашр муаллифининг шахсий фикри, баҳоловчи мулоҳазаларими?

Суд-сиёсатшунолик-лингвистик экспертизаларини ўтказишда тил ва нутқ воситалари ёрдамида, тасдиқ шаклидаги маълумотлар ва баҳоловчи фикр-мулоҳазаларни, шунингдек, фактик (аниқ бир ҳолат ҳақидаги) маълумотлар билан матн муаллифининг субъектив фикрларини ўзаро фарқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишда суд-сиёсатшунолик-лингвистик экспертизаси олдига ҳал қилиш учун қўйидаги мазмундаги саволлар қўйилади:

– асарларнинг (масалан, адабий-бадиий, публистик ёки илмий асар) тўлиқ ёки қисман ўхшашлиги ёки фарқи мавжудми;

– ўзаро қарама-қарши қўйилган объектларнинг (масалан, товар белгилари ёки фирма номи, домен номлари), уларнинг алмаштириш даражасигача бўлган ўхшашлиги (яхлит ёки алоҳида қисмлари бўйича) мавжудми;

– тақдим этилган объект индивидуал ижодий иш натижаси (масалан, ном, слоган, персонаж, видеоклип ва ҳ.к.) ҳисобланадими;

– асар мустақил ёки қайта ишланган, қайта таҳрир қилинган ҳисобланадими;

– асарнинг элементи (номи, лавҳаси, нақорати, сатри ёки банди) мустақил ишлатилиши (қўлланилиши, фойдаланилиши) мумкинми;

– таржима аслига мосми (тўғрими, аутентми²);

– матннинг (масалан, ихтиро формуласи, шартнома банди) маъноси қандай;

– асар контексти бўйича сўз, иборанинг маъноси, этимологияси қандай.

ОАВ томонидан баҳсли матнлар тарқатилиши бўйича ишларни қўришда тайинланган суд-сиёсатшунолик-лингвистик экспертизага бериладиган типик саволлар:

– тақдим этилган матнда, муайян миллат, конфессия ёки ижтимоий гуруҳга тегишли (қаратилган) нисбатан, бошқа ижтимоий гуруҳларга нисбатан салбий баҳолаш мавжуд бўлган сўзлар, фикр ва мулоҳазалар мавжудми?

– матнда, алоҳида вакилларга эмас, балки бутун этник гуруҳга қаратилган кескин, салбий баҳо ёки адоват ёки ғайирликни ифодаловчи фикр ва мулоҳазалар мавжудми. Агар мавжуд бўлса, улар қандай шаклда баён қилинган: тасдиқлаш, фикр, ҳиссий (эмоционал)-таъсирчан (экспрессив) баҳо, субъектив баҳоловчи фикр ва ҳ.к.?

– муайян миллат, конфессия ёки ижтимоий гуруҳга тегишли (қаратилган) нисбатан салбий баҳолаш мавжуд бўлган сўзлар, фикр ва мулоҳазаларнинг

²“Аутентификация” – бу ниманидир ҳаққонийлигини текшириш жараёни. Бу термин кўпроқ ахборот технологияларида қўлланилади.

муаллифи таҳририят бўлиши мумкинки ёки салбий баҳо берилган изоҳлар цитата, респондентларнинг шахсий фикри, комментатор, корреспондент ёки расмий шахсларнинг шахсий фикри кўринишида берилганми?

– матнда, бирорта миллат ёки ижтимоий гуруҳ фуқаросининг, бошқа миллатларга қараганда салбийлигини (заифлиги, пастлиги, ахлоқсизлиги ва ҳ.к.) тарғибот қилувчи фикрлар мавжудми?

– матнда, муайян бир миллатга нисбатан душманлик ёки адоватли ҳаракатларни амалга оширишга ундовчи (чорловчи, чақирувчи) фикрлар мавжудми?

– матнда, бирорта миллат, этник ва ижтимоий гуруҳга тегишли шахсларга нисбатан камситувчи ёки хўрловчи фикрлар мавжудми?

– матнда, бир ижтимоий гуруҳ ҳисобига бошқа ижтимоий гуруҳ фойдасига ҳаракат қилишга ундовчи шаклдаги сўз ёки фикрлар мавжудми?

– матнда, ўзбек тили нуқтаи назаридан, бирорта этник гуруҳнинг барча аъзоларига ўзбек маданияти ва урф-одатларида салбий баҳоланган қадимий одатлар, эътиқодлар, ҳаракатларга амал қилишга ундовчи чақириқларга эга фикрлар мавжудми?

– матнда, бир миллатни устунлиги ва бошқа бир миллатни заифлиги ёки салбийлиги ҳақида тасдиқлаш шаклидаги фикрлар мавжудми:

– матнда, алоҳида вакилларнинг қилмишлари учун бутун этник гуруҳни жавобгарликка тортишни тасдиқловчи фикрлар мавжудми?

– матнда, муайян бир миллат ёки ижтимоий гуруҳни бошқа бир миллат ёки ижтимоий гуруҳга қарши низо, ихтилоф ёки душманлик қилишга чақирувчи фикрлар мавжудми?

– матнда, муайян бир миллатнинг олдиндан (илгаридан, эскидан, аввалдан) душманлиги ҳақида фикрлар мавжудми?

– матнда, муайян бир миллат ёки ижтимоий гуруҳнинг манфаатларини бошқа бир миллат ёки ижтимоий гуруҳга нисбатан мос эмаслиги, уларнинг синфий қарама-қаршилиги ҳақидаги фикрлар мавжудми?

– матнда, муайян бир ижтимоий, этник ёки профессионал гуруҳнинг илгари (ўтган замондаги), ҳозирги кундаги ва келажакдаги кулфатлари (ғам-ташвишлари, ёмон кунлари ва ҳ.к.) бошқа бир миллат, элат, этник ёки профессионал гуруҳнинг мавжудлиги ҳамда мақсадли фаолияти (ҳаракатлари) билан изоҳланган фикрлар мавжудми?

– матнда, муайян бир миллатнинг низоли ёки душманлик кайфиятидаги мақсади, интилиши ва ҳаракатлари ҳақидаги фикрлар мавжудми?

– матнда, геноцид, муайян бир ижтимоий, этник ёки профессионал гуруҳни депортация ёки репрессия қилишни оқловчи (мақтовчи), ижобий баҳоловчи фикрлар мавжудми?

– матнда, муайян бир ижтимоий, этник ёки профессионал гуруҳ фуқароларининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини чеклашга чақирувчи ёки талаб қилувчи фикрлар мавжудми?

– миллий, конфессионал ёки бошқа ижтимоий белгиларига кўра бирлашган фуқаролар ёки гуруҳларга турли имтиёзлар берилишига чакирувчи фикрлар мавжудми?

Ушбу саволлар рўйхати тугалланмаган ва очик ҳисобланади, бу рўйхат суд экспертиза амалиётининг ривожланишига боғлиқ ҳолда янада кенгайиши ва такомиллашиши мумкин.

3. Суд-филология (муаллифшунослик) экспертизаси



Суд-филология (муаллифшунослик) экспертизаси бу - криминалистик экспертизалар турига кириб, унинг предметини, матн муаллифи ва шахсиятини аниқлаш билан боғлиқ жараён ташкил этади. Бунга ижрочиси ёки бажарувчиси кўрсатилмаган аноним хатлар, муаллифи ва бажарувчиси турли хил (мисол учун, матн айтиб туриб ёки кўчириб бажарилган, босмаҳона усулида, ёзув машинкасида бажарилган) ҳужжатлар муаллифларини аниқлаш ҳам киради.

Ушбу турдаги экспертизанинг ўрганиш предмети бўлиб, ёзма нутқнинг ўзига хос хусусиятлари, тадқиқотларнинг вазифаси эса, муайян матннинг муаллифини ёки ёзма нутқда намоён бўладиган айрим белгиларининг (билим-маданияти даражаси, касби, ёши ва жинси, тилини (шеваси) ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб қаерданлиги ва шу кабилар) аниқлаш ҳисобланади.

Ушбу турдаги экспертизаларни ўтказишда тадқиқот объектлари бўлиб турли (қўлёзма, типографик) усулда бажарилган матнлар ҳисобланади.

Суд-филология (муаллифшунослик) экспертизаси идентификацион, классификацион ва диагностик масалаларни ҳал этади.

Идентификацион масалалар:

– тақдим этилаётган қўлёзма ёки электрон (босмаҳона) усулида бажарилган матн муаллифи аниқ бир шахс эканлигини аниқлаш;

– тақдим этилаётган бир неча ҳужжатларнинг ёки уларнинг қайсидир қисмлари, жумлаларининг ижрочиси аниқ бир шахс эканлигини аниқлаш.

Классификацион масалалар:

– рус (ўзбек) тилида бажарилган ҳужжатни (қўлёзма) бажарган муаллифнинг она тили рус (ўзбек) тили эканлигини аниқлаш;

– текширилаётган матн ижрочисининг ижтимоий диалекти (шеваси) қайси ҳудудга мансублигини аниқлаш;

– матн ижрочисининг билим даражаси, савиясини аниқлаш;

– матн ижрочисининг қўлёзмани бажараётган илмий, публицистик иш юритиш қоидаларига қай даражада риоя қилганлигини аниқлаш;

– матн ижрочисининг (муаллиф) жинси, ёшини аниқлаш;

– матн ижрочисининг (муаллиф) касби, мутахассислигини аниқлаш каби масалалар амалга оширилади.

Суд-филология (муаллифшунослик) экспертизасида ҳал этиладиган саволлар:

– тадқиқотга тақдим этилган матннинг муаллифи ушбу шахс ҳисобланадими?

– тадқиқотга тақдим этилган матндаги ёзма нутқ белгиларига кўра, ушбу матн муаллифи қандай ўзига хос хусусиятлар билан тавсифланади?

Биринчи саволни ҳал этишда ўрганилаётган матнни бажарган деб тахмин қилинаётган шахснинг матн кўринишидаги таққослаш намуналари зарур бўлади. Имкон даражасига қараб экспертизага намуналар сифатида турли вақтларда бажарилган матнларни тақдим этиш тавсия этилади. Бунда ўрганилаётган матн бажарилган вақтни ҳам инобатга олиш керак. Ундан ташқари намуналар орасига текширилаётган ҳужжат (хат, ахборот хати, тақриз, илмий мақола ва шу кабилар) билан бир хил ҳужжатларни киритиш тавсия қилинади.

Таққослаш учун намуналар сифатида талаб қилинадиган ҳужжатларни кўп ҳолларда тахмин қилинаётган муаллифнинг иш ёки яшаш жойидан, айрим ҳужжатларни (масалан, хат) эса ушбу шахснинг дўстлари ва қариндошларидан аниқлаб олиш мумкин. Намуналар сифатида олинган ҳужжатларнинг бажарилиш вақтини эса экспертга алоқа хати орқали хабар қилиш лозим.

Матн бажарилиши шарт-шароитлари билан боғлиқ диагностик масалаларни ечиш мақсадида эксперт томонидан қуйидаги масалалар ўрганилади:

– текширилаётган матнда шахснинг ёзма нутқини атайлаб ўзгартириш билан бажарилганлиги;

– матн муаллифи ва ижрочиси битта шахс эканлиги;

– матн муаллифининг уни бажараётган пайтдаги ҳолатида (алкоголь ичимлик ичганлиги, стресс ҳолати, жисмонан чарчаган ҳолда) бажарилганлиги.

Айрим ҳолларда матн бажарилаётган жараёнда шахснинг психологик касалликлари мавжудлигини аниқлашда суд-психиатрия соҳасидаги мутахассис ва суд-филология (муаллифшунослик) экспертизасининг эксперти билан биргаликда комплекс тадқиқот олиб борилади. Эксперт ўз олдида қўйилган масалаларни ечишда матн ижрочиси ҳақидаги тўплаган маълумотларга таяниб хулоса беради.

Экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарорда (ажрим) жиноий (фуқаролик) ишининг батафсил баёни, экспертиза тайинланиши шарт ва лозим бўлган ҳолатлар, ҳужжат — ашёвий далил қандай ва қай ҳолатда топилганлиги, эксперт олдида қўйилган саволлар аниқ ва тўлиқ келтирилиши шарт. Қандай ҳужжат ёки унинг нусхаси бўйича тадқиқот ўтказилиши, қандай солиштирув материалларининг эксперт ихтиёрига топширилаётгани ҳам кўрсатилиши лозим.

Тадқиқ этилиши лозим бўлган ҳужжатнинг бошланиш ва тугалланиш сўзлари келтирилиши керак. Текширилувчи матнда сўзлар 100 тадан кам бўлмаган нутқнинг мустақил сўз туркумлари (от, сифат, сон ва бошқ.) ва ёрдамчи сўзлар (кўмакчилар – билан, учун, каби, сингари, узра, томон, орқали); боғловчилар (ё, ёки, ва, аммо, агар, чунки, гўё, шунинг учун, баъзан, на); юкламалар (ҳатто, фақат, наҳотки, ахир, худди, ҳам) доирасида бўлиши шарт.

Суд-филология (муаллифшунослик) экспертизасини ўтказиш учун зарур материалларни тайёрлаш ва расмийлаштириш. Нутқ тадқиқоти билан боғлиқ махсус билимлар криминалистиканинг турли хил йуналишлари, яъни муаллифшунослик, хатшунослик, фонография, ҳужжатларнинг техникавий экспертизаси каби соҳаларда ўрганилади.

Суд-филология (муаллифшунослик) экспертизасини ўтказишга зарурият айниқса кимнидир ҳаётига таҳдид қилиб ёки айбига иқроор бўлинганлик ҳақида ёзилган аноним (ижрочиси кўрсатилмаган) хатлар мавжуд бўлганда ва уни ёзишда гумон қилинаётган шахс уни умуман бажармаганлигини ёхуд қандайдир босим остида айтиб туриб ёзилганлигини важини келтирган пайтда қўл келади. Шу сабабли, экспертиза тайинлаганда текширилувчи матннинг асл нусхасини тақдим этиш мақсадга мувофиқдир. Хужжатнинг ксеронусхаси, фотонусхаси бўйича ёзувнинг динамик, босим, ҳаракатларни боғланиш ва диагностик белгиларни аниқлашнинг имкони чекланган. Шу сабабли экспертизага тадқиқ қилиниши лозим бўлган хужжатнинг нусхасини юбориш тўлиқ тадқиқот ўтказишга тўсқинлик қилади ва айрим ҳолларда қатъий хулоса бериш имконини бермайди. Хужжатнинг нусхаси бўйича ёзувларни тадқиқ қилиш фақат истисноли ҳолат, яъни хужжатнинг асл нусхаси йўқотилган тақдирдагина рухсат этилади.

Хужжатнинг аслини топишнинг имкони бўлмаганда, бу ҳолат экспертиза тайинлаш тўғрисидаги қарор ёки ажримда кўрсатилиши лозим.

Экспертиза тайинлаш учун сабаб бўлган хужжатни терговчи (суриштирув, суд) синчиклаб ўрганиб чиқиши ва қуйидаги тавсияларга амал қилиши зарур:

1.Текширилувчи матнга ҳеч қандай қўшимча ва ўзгартиришлар киритиши (турли кўрсаткичлар билан белгилаш, турли изоҳли ёзувларни киритиши) мумкин эмас.

2.Текширилувчи матнни сақлаш мақсадида уни алоҳида конвертга солиши зарур. Қоғозни буклаш зарурати туғилса, уни фақат олдиндан бор бўлган чизик бўйича тахланади.

3.Йиртиб ташланган ва омонат матнни бошқа қоғозга елимлашга йўл қўймаслик керак. Уни конвертга авайлаб солиб, неча бўлакдан иборатлиги кўрсатилади.

Суд-филология (муаллифшунослик) экспертизаси тайинлашда керак бўладиган намуналар қуйидаги тоифаларга бўлинади:

ёзма нутқнинг эркин намуналари – текширилаётган шахснинг ушбу жиноят (фуқаролик) иши қўзғатилгунига қадар ва у билан боғлиқ бўлмаган ҳолатларда бажарган ёзувлари.

Айрим вақтларда намуналарни шахснинг ўзига тасдиқлатиб олиш имконияти бўлмаса, шахснинг эркин намуналари бошқа шахсларга, қариндошларга, мактаб, институт ўқитувчи ва раҳбарларига кўрсатиб, тасдиқлатиб олиниши ва экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарорда бу ҳақида қайд этилиши лозим.

Таққослаш материалларини тайёрлашда тахминий ижрочининг ёзувига мансуб барча белгилар тўлиқ мавжуд бўлишига эътибор қаратиш керак.

Ёзувнинг намуналари билан текширилаётган матнни таққослаш мумкин бўлган тақдирдагина ҳар томонлама тўлиқ тадқиқот ўтказилади ва матн ижрочиси ҳақида илмий асосланган хулоса берилади.

Ёзма нутқнинг эркин намуналари текширилаётган матнга қуйидагилар бўйича мос келиши керак:

1.Текширилувчи матн бажарилган тил билан битта тилда бўлиши уларнинг ёзувлари (кирилл, лотин) бир хил бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Аксинча, уларнинг

фарқланиши таққослашга яроқсизлигини англатади. Текширилаётган матн ўзбек тилида кирилл алифбоси ёрдамида бажарилган бўлса, кирилл алифбосида бажарилган ўзбек тилидаги намуналар тақдим этилиши керак. Акс ҳолда, суд-филология (муаллифшунослик) экспертизасини ўтказиш ва хулоса бериш анча қийинлашади.

2.Бажарилиш вақти бўйича ҳам ўзаро яқин бўлиши. Шахсларнинг ёзувлари фақат нисбий турғунлик хусусиятига эга ва унинг белгилари вақт ўтиши билан ўзгаради. Айниқса, кекса ёшдагилар ва мактаб ўқувчиларининг ёзувлари вақт ўтиши билан сезиларли даражада ўзгариши мумкин. Оғир касаллик, кўзи ожизлиги, ўнг қўлнинг шикастланиши натижасида ҳам бундай ўзгаришлар бўлиши мумкин. Шу сабабли тадқиқ этилувчи матн билан намуналарнинг бажарилиш вақти ўзаро мос келиши катта аҳамиятга эга.

Тахмин бўйича бир вақтда бажарилган текширилувчи матн билан ёзув намуналарини топиш имконияти бўлмаганда, экспертга намуналари тақдим қилинаётган шахснинг ёши, маълумоти, касби, ёзувга таъсир этадиган касалликлари тўғрисида маълумот бериш керак. Бу каби маълумотлар экспертга аниқланган белгиларни баҳолашга ёрдам беради.

3.Ёзув материали ва қуроли. Намуналар ва текширилувчи матн бир хил қоғозда, ёзув қуролида (қалам, ручка) бажарилган бўлиши керак.

4.Бажариш усули ва шароитлари бўйича мослиги. Текширилаётган матн махсус шрифтга (босма, чизмачилик) тақлид қилиб бажарилган ёки мослаштирилмаган чап қўлда бажарилган деб тахмин қилинса, худди шу усулда бажарилган намуналар топиш лозим.

5.Ёзув тезлиги. Ёзув тезлигини ўзгартириш шахснинг ёзув белгиларига сезиларли таъсир кўрсатади. Ёзув тезлиги кескин ўзгартирилганда уни бажарувчи шахснинг ёзуви янги вариантыга ўтади. Терговчи (суриштирувчи, суд) учун текширилаётган матндаги ёзув тезлигини аниқлаш анча мураккаб ҳисобланади. Шу сабабли экспертга турли хил тезликда бажарилган ёзув намуналарини тақдим қилиниши керак. Маъруза конспектлари, шошиб бажарилган ёзувлар юқори тезликда бажарилган эркин намуналар ҳисобланади. Расмий ҳужжатлар деганда: ариза, таржимаи ҳол, турли хил тушунтириш хатлари нисбатан паст тезликда бажарилган ёзувнинг эркин намуналари ҳисобланади.

Солиштириш учун тақдим қилинган намуналарнинг етарли бўлмаслиги эксперт томонидан қўшимча намуналар тақдим этиш ҳақида илтимосномалар юборишга, шу сабабли экспертизани ўтказишни тўхтатилишига, айрим ҳолларда эса хулоса беришнинг имкони йўқ тарзидаги хулоса ёки бўлмаса хулоса беришнинг иложи йўқлиги тўғрисидаги ҳужжат беришга сабаб бўлади.

Ёзма нутқнинг (матн) тажрибавий (экспериментал) намуналари, экспертиза ўтказиш учун текшириладиган матнни бажаришда тахминий ижрочи томонидан терговчи (суриштирувчи, судья) тақлифига биноан бажарилган ёзувлар намуналаридир. Уларнинг аслиги шубҳа уйғотмаслик учун ушбу намуналар терговчи (суриштирувчи, судья) томонидан холислар иштирокида олиниши шарт. Намуна олиш тўғрисида тегишли қарор (ажрим) чиқарилади. Тажрибавий намуналар текширилувчи матнга бажарилган тили, усули, кўзланган манзили

бўйича мос келиши керак. Ушбу намуналарни эркин мавзудаги иншо тарзида олиниши ҳам мумкин.

Тажрибавий намуналарнинг ижобий томони шундаки, улар текшириладиган ёзув бажарилган шароитга яқинлаштириб олиниши мумкин (бир хил тезликда, чап кўлда). Тажрибавий намуналарни мутахассис иштирокида олиш ҳам яхши самара беради ва намуналарнинг сифатини оширади. Намуна олинаётган пайтда ижрочи ўз ёзувини ўзгартириши мумкинлигини ҳам унутмаслик лозим.

Тажрибавий намуналар олишнинг иккита асосий усули мавжуд. Айтиб туриб ёздириш ва терговчининг (суриштирувчи, судья) таклифига биноан шахс ёзувларни мустақил равишда бажариши. Намуналар олинаётган вақтда шахс атайлаб ёзувини ўзгартиришга ҳаракат қилаётган бўлса, у ҳолда намуналар олишни маълум вақтга тўхтатиб қўйиш керак. Сабаби, ёзаётган шахс вақт ўтиши билан ёзувига қандай ўзгартиришлар киритганлигини унутади. Айтиб туриб ёздирганда текширилаётган матнда мавжуд сўзлар ва ибораларни киритиш мақсадга мувофиқ. Агар текширилувчи матнни тахмин этилаётган ижрочидан сир тутиш лозим бўлса, айтиб туриб ёздириш мумкин эмас.

Тажрибавий намуналар алоҳида-алоҳида варақларда бажарилиб, ҳар бир варақ тўлдирилиши билан ёзаётган шахсдан олиб қўйилиши лозим.

Иш қўзғатилгандан сўнг, аммо атайлаб экспертиза ўтказиш учун махсус мўлжалланмаган ёзувлар *шартли-эркин намуналаридир*. Тушунтириш хатлари, ариза, шикоят, сўроқ, юзлаштириш баённомалари ушбу намуналар жумласига киради. Такқослаш учун намуналарнинг етарли ёки етарли эмаслиги фақат тадқиқот ўтказиш жараёнида эксперт томонидан аниқланади.

Ёзма нутқнинг намуналари билан бир қаторда гумон қилинаётган шахснинг магнит тасмаси, диск, видеокассетага ёзиб олинган оғзаки нутқидан ҳам фойдаланиш мумкин. Ушбу намуналарга қўйилган талаблар ҳам юқорида баён қилинган умумий талабларга асосланади, фақат, экспериментал намуна олинаётган вақтда намуна олинувчи шахснинг овозини қасддан ўзгартиришга ҳаракат қилишини олди олиниши талаб қилинади. Ушбу шахс билан эркин суҳбат олиб бориш, иш бўйича саволлар бериб, ундай ёзма матндаги мавжуд бўлган сўзларни айттиришга эришиш лозим. Экспериментал намуналарнинг олиниш сонини белгилаш эркин намуналарнинг сифати, сонига боғлиқ ҳисобланади.

Агарда эркин намуналарнинг сифати паст бўлса, ушбу ҳолатни инобатга олиб экспериментал намуналарни олиш сони ҳам шунга яраша кўпроқ бўлиши, аммо уларнинг сони 25-30 варақдан ошмаслиги талаб қилинади.

Ёзма нутқнинг намуналари тайёрланаётганда, уларнинг ўрганилаётган ҳужжат хусусиятига ёзма мулоқотнинг вазияти тўғри келиши лозим.

Ёзма нутқ намуналарини олиш сонини белгилаш масаласида тавсиялар бериш қийин, аммо ҳар бир алоҳида ҳолат юзасидан қуйидагиларни инобатга олиш талаб қилинади:

1) ўрганилаётган матннинг ҳажми қанчалик кам бўлса, шунча кўп миқдорда намуналар тақдим қилиниш лозим;

2) намуналар қанчалик солиштириш талабларига жавоб бермаса, шунчалик уларнинг сони кўп олиниши талаб қилинади.

Аmmo намуналарнинг кўплаб ҳажмда олиниши ҳам яхши ва сифатли натижа беришини кафолатлай олмайди. Амалиёт шуни кўрсатадики, юқорида кўрсатилган тавсияларга амал қилиш текширилувчи объектнинг сифатли чиқишини 10-15 мартага оширади. Қолган ҳолатларда ушбу коэффицентлар 2-5 мартага ошади.

Экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарорда (ажрим) қуйидагилар кўрсатиб ўтилиши зарур:

– суд-филология (муаллифшунослик) экспертизасини ўтказишга заруратнинг сабаблари;

– ҳужжат, ашёвий далилнинг қаердан ва қандай ҳолатда топилганлиги, ишнинг қисқача тафсилоти. Агарда жиноят иш бўлса, жиноятнинг тури, фуқаролик иши бўлса, қўзғатилиши сабаблари;

– тадқиқот учун қандай ҳужжат ёки унинг нусхалари тақдим этилаётганлиги. Тадқиқот этилувчи матннинг бошланиш ва тугаш сўзлари кўрсатилиши;

– агарда тадқиқотга матннинг бир қисми тегишли бўлса, тадқиқот учун матн бутунлигича эмас фақат айнан ўша қисми тегишлиги кўрсатилади;

– экспертиза учун ёзма нутқнинг қандай намуналари тақдим қилинаётганлиги. Эркин намуналарни, уларнинг бажарилган куни ва шароитлари (агарда ноодатий шароитларда бўлса), уларнинг ҳақиқийлиги текширилганлиги кўрсатиб ўтилиши).

Умум қабул қилинган ҳолатлардан ташқари, қуйидагилар ҳам кўрсатиб ўтилиши керак:

– тадқиқот қилинувчи ҳужжатнинг қаердан юборилганлиги, жойи ва унинг топилганлик ҳолати, унинг тузилганлиги тахминий вақти ва қандай шароитлар (ноодатий ҳолатларда тузилганлиги);

– ҳужжат ижрочисининг шахси ҳақида (жинси, ёши, миллати, ижтимоий келиб чиқиши, маълумоти, касби ёки машғулот тури (иш жойи мансаби), она тили, она тилидан бошқа қайси тилларни билиши, яшаш жойи (ҳозирги ва аввалги), қандай психологик ёки оғир касалликлар билан касалланганлиги (айнан қайси касаллик ва қачондан бери), сурункали алкоголь ичимликлар истеъмол қилиши, ёзув бажарилган жараёнда қандай касаллик билан оғриганлиги);

– ёзув матни мўлжалланган шахс билан уни бажарилганлигида гумон қилинаётган шахс билан шахсий муносабатлари.

Экспертиза тайинлашда юқорида кўрсатиб ўтилган талабларга риоя қилиниши суд-филология (муаллифшунослик) экспертизасини сифатли ўтказишда муҳим аҳамият касб этади ва унинг самарадорлигини таъминлайди.

4. Суд-баллистика экспертизаси



Суд-баллистик экспертизаси анъанавий криминалистик экспертизаларнинг алоҳида бир соҳаси ҳисобланади. Ушбу турдаги криминалистик экспертизаларнинг ўзига назарий ва илмий–амалий махсус билимларнинг мажмуасини қамраб олган илмий асоси суд баллистикаси ҳисобланади.

Суд баллистикаси – криминалистик техниканинг, ўқотар

қуроллар, уларнинг патронлари ва уларнинг қисм ва механизмлари ҳамда таркибий қисмлари, ўқотар қуроллар ва патронларнинг ишлатиш излари бўйича маълумотларни ақс этиши ва олиш қонуниятларини ўраганадиган, жиноятларни очиш ва тергов қилиш ҳамда жиноятчиликни олдини олиш мақсадида юқорида санаб ўтилган объектларни аниқлаш, қайд этиш, олиш, сақлаш ва тадқиқот қилиш учун техник усуллар, восита ва методлар ишлаб чиқадиган бир соҳасидир.

Баллистик экспертиза – қонунда белгиланган процессуал шаклда тегишли эксперт хулосасини расмийлаштириш билан, тергов ҳаракатлари ва суд муҳокамаси жараёнида ўқотар қурол, ўқдорилар ва уларнинг ишлатиш излари ҳақидаги илмий асосланган маълумотларни олиш мақсадида ўтказиладиган махсус экспертиза тадқиқотларидир.

Баллистик экспертиза объектларининг доираси анча кенг, унинг чегаралари ўзгарувчан ва доимий равишда ўсиб бориш хусусиятига эга. Баллистик экспертизанинг объектлари ўзига хос хусусиятларга эга бўлган объектлар бўлиб, улар сирасига турли хил буюмлар, моддалар, жароҳат ва шикастланишлар ҳамда моддий қайд этилувчи акслар ёки тасвирлар киради.

Тадқиқот объектлари – буюмлар: ўқотар қуроллар ва уларга ўхшаш қурилмалар; қуролларнинг алоҳида қисмлари ва қуролларнинг таркибий жиҳозлари, қуроллар сақланган жойлар; захарловчи (кўзни ёшлантирувчи, нафасни бўғувчи), тутун ҳосил қилувчи, бўёвчи ампулалар ва бошқа зарядлар билан отувчи қурилмалар; ўқотар қурол ҳисобланмайдиган, аммо уларга ўхшаш буюмлар, масалан: қурилиш монтаж тўппончалари, газ-сигнал қурол ва мосламалари; жанговар ўқдорилар, яъни патронлар ва уларнинг алоҳида қисмлари (гильза, капсюл, пижлар, ўқлар, сочма ўқ, картеч (питра), бўлиниб кетган ўқларнинг парчалари ва бошқа); милтиқ патронлари гильзаларини капсюллар билан жиҳозлаш учун мўлжалланган махсус мосламалар («Барклай», «Диана», рикопер); ўқотар қурол ва жанговар ўқдориларнинг тайёр бўлмаган ва ярим тайёр алоҳида қисмлари, уларнинг чизмалари ва қолип-нусхалари, номерли белгилар ёзиш учун махсус мослама-пуансонлар;

Тадқиқот объектлари – моддалар: тутунли ва тутунсиз порох ва унинг таркибий қисмлари ҳамда гугурт доналари дориси; жароҳатланган буюмлардаги ўқ тегишидан ҳосил бўлган ва қурол, гильза, ўқ, пижлардаги қурум, қуролдан отган шахснинг қўлларидан олинган қурум;

Тадқиқот объектлари – жароҳатлар: ўқ теккан буюмлардаги ўқ ёки сочма ўқ тегишидан ҳосил бўлган тешиқлар, ёриқлар, улар атрофидаги қуйишлар; снаряд, гильза ва пижлар деформацияланган ва ажралган бўлақлари; қурол стволларининг ишиб ва ёрилиб кетиши, қуролнинг алоҳида қисмларининг бузилиши;

Тадқиқот объекти – моддий қайд этилувчи акслар: ўқ ва гильзалардаги, уларни маҳкамлаш учун ишлатилган асбоб-ускуна ва отиш учун ишлатилган қурол қисмларидан қолган эзилиш ва шилинишлар; снарядлардаги, уларни тайёрлашда ишлатилган пресс-шакл ҳамда гильза оғзидан қолган эзилиш ва шилинишлар; жароҳатланган буюмдаги, ўқ тегишидан ҳосил бўлган тешиқ атрофидаги, қурол стволи олди кесимининг акси (“штанцмарка”); ўқ тегишидан ҳосил бўлган кириш жароҳатлари атрофидаги, снарядларнинг ишқаланиш таъсирида вужудга келган ҳалқа – ишқаланиш ҳалқаси; ўқ отишда, жароҳатланган буюмлардаги, ўқ тегишидан ҳосил бўлган жароҳатлар атрофидаги, турли шаклларга эга бўлган қурумнинг ўтириб қолиши; ўқотар қуролнинг бир алоҳида қисми тасвирини иккинчи бир алоҳида қисмда ифодаловчи занглар; ўқотар қуролни алоҳида бир қисмининг унинг иккинчи бир алоҳида қисмидаги ҳосил қилган шилинишлари.

Баллистик экспертизаларда ҳал этиладиган саволлар. Баллистик экспертизаларни ўтказиш натижасида экспертлар томонидан қуйидаги саволларга жавоб берилиши мумкин:

Классификацион турдаги вазифаларни бажаришида:

– тақдим этилган буюм ўқотар қуролларга ва ўқ-дорилар туркумига тегишлими?

– тақдим этилган қурол қайси тизим, модель, намунага тааллуқли?

– тақдим этилган қуролнинг (патрон) калибри қандай?

– текширилаётган патронлар қуролнинг қайси турига, тизимига тааллуқли?

– берилган ўқ ва гильза қайси модель ва намунага тааллуқли?

– берилган ўқ қайси усулда тайёрланган?

Диагностик турдаги вазифаларни бажаришида:

– тадқиқотга тақдим этилган ўқотар қурол қандай усул билан тайёрланган?

– патронлар қайси усул билан тайёрланган?

– тадқиқотга юборилган ўқотар қурол ўзгартирилганми, унинг қайси қисмлари алмаштирилган?

– қурол носоз эмасми (қуролнинг техник ҳолати қандай)?;

– тадқиқотга тақдим этилган ўқотар қурол отиш учун яроқлими?

– тадқиқотга тақдим этилган қуролдан муайян шароитларда ўқ отилиши мумкинми (масалан, автоматик қуролдан доналаб ўқ отиш мумкинми)?;

– қуролдан қўйиб юборувчи илмоқни босмасдан ўқ отиш мумкинми?

– қуролдан тасодифий ўқ отишларининг имкони борми (масалан, силкитиш, бир жойга уриш, ташлаб юбориш сингарилар натижасида)?

– патронлар отишга яроқлими?

Идентификацион турдаги вазифаларни бажаришида:

– ўқ ва гильза қандай турдаги ўқотар қуролдан отилган?

– ўқ тақдим этилган қуролдан отилганми?

– гильза тақдим этилган қуролдан отилганми?

– тақдим этилган ўқлар (гильза) айнан бир қуролдан отилганми?

– отилган ўқ ва гильза илгари бир патронга тегишлими бўлганми?

– тақдим этилган пиж қисмлари илгари ўзаро бир бутун пижни ташкил қилганми?

Ситуацион турдаги вазифаларни бажаришида:

– тақдим этилган қуролдан, унинг стволлари охириги марта тозаланидан кейин ўқ отилганми?

– текширилаётган жароҳат ўқ тегишидан ҳосил бўлганми?

– текширилаётган жароҳат қандай снаряд тегишидан ҳосил бўлган (ўқ, сочма ўқ, картеч)?

– жароҳатнинг белгиларига кўра, ишлатилган қуролнинг турини аниқланг?

– текширилаётган жароҳатлар (шикастланиш) нечта ўқ тегишидан ҳосил бўлган?

– ўқ қандай масофадан отилган?

– ўқ қайси жойдан отилган?

Ҳодиса содир бўлган жойда ноштат патронлардан фойдаланилганликни билдирувчи ўқ ва гильзалар аниқланганда ўтказиладиган суд-баллистика экспертизалари жараёнида қуйидаги саволларга жавоб олиниши мумкин:

– тақдим этилган ўқ (гильза) қандай патроннинг таркибий қисми ҳисобланади?

– ҳодиса жойида аниқланган ўқ (гильза) тегишли бўлган патрон қандай калибр, тур, намуна ва русумдаги қуролдан отиш учун мўлжалланган?

– ушбу ўқ (гильза) ўзи учун мос бўлмаган калибр, тур, намуна ва русумдаги қуролдан отишда ишлатилганми?

– ҳодиса жойидан аниқланган ўқ (отилган гильза) қандай калибр, тур, намуна ва русумдаги ўқотар қуролдан отилган?

– ҳодиса жойидан аниқланган ўқлар (гильзалар) бир ёки бошқа-бошқа тур, намуна ва русумдаги қуроллардан отилганми?

– ҳодиса жойидан аниқланган ўқ ва гильза айнан бир патроннинг таркибий қисмларими?

– гильза корпуси деформацияси яналиши (ишиб қолиши ва йиртилиши) нинг сабаблари нимадан иборат?

Ушбу санаб ўтилган саволлар ноштат патронлардан фойдаланиш ҳолатлари бўйича экспертиза амалиётида энг кўп тарқалган саволлар ҳисобланади. Улардан бошқа, муайян бир жиноят иши юзасидан аниқланган ҳолат бўйича саволлар ҳам бўлиши мумкин.

Силлиқ стволли ўқотар қуролни снарядлардаги изларга кўра идентификация қилишда қўйиладиган саволлар. Ушбу турдаги экспертиза тадқиқотларида, экспертиза тадқиқотларини ўтказиш учун сарфланадиган вақт, воситалар ва экспертиза олдига қўйилган саволларга аниқ жавоб бериш имконияти

экспертга тақдим этилган дастлабки маълумотларнинг ҳажмига бевосита боғлиқ бўлганлиги учун экспертларда, экспертиза олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш мақсадида, алоҳида шароитларни аниқлаштириш зарурати туғилади. Бу мақсадда қуйидаги шароитлар аниқланиши лозим:

- ҳодиса содир бўлган жойда, ўқотар қуролнинг қайси стволидан (чап, ўнг, юқори, қуйи) ўқ отилган;
- ўқ отилишидан сўнг, қуролда қандай ўзгаришлар юз берган;
- ҳодиса жойида ўқ отилганидан сўнг, қуролдан неча марта ўқ отилган;
- қурол охирги марта тозаланганидан сўнг қанча вақт ўтган;
- отилишда ишлатилган патрон қайси усулда тайёрланган.

Ушбу шароитлар экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарорда келтирилмайди. Уларни аниқлаш учун эксперт кўрилайётган иш бўйича қуйидаги қўшимча материалларни сўраб олиши мумкин: ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, гувоҳ, жабрланувчи ва гумон қилинувчиларнинг сўроқ қилиш баённомаси, суд-тиббий ва суд баллистика экспертизаларининг хулосалари.

СУД-БАЛЛИСТИК ЭКСПЕРТИЗА ХУЛОСАЛАРИ

Экспертизага тақдим этилди:

1. Н. кўчасидаги ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда олинган икки дона гильзалар.
2. А. кўчасидаги ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришда олинган бир дона гильза.

Эксперт олдига қўйилган саволлар:

1. Тадқиқотга тақдим этилган гильзалар қандай патроннинг таркибий қисмлари ҳисобланади?
2. Ушбу гильзалар қайси русумдаги қуролдан отилган?
3. Ушбу гильзалар бир русумдаги қуролдан отилганми?

ТАДҚИҚОТЛАР

(Объектлар ўрамининг таърифи)

Тадқиқот объектларининг ўрами очилганда, ундан тузилиши ва миқдори терговчининг экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарорида кўрсатилганига мос келадиган уч дона гильзалар олинди.

Тадқиқот жараёнини ва таърифлашни осонлаштириш мақсадида гильзалар номерланди: Н. кўчасидан олинган гильзалар – 1 ва 2 сонли; А. кўчасидан олинган гильза – 3 сонли.

Барча гильзалар бир турда бўлиб, магнит хоссасига эга бўлган кулранг яшил рангли металдан ясалган. Гильзалар бутилкасимон шаклда, корпусида айлана ариқча (проточка)си мавжуд ва марказий жанг патрони гильзалари (1-расм).

Ҳар бир гильзанинг узунлиги – 38,5 мм, оғирлиги – 6,4 грамм, корпусининг диаметри – 11,2 мм, тубининг диаметри – 11,4 мм, оғиз кесимининг ички диаметри – 8,1 мм; оғиз кесимининг ташқи диаметри – 8,8 мм, капсюл уячасининг диаметри – 6,1 мм. Капсюл кулрангда. Гильзаларнинг тубида қуйидаги маркировка белгилари мавжуд: «711»–ишлаб чиқарган заводнинг коди; «87» – ишлаб чиқарилган йили.

Ўқларнинг гильзаларга маҳкамланиш усули – айлана сиқув. Гильзалар тубидаги капсюл уячалари қизил рангли герметик лок билан қопланган.

Тақдим этилган гильзаларни махсус адабиётлардаги (Патроны ручного огнестрельного оружия и их криминалистическое исследование / Под ред. А.И. Устинова, М.М. Блюма. – М., 1982. – С.98) маълумотлар билан солиштириб, уларни 7,62 мм калибри, «Калашников» конструкцияли автоматлар (АК, АКМ), «СКС» русумли карабинлар ва бошқа шу калибрдаги ўқотар қуроллар учун штатли бўлган патронларнинг таркибий қисмлари эканлиги аниқланди.

Тақдим этилган гильзаларни МБС-10 микроскопи остида текшириб, ҳар бир гильзанинг тубида ўқотар қурол қисмларидан қолган излар мавжудлиги аниқланди (2, 3, 4-расмлар):

— боёкнинг ҳажмий статик изи – капсюлнинг марказида жойлашган, ярим сферик шаклда, диаметри – 2,2 мм (1 белги);

— қайтаргичнинг ҳажмий статик изи – учбурчак шаклда, шартли равишда соат циферблатининг 8 рақами турадиган соҳада жойлашган, ўлчамлари: 1-сонли гильзада – 1,5 x 1 x 1 мм, 2-сонли гильзада – 1,3 x 0,9 x 1 мм, 3-сонли гильзада – 1,2 x 0,7 x 0,8 мм (2 белги);

— чиқариб ташлагич илмоғининг динамик изи, шартли равишда соат циферблатининг 2 рақами турадиган соҳада жойлашган, ўлчамлари: 1-сонли гильзада – 1,7 x 0,5 мм, 2-сонли гильзада – 1,5 x 0,7 мм, 3-сонли гильзада – 0,8 x 0,7 мм (3 белги).

Ҳар бир гильзалардаги қайтаргич ва чиқариб ташлагич илмоғи излари орасидаги бурчак – 160⁰С ни ташкил этади. Гильзаларда қурол қисмларининг бошқа излари аниқланмади.

Тадқиқотлар жараёнида аниқланган изларни, махсус адабиётларда (Справочник по судебной баллистике. Отечественное нарезное огнестрельное оружие / Под ред. А.Н. Самончика. – М., 1963. – С.75-77) келтирилган гильзаларда мавжуд бўладиган излар намуналари билан солиштириб, текширилаётган изларни шакли, ўлчамлари, жойлашиши ва ўзаро ҳолати бўйича, 7,62 мм калибри, «Калашников» конструкцияли (АК, АКМ), «СКС» русумли карабин ва бошқа шу калибрдаги қуролларнинг қисмларидан, отилган гильзаларда қоладиган излар билан мос тушиши аниқланди.

Тадқиқот жараёнида аниқланган ўхшашликларнинг аҳамияти юқори ва улар, тадқиқ этилаётган гильзалар 7,62 мм калибри, «Калашников» конструкцияли (АК, АКМ), «СКС» русумли карабин ва бошқа шу калибрдаги қуроллардан отилган бўлиши мумкин деб хулоса чиқаришга етарли бўлади.

Гильзалардаги изларни МБС-10 микроскопи остида текшириб, изларнинг микрорельефида қуйидагилар аниқланди:

1) боёк изларида (1 ва 2-сонли гильзалар):

— ўлчами: 0,1 x 0,13 x 0,1 x 0,17 мм бўлган трапеция шаклидаги чуқурча;

— ўлчами: 0,17 x 0,17 x 0,2 мм; бўлган учбурчак шаклидаги бўртик;

— ўлчами: 0,17 x 0,17 x 0,2 мм бўлган учбурчак шаклидаги чуқурча;

2) қайтаргич изларида (1 ва 2-сонли гильзалар):

— ўлчами 0,07 x 0,07 x 0,9 мм бўлган учбурчак шаклидаги чуқурча;

- ўлчами: 0,6 x 0,6 x 0,9 мм бўлган учбурчак шаклидаги чуқурча;
- ўлчами: 0,6 x 0,6 x 0,1 мм бўлган учбурчак шаклидаги чуқурча;
- 3) 3–сонли гильзадаги боёк изида:
 - ўлчами: 0,17 x 0,084 x 0,07 мм бўлган учбурчак шаклидаги чуқурча;
 - ўлчами: 0,1 x 0,1 x 0,11 мм бўлган учбурчак шаклидаги бўртик;
- 4) 3–сонли гильзадаги қайтаргич изида:
 - ўлчами: 0,1 x 0,1 x 0,1 мм бўлган учбурчак шаклидаги бўртик;
 - ўлчами: 0,13 x 0,13 x 0,13 мм бўлган учбурчак шаклидаги бўртик.

Гильзалардаги аниқланган боёк ва қайтаргич излари етарлича аниқ ва тўлиқ акс этган, уларнинг шакли, жойлашиши ва ўзаро ҳолати индивидуал мажмуани ҳосил қилади ҳамда ушбу гильзалар отилган қуролларни идентификация қилиш учун яроқли деб хулоса чиқаришга етарли бўлади. Гильзалардаги чиқариб ташлагич илмоғининг излари ноаниқ ифодаланган, уларнинг рельефи шувалиб кетган ҳамда белгиларнинг индивидуал мажмуасини ҳосил қилмайди ва шу боисдан гильзалар отилган қуролни идентификация қилиш учун яроқсиз.

Тақдим этилган ҳар учта гильзалардаги изларни «Leika» таққословчи микроскопи ёрдамида солиштириб, 1 ва 2-сонли гильзалардаги излар бўйича қуйидаги белгиларига кўра ўзаро ўхшаш эканлиги аниқланди:

- боёк, қайтаргич ва чиқариб ташлагич илмоғи изларининг шакли, ўлчамлари, жойлашиши ва ўзаро ҳолати бўйича;
- излар микрорельефи тузилишининг хусусиятлари – боёк изидаги (5, 6-расмлар, 1, 2, 3 белгилар) ва қайтаргич изидаги (9, 10-расмлар, 1, 2, 3 белгилар) бўртиқлар ва чуқурчалар бўйича.

Боёк ва қайтаргич изларидаги микрорельеф айрим элементларининг баландлиги, чуқурлиги ва акс этиш чегаралари бўйича аниқланган айрим фарқлар, ушбу изларнинг ҳосил бўлиш механизми турличалиги билан изоҳланади ва шу боисдан унчалик аҳамиятга эга эмас. Улар хулосаларни шакллантиришга таъсир кўрсатмайди.

1 ва 2-сонли гильзалардаги боёк ва қайтаргич изларидаги, юқорида санаб ўтилган ўхшашликлар индивидуал, аҳамияти катта ҳамда шартли равишда 1 ва 2 сонли деб қабул қилинган, Н. кўчасидан олинган гильзалар бир нусхадаги 7,62 мм калибрли, «Калашников» конструкцияли (АК, АКМ), «СКС» русумли карабин ва бошқа қуролдан отилган деб хулоса қилишга етарли бўлади.

1, 2, ҳамда 3-сонли гильзалардаги боёк ва қайтаргич изларининг орасида, излар микрорельефи тузилиш хусусиятларининг шакли, ўлчамлари, жойлашиши ва ўзаро ҳолати бўйича аниқ фарқлар аниқланди. Ушбу фарқларнинг аҳамияти катта, яъни бу фарқларни из ҳосил бўлиш механизмининг турличалиги билан изоҳлаб бўлмайди ва шу боисдан, 3–сонли гильза бошқа нусхадаги қуролдан отилган деб хулоса чиқаришга имкон беради.


Тадқиқот жараёнида МБС-10, «Leika» микроскопларидан, «Nicon» фотоаппарати, чизғич, штангенциркуль, тарозидан фойдаланилди.

Хулосалар:

1. А. кўчасидаги ҳодиса содир бўлган жойдан олинган икки дона гильзалар ва Н. кўчасидаги ҳодиса содир бўлган жойдан олинган бир дона гильза – 7,62 мм калибрли, 1943 йил намунали оралиқ патроннинг таркибий қисмлари бўлиб, «Калашников» конструкцияли (АК, АКМ), «СКС» русумли карабин ва бошқа қурооллардан отилган бўлиши мумкин.

2. А. кўчасидаги ҳодиса содир бўлган жойдан олинган икки дона гильзалар – бир нусхадаги 7,62 мм калибрли, «Калашников» конструкцияли (АК, АКМ), «СКС» русумли карабин ва бошқа қурооллардан отилган. Н. кўчасидаги ҳодиса содир бўлган жойдан олинган бир дона гильза бошқа нусхадаги 7,62 мм калибрли, «Калашников» конструкцияли (АК, АКМ), «СКС» русумли карабин ва бошқа қурооллардан отилган.

5. Суд-изшунослик (трасологик) экспертизаси



Изшунослик (трасологик) экспертизаси ҳал қиладиган масалалар доираси кенг ва хилма-хилдир. Жиноий воқеаларга алоқадор бўлган буюмларнинг ташқи тузилишларини акс эттирган излар (одам излари, жониворлар излари, бузиш қуролларининг излари ва ҳ.к.) ушбу экспертиза объекти ҳисобланади.

Изшунослик экспертизаси

предметини турли (механик, термик, кимёвий) изларнинг ҳосил бўлиш механизми ва улар айнан қандай буюм билан қолдирилганлигини аниқлаш мақсадида ушбу изларни ўрганиш ташкил қилади.

Изшунослик экспертизаси ҳал қиладиган масалалар идентификацион ва диагностика гуруҳларига бўлинади.

Идентификацион масалалар, изшунослик экспертизанинг турига қараб, ўз ўрнида из қолдирган муайян шахс, жонивор, механизм ёки бошқа предметни ёки унинг гуруҳий тааллуқлигини аниқлаш ҳамда қисмлардаги морфологик хусусиятлар ёки ўзаро таъсир натижасида ҳосил бўлган белгилар асосида улар бир бутунни ташкил қилишини аниқлаш киради.

Диагностик масалалар изларни аниқлаш ва маҳкамлаш, уларни идентификация учун яроқлилигини белгилаш, ушбу изларнинг ҳосил бўлиш вақтини, кетма-кетлигини ва механизмини аниқлаш, турли объектларнинг ҳолатини ва яроқлилигини (масалан, қулфни) белгилаш билан боғлиқ.

Дактилоскопия (бармоқ излари) экспертизаси

Дактилоскопия экспертизаси изшунослик экспертизанинг бир тури бўлиб, унда жиноятни очиш мақсадида папилляр кашталар (нақшлар)дан қолган излар тадқиқ қилинади.

Одам қўли ва товонидаги папилляр кашталарнинг криминалистика ва суд экспертиза соҳасида қўлланиши қуйидаги сифатлари билан белгиланади:

- папилляр чизиқлар ҳосил қилган кашталар одам туғилмасидан олдин шаклланиб унинг тери тўқималари чириб кетмагунча ўзгармайди;

- кашталарнинг тузилиши ва улардаги хусусий белгилар йиғиндиси индивидуал бўлиб, бошқа бир кимсада такрорланмайди;

- терига етказилган юзаки жароҳатлардан кейин папилляр нақшлар қайта тикланади. Тери қатламининг сезиларли жароҳатлари (масалан, чуқур кесиб олиш) натижасида ҳосил бўладиган чандиқлар ўз ўрнида индивидуаллик хусусиятига эга бўлади;

- одам бирор предметга бармоқлари билан тегса (қўли билан ушласа) унда папилляр кашталар ва уларнинг тузилиш хусусиятлари акс этади.

Жиноятни очишда папилляр чизиклар изларидан самарали фойдаланиш, терговчининг уларга қай даражада тўғри ёндошишига боғлиқлигини ёддан чиқармаслик лозим. Терговчи томонидан йўл қўйилган бир хато бармоқ излари бўйича олиб борилаётган бутун ишни йўққа чиқариши мумкин. Воқеа содир бўлган жойдан папилляр чизиклар изларини топиб, уларни дактилоскопик экспертизага материал сифатида тақдим этиш маълум амалий тажрибани талаб қилади. Шу сабаби бундай пайтларда мутахассис (криминалист)ни ёрдамга чақириш мақсадга мувофиқдир.

Папилляр чизиклар излари ҳосил бўлиш механизмига кўра ҳажмли, юзаки, позитив, негатив, статик ва динамик кўринишда ҳамда кўринмайдиган бўлиши мумкин.

Силлик юзада (ойна, чинни, мебель), юмшоқ материалларда (замазка, пластилин, лак, бўёқ, оғир нефть маҳсулотлари, озиқ-овқатнинг айрим турлари), майда сочилувчан моддалар (чанг, ун, цемент)да бармоқ излари жуда яхши акс этади. Ҳўл ва ғадир-будир юзада бармоқ излари яхши акс этмайди.

Папилляр кашталар изларини топиш, юзага чиқариш ва уларни олиш

Папилляр кашталар изларини топишнинг оптик, кимёвий ва физик усуллари мавжуд. Изларни топишда қуйидаги тартиб асосида иш юритиш керак: энг аввало изга механик (кимёвий) таъсир кам бўлган усулдан фойдаланиш лозим. Ҳамма усуллар қўлланилиб, етарли натижа чиқмасагина, изларни йўқотиб юбориш хавфи бўлган усуллардан фойдаланиш мумкин. Оптик усуллар бу борада хавфсиз, физик усуллар маълум даражада хавфли, кимёвий усуллар эса жуда хавфли ҳисобланади. Топилган папилляр кашталар излари кўринадиган ёки кам кўринадиган бўлса, уларни кўшимча равишда физик ёки кимёвий усуллар ёрдамида янада яққолроқ қилиш мақсадга мувофиқ эмас, чунки эксперт тадқиқоти давомида изнинг муҳитга нисбатан кўриниши фотографик ёки оптик усуллар ёрдамида кучайтирилиши мумкин.

Папилляр кашталар изларини оптик усул билан аниқлашда 4-7 маротаба катталаштириб кўрсатадиган лупа ва йўналтирилган ёруғликдан фойдаланилади.

Папилляр кашталар изларини аниқлашда терговчи ўзининг бармоқ изларини қолдирмасликка ҳаракат қилиши керак. Шу мақсадда буюмларни қарама-қарши бурчакларидан ёки четларидан икки қўл билан ушлаш керак. Папилляр нақшлар излари уларни кузатаётган одамга аниқ кўриниши учун излар бор деб гумон қилинган буюмларнинг юзаси йўналтирилган ёруғлик ёрдамида текширилади.

Яхши кўринмайдиган ойна ва ойнали идишлардаги изларни аниқлаш учун уларга иссиқ ҳаво пуфлаш усулидан фойдаланиш мумкин.

Папилляр кашталар изларини топиш ва аниқлашнинг физик усуллари издаги тери-мой моддасининг адгезион (ёпишқоқлик) хусусиятидан фойдаланишга асосланади. Таркибида суюқ ёки куюқ моддалари бўлган органик ва минерал мойлар ҳам шундай ёки шунга ўхшаш хусусиятларга эга. Изларни физик усуллар билан аниқлашда кукунсимон сепилувчи пигментлардан фойдаланилади. Бунда из

бор деб гумон қилинган юзага шу модда бир текисда сепилади. Фойдаланиладиган пигментлар турига қараб бармоқлар изларини аниқлаш учун бир неча: дактилоскопик мўйқалам ёрдамида, ҳаво ёки газ оқими ёрдамидаги усуллар қўлланилади.

Физик усуллардан кўринмас, силлиқ ёки ярим силлиқ юзаларда қолган изларни аниқлашда кўпроқ фойдаланилади. Бу усулдан ғадир-будир юзадаги кўринмас изларни аниқлашда фойдаланиш кам самара беради, чунки из моддаси ғадир-будир юза ичига шимилиб кетади, пигмент эса из билан бирга из қолган юзанинг ғадир-будир рельефини ҳам бир хилда бўйяди. Агар ғадир-будир юзадаги излар янги ва унда из моддаси кўп миқдорда бўлса, аксинча, уларни физик усуллари билан аниқлаш мумкин. Чангсимон қуруқ моддалардан ҳосил бўлган кўринадиган ва яхши кўринмайдиган изларни кучайтириш мақсадида физик усуллардан фойдаланиш мумкин эмас, чунки бунда излар йўқолиб кетиши мумкин.

Пигментларнинг турини танлашда ва улардан фойдаланишда қуйидагилар ҳисобга олинади:

- ранги, фоннинг бўйлиш характери (оч, тўқ, рангли, турли ранг);
- изларнинг тахминий қолдирилган вақти (янги, эскироқ, эски);
- юзанинг ҳолати (қуруқ, нам, мойли);
- излар топилган юза жисмининг материали (қоғоз, ёғоч, пластмасса, керамика, темир).

Пигментнинг ранги фонга қараганда кучлироқ бўлиши лозим. Агар юза турли рангда бўлса, люминесценцияли пигментдан фойдаланилади. Бу кейинчалик эксперт тадқиқоти давомида аниқланган издан фойдаланишни осонлаштиради. Янги изларни аниқлаш деярли қийин эмас. Янги бўлмаган изларни аниқлашда таркибида канифол, сурғуч ва бошқа пигментлар аралашмаси бўлган ёпишадиган сепилувчи воситалардан фойдаланилади.

Физик усуллар намлиги мўътадил ва ҳаво ҳарорати -7 дан $+30^{\circ}\text{C}$ гача бўлган қуруқ юзалардаги изларни аниқлашда жуда қўл келади. Тери-мой моддалари ҳарорат $0-7^{\circ}\text{C}$ даражадан паст бўлса музлайди ва ўзининг ёпишқоқлик хусусиятларини йўқотади. Ҳарорат $+30^{\circ}\text{C}$ даражагача бўлганда тери-мой моддасининг қуриши сезиларли секинлашади. Ҳаво ҳарорати кўтарилиб, намлик камайган сари, қуриш тезлашиб боради. Шунинг учун эски изларни аниқлашдан олдин уларга илиқ ҳаво пуфлаб, «янгилаб» олиш мумкин. Жуда эски (тўлиқ қуриб қолган) излар физик усуллар ёрдамида аниқланмайди, масалан, қондан ҳосил бўлган папилляр излар қуригандан сўнг қуюқлашиб, ўзларининг ёпишқоқлик хусусиятларини йўқотадилар.

Нам ва мойли юзадаги кўринмас папилляр излар янгилигида, юзанинг намлиги (мойлилиги) юқори бўлмаса, тезда аниқланиши мумкин. Намли ва мойли юзадаги изларни аниқлашда таркибида липокодий, гипс, оҳак бўлган қуруқ сепилувчи воситалардан фойдаланилади.

Аниқланган, топилган излар ўчиб кетмаслиги лозим. Бунинг учун уларни қайд этиш ва суратга олиш керак. Изларнинг қаерда, қандай жисм юзасида топилганлиги, шакли, ҳажми, сони ва қандай жойлашганлиги баённомага тўлиқ ёзилиши шарт. Агар из бармоқдан қолган бўлса, папилляр чизиқларнинг йўналиши,

кашталарининг тури ва хилларини кўрсатиб ўтиш лозим. Изни суратга олишда из топилган предмет ҳам суратга олиниши керак. Сурат масштабли усулда (ёнига жойлаштирилган чизғич билан) олинади.

Тадқиқ этиш учун излар ўчиб кетмайдиган ҳолга келтирилганидан сўнг олиб қўйилади. Агар изли буюм катта бўлмаса, у бутунлигича олиб қўйилади. Изни бор буюмлар идишга жойлаштирилганда, уларнинг из акс этган юзаси бошқа буюмларга тегмаслиги керак.

Агар буюм ёки из бор юза катта бўлиб, уни олишнинг имконияти бўлмаса, ундаги излар из нусхаларини олишга мўлжалланган материаллар ёрдамида кўчирилади. Нусха из суратга туширилгандан кейин олинади.

Юзаки изларнинг нусхалари дактилоскопия плёнкасига туширилади, ҳажмли излар ва текис бўлмаган (думалоқ, қийшиқ) юзадаги юзаки излар полимерли пасталар (К-18.СКТН ва ҳ.к.) ёрдамида из бузилмасдан кўчирилади. Янги ва деярли янги бўлган излардан тўрттагача нусха олиш мумкин. Бунда навбатдаги нусхани кўчиришдан олдин из сепилувчи модда билан қайта ишланади. Лекин из устига ишлов берилмасдан олдин унинг иккинчи нусхаси олинса, мақсадга мувофиқ бўлади. Шу тартибда олинган нусха бироз рангсиз чиқса ҳам биринчисига қараганда аниқроқ бўлади.

Из «суркалиб» кетмаслиги учун дактилоскопия плёнкаси изнинг устига эҳтиёткорлик билан қўйилади. Дактилоскопия пленкага ва изнинг нусхаси туширилган полимер пасталарга бошқа излар ва чанг тушмаслиги учун улар шаффоф (тиник) плёнка (масалан, скотч) билан қопланади ва алоҳида ғилофга жойлаштирилади.

Дактилоскопик экспертизасини тайинлаш

Дактилоскопик экспертизаси объектлари воқеа содир этилган жойдан олиниши билан тезда тадқиқот учун юборилиши лозим. Дактилоскопик экспертизаси тайинлашнинг кечиктирилиши экспертиза натижалари қониқарли бўлмаслигига сабаб бўлиши мумкин, чунки излардаги тери-мой моддалари қуригандан сўнг уларни аниқлаш жуда қийин.

Дактилоскопик экспертизаси олдига қуйидаги саволлар қўйилиши мумкин:

Тақдим этилган буюмларда бармоқ (кафт) излари борми?

Тақдим этилган буюмларда қолдирилган бармоқ излари шахсни аниқлаш учун яроқлими?

Дактилоскопия плёнкага туширилган бармоқ излари шахсни аниқлаш учун яроқлими?

Агар яроқли бўлса, улар Умаров И. томонидан қолдирилмаганми?

Воқеа содир бўлган жойдаги бармоқ излари битта шахс томонидан қолдирилганми ёки бир нечта шахс томониданми?

Бир нечта воқеа жойидан олинган бармоқ излари бир шахс томонидан қолдирилганми?

Терговчи томонидан бошқа саволлар ҳам қўйилиши мумкин.

Экспертизани муваффақиятли ўтказиш учун солиштириш мақсадида намуна қилиб тақдим этилган шахсларнинг бармоқ излари туширилган дактилоскопик карта (дактокарта) сифатли бўлиши керак.

Сифатли излар олиш учун:

- а) шиша пластинкасига текис қилиб дактилоскопик бўёқ суртилади;
- б) пластинкадаги бўёқ валик ёрдамида юпқа қилиб қўлларнинг кафтига кўчирилади;
- в) столга цилиндр шаклида (5-8 см диаметри) буюм кўйилади (масалан, оддий 0,5 литр ҳажмдаги шиша бутилкаси);
- г) тоза қоғознинг чети шу цилиндр шаклдаги буюмга кўйилади;
- д) излари олинаётган кафт ва (ёки) бармоқларнинг учлари дактилоскопик картанинг тегишли бўлимига (ёки қоғозга) кўйилади ва цилиндр шаклидаги буюм устида қоғоз билан биргаликда юргизилади.

Биринчи ўринда воқеа содир этилган жойни кўздан кечириш вақтида излар борлиги аниқланган буюмларга алоқаси бўлган жабрланувчилар ва гумондор шахслар бармоқ изларининг намуналари олинади.

Айниқса одам ўлдириш ва ўз жонига касд қилиш жиноятларини тергов қилишда бармоқ изларини тезда олиш алоҳида ўрин тутди. Бундай ҳолларда таққослаш учун мурдадан олинган бармоқ излари намуналари аниқ ва тўлиқ бўлиши шарт. Зарур ҳолларда намуналарни икки-уч марта қайтадан олишдан бош тортиш мумкин эмас.

Мумланган ва териси ажраган мурдалардан бармоқ изларини олиш анча қийинчиликлар туғдиради. Бу иш алоҳида тажриба ва билим талаб қилади. Бундай ҳолларда мутахассис криминалистга мурожаат этиш мақсадга мувофиқ.

Оёқ ва пойафзал изларининг экспертизаси

Яланг оёқ, пайпоқ кийилган оёқ ва пойафзалдан қолган излар бўйича шахсни, пойафзални ҳамда иш учун аҳамиятли бошқа ҳолатларни аниқлаш бу турдаги экспертизанинг вазифасидир. Оёқ ва пойафзал излари битта ёки бир нечта бўлиши мумкин. Из битта бўлса, унда товоннинг анатомик белгилари ёки пойафзалнинг ўзига хос хусусиятлари акс этади, бир нечта изларда эса шахснинг функционал белгилари намоён бўлади.

Воқеа содир этилган жойда қолган излар иккита турга: ҳажмли (ботик) ва юзаки излар, статик ва динамик (сирпаниш) изларга бўлинади. Ҳажмли излар юмшоқ ерларда, қор, қум ва чангда қолади.

Юзаки излар қаттиқ ерлар (пол, линолеум, кафель, асфальт ва ҳ.к.)да ҳосил бўлади.

Воқеа жойида топилган оёқ ва пойафзалнинг ҳажмли ёки юзаки излари аввало расмга олиниши лозим. Бунда албатта масштабни чизғичдан фойдаланиш керак. Масштабни чизғич изнинг чуқурлик қатлами билан бир текисда кўйилади.

Масштабни чизғич изнинг устига кўйилмайди, чунки у изнинг деталларини беркитиб кўйиши мумкин. Фотосуратга олинаётган пайтда фотокамеранинг орқа девори из қатламига параллел бўлиши лозим. Агар фотосурат бирон бурчак остида олинган бўлса, изнинг деталлари суратга ўзгариб тушиши мумкин.

Солиштириш учун экспертга намуна сифатида гумон қилинган шахснинг пойафзали ёки оёқ изларининг нусхалари юборилади.

Оёқнинг ҳажмли изи топилганда шахснинг оёғидан олинган ҳажмли нусха тайёрланади. Бунинг учун гумон қилинаётган киши юмшоқ лой устида бир неча қадам босади, шундан сўнг гипс ёки махсус паста ёрдамида изнинг нусхаси ясалади. Бунда пластилиндан ҳам фойдаланиш мумкин.

Агар излар пайпоқдан қолган бўлса, гумон қилинаётган кишининг пайпоғи тақдим этилади.

Излар кўп бўлганда намуна нусхалари қуйидагича олинади: гумондор шахс пойафзалининг тагчарм қисми босмаҳона бўёғи билан бўялади ва 10 - 15 та из қолдириши мумкин бўлган оқ қоғоз устида юрғизиб кўрилади. Ерда қолдирилган намуна излари ўлчанади ва фотосуратга олинади.

Оёқ ва пойафзал излари экспертизаси олдига қуйидаги саволлар қўйилиши мумкин:

Воқеа содир этилган жойдан топилган оёқ излари шу шахс томонидан қолдирилганми?

Воқеа жойида қолган излар бир пойафзалдан қолганми ёки ҳар хил пойафзалданми?

Воқеа жойидан топилган оёқ (пойафзал) излари тадқиқ қилиш учун яроқлими?

Воқеа жойидан топилган пойафзал (пайпоқ) излари экспертизага тақдим этилган пойафзал (пайпоқ)дан қолганми?

Воқеа жойидан олинган пойафзал излари қайси пойафзал турига киради?

Ушбу излар нечанчи размер пойафзалдан қолган?

Из ҳосил бўлиш механизми қандай бўлган (шахс тургандами, юргандами, югургандами)?

Бир бутунни аниқлаш экспертизаси

Тадқиқот учун тақдим қилинган ҳар хил материаллар бўлаклари (шиша, қоғоз, мато, пластмасса ва шу кабилар) илгари яхлит бир бутунни ташкил қилган ёки қилмаганлигини аниқлаш билан боғлиқ экспертиза бўлаклар бўйича бир бутунни аниқлаш экспертизаси деб аталади.

Ушбу экспертиза олдига қуйидагича саволлар қўйилиши мумкин:

Воқеа жойидан топилган шиша синиқлари ВАЗ-2106 русумли давлат рақами 10 X 65-43 автомобилнинг олди ўнг фарасининг бўлаклари эмасми?

Воқеа жойидан топилган пластмасса бўлаклари ЗИЛ-130 автомашинасининг олди қисмлари бўлаклари билан яхлит бир бутунни ташкил қилганми?

Ушбу кийим парчалари битта кийимга тааллуқлими?

Ушбу экспертизага воқеа содир бўлган жойдан топилган ва терговчининг тахмини бўйича бир буюмнинг бўлаклари деб ҳисобланган барча объектлар юборилади.

Пломбалар экспертизаси

Пломбалар беркитилган эшик, қути ва бошқа идишларни рухсатсиз очишдан эҳтиёт қилувчи махсус мосламалардир. Қўрғошин ёки пластмасса пломбалар дўконлар, омборлар, вагонлар, контейнерлар ва бошқа жойларда содир этилган ўғирликлар бўйича қўпгина ҳолларда изшунослик экспертизаси объекти бўлади.

Бундай жиноятлар бўйича воқеа жойини кўздан кечиришда пломбалар очилганига ишора қилувчи қуйидаги белгиларга эътибор қаратиш зарур: пломбада симнинг кириш ва чиқиш тешикларининг катталашishi, ип ва симлар узилиши, пломбаловчи қисқичдан қолган матннинг текисланганлиги ёки ўзгариши.

Пломбалар билан бир қаторда юк ташувчи темир йўл вагонларининг эшик қулфларини (тамбаларини) бураб қўйиш учун ишлатилган сим ўрамлари (закрытка) ҳам изшунослик тадқиқоти объекти ҳисобланади.

Пломбаларнинг изшунослик экспертизаси олдига қуйидаги саволлар қўйилади:

Пломбада босилган матннинг мазмуни қандай?

Мазкур пломба бузилмаганми (дастлабки ҳолати ўзгармаганми)?

Пломба қандай усулда бузилган?

Тақдим қилинган пломбадаги излар тақдим қилинган қуролдан қолмаганми? Ушбу саволни ечиш учун экспертга бузилган пломба ва шу пломбада из қолдириши мумкин бўлган қурол (буюмлар) тақдим қилинади.

Пломбадаги излар (матн) тақдим қилинган пломбаловчи қисқичлардан (гирадан) қолдирилганми?

Ушбу саволларни ҳал этиш учун экспертга қуйидагилар тақдим қилиниши шарт: пломба, терговнинг тахмини бўйича уни тайёрлашда қўлланган пломбаловчи қисқич (гира) ёки ушбу мослама ёрдамида тайёрланган экспериментал намуналар (ҳар бир пломбадан 4-5 та экспериментал намуна).

Вагон тамбаларига бураб қўйилган сим ўрамлари изшунослик экспертизасида қуйидаги саволларни ечишга қаратилган:

Сим бурами тақдим қилинган асбоб ёрдамида ўралганми?

Тақдим этилган сим бурами қандай усулда олиб ташланган?

Экспертизага юборилаётган ҳар бир пломбага изоҳли чўпхат (бирка) қўшиб қўйиш ва мавжуд излар йўқолмаслиги, янгилари пайдо бўлмаслиги учун ушбу пломбани қаттиқ жисмларга тегиб кетмаслигини таъминловчи алоҳида ўрамга жойлаштириш зарур.

Бузиш қуроллари ва асбобларидан қолган излар экспертизаси

Ушбу экспертиза ҳал қиладиган масалалари доирасига воқеа жойида қолган излар асосида муайян бузиш қуроли ёки асбобини аниқлаш, бузиш усулини ва қандай йўналишда (масалан, пастдан юқорига қаратилган кучнинг таъсири остида) содир этилганлигини аниқлаш киради. Бу экспертизанинг объекти бўлиб қулфлар, беркитувчи мосламалар, тамбалар, қурилиш тўсиқлари (девор, том) ва шу кабилар хизмат қилади.

Қулфлар ва уларни бузиш натижасида қолган излар бўйича экспертиза олдига ҳал қилиш учун қуйидаги саволлар қўйилади:

Тақдим этилган қулф бузукми ёки бузук эмасми (яроқдими)?

Тақдим этилган қулф илгак ёки унга тушадиган бошқа ясама калитлар ёрдамида очилганми?

Тақдим этилган қулф калит ёрдамида очилганми?

Қулф бузилаётган вақтда қандай (ёпиқ ёки очик) ҳолатда бўлган?

Қулфдаги излар тақдим этилган буюм билан қолдирилганми?

Қулф ичига назорат қилиш учун жойлаштирилган қоғозни шикастлантirmай қулфни очиш мумкинми?

Қуйидаги саволлар бузилган тўсиқлар, омборларни тадқиқ қилишда қўйилиши мумкин:

Ушбу изларнинг ҳосил бўлиш механизми қандай (арралаш, кесиш, пармалаш, чопиш, иссиқлик таъсирида ва ҳ.к.).

Ушбу излар қандай турдаги ускуналар (арра, пичок, болта) ёки мосламалардан қолган?

Ушбу излар битта буюмдан ҳосил бўлганми ёки ҳар хил буюмлардан ҳосил бўлганми?

Тадқиқ учун тақдим қилинган объектда қолган излар айнан шу буюмдан ҳосил бўлганми?

Тўсиқ (эшик, девор) қайси томондан бузилган ичкариданми ёки ташқариданми?

Тўсиқларда темир кесувчи асбоблардан қолган термик изларни тадқиқ қилишда қуйидаги саволлар қўйилиши мумкин:

Темир тўсиқни кесиш қандай турдаги темир кесиш асбоби ёрдамида амалга оширилган?

Кесиш жараёнида тўхталишлар бўлганми ва қандай йўналишда кесилган?

Кесиш изларига асосан уни амалга оширган шахс касбий тажрибага эгами ва унинг малакаси қандай?

Ашёвий далиллар, воқеа жойидан олинган излар, баённомада қайд этилганидан сўнг тахта, фанера, пластмасса ёки қоғоз идишларга эҳтиёткорлик билан жойлаштирилиши лозим. Бунда излар ва қолиплар ўз аслини йўқотмаслиги керак. Ашёвий далил жойлаштирилган идиш муҳрланади ва унга олинган буюмлар номи, у қаердан, қачон, ким томонидан ва қандай сабабларга кўра олинганлиги ҳақида изоҳномалар ёзилади.

Бузиш куролидан из қолган буюмни (масалан, эшикнинг кесақисини) тақдим этишнинг иложи бўлмаса, экспертга изни акс эттирган ҳажмли нусхасини юбориш мумкин.

Излар юзаки бўлиб, улардан ҳажмли нусха олишнинг иложи бўлмаган ҳолларда улар акс этган масштабни фотосуратлар тақдим этилиши мумкин.

Бузиш куроллари ва асбоблари эксперт муассасасига асл ҳолда жўнатилади, уларнинг фотосуратлари ва қолиплари тақдим этилмайди.

Кийимлардаги механик шикастларнинг изшунослик экспертизаси

Изшунослик экспертизасининг кенг тарқалган турларига кийимлардаги механик шикастлари трасологик тадқиқотлари киради.

Ушбу тадқиқотлар шикастларнинг ҳосил бўлиш механизми ва усулларини ҳамда уларни ҳосил қилган объектларни аниқлашга қаратилган бўлиб, айрим ҳолларда шикастларни ҳосил қилган буюмни аниқлаш имконини беради.

Кийимлардаги механик шикастларнинг экспертизаси олдига қуйидаги саволларни қўйиш мумкин:

Тақдим этилган кийимдаги шикастларнинг ҳосил бўлиш механизми қандай? Кесилганми, йиртилганми, чопилганми ва ҳ.к.?

Кийимдаги шикастлар ташқи куч таъсирида етказилиши мумкинми?

Тақдим этилган кийимдаги шикастлар маълум бир курул (буюм) дан ҳосил бўлганми? Из ҳосил қилувчи объект қандай йўналишда таъсир қилган?

Ушбу кийимдаги шикастлар йўл-транспорт ҳодисасига хосми? Улар пиёдани транспорт воситаси уриб юборганидан ҳосил бўлиши мумкинми?

Йўл-транспорт ҳодисаси вақтида жабрланувчи қандай ҳолатда бўлган (тик ҳолатда, ўтирган ҳолатда, ётган ҳолатда)?

Йўл-транспорт ҳодисаси вақтида жабрланувчи тик турганми ёки ҳаракатда бўлганми? Ҳаракатда бўлган бўлса, транспорт воситасига нисбатан қандай йўналишда ҳаракатланган?

Биринчи зарба жабрланувчи танасининг қайси қисмига етказилган?

14 А 23-32 давлат рақамли «Нексия» русумидаги автомобилида шикастлар мавжудми? Агар мавжуд бўлса, улар одамни уриб кетиш натижасида ҳосил бўлганми?

18 А 75-42 давлат рақамли Ваз 2102 русумидаги автомобилидаги изларга қараб пиёдани уриб кетиш механизми аниқлансин.

14 ВХ 451 давлат рақамли «Мерседес» русумидаги автобуснинг пастки қисмида одамни устидан босиб кетиш натижасида қолган излар мавжудми?

Экспертизага жабрланувчининг кийими, пойафзали, жароҳатлар етказган деб тахмин қилинган объект (пичоқ, автомобиль ва ҳ.к.) юборилади.

Экспертиза объектларининг тўлиқлигини таъминлаш унинг самарадорлигига тўғри таъсир қилади. Масалан, транспорт воситаси уриб юборган вақтда пиёда ҳаракатда бўлганлиги ёки тик турганлигини аниқлаш учун эксперт ихтиёрига жабрланувчининг иккала пойафзали тақдим қилиниши керак.

Экспертизага юборилаётган кийимлар ғилофга жойлаштирилишидан олдин қуритилиши шарт. Ғилоф устига ашёвий далиллар номи, кимга тегишлилиги, ким томонидан олинганлиги ва ғилофланганлиги ҳақида изоҳнома ёпиштириб қўйилади ва терговчи томонидан имзоланиб тасдиқланади.

Автомобиль шиналари изларининг экспертизаси

Автотранспорт воситалари ғилдиракларининг одам танасидан бошқа жойда қолган излари бу экспертизанинг объекти ҳисобланади.

Ғилдирак изларидан ташқари гипс ёрдамида олинган ғилдирак изларининг ҳажмли нусхалари ҳам тадқиқот объекти бўлиши мумкин.

Одам кийимида ёки воқеа содир этилган жойда топилган ғилдирак изларининг фотосуратлари ҳам текшириш объекти ҳисобланади.

Автомобиль гилдираги изларининг экспертизаси ҳозирги кунда қуйидаги саволларни ҳал қилади:

Тадқиқот учун юборилган объектда (масалан, жабрланувчининг кийимида) транспорт воситаси протекторининг излари борми?

Қолдирилган протектор излари қайси турдаги транспорт воситаси (юк ташувчи, енгил, трактор)га тегишли?

Қолдирилган протектор излари қайси моделдаги шинага тааллуқли?

Қолдирилган из протектор изларига тааллуқли бўлса, экспертизага тақдим қилинган ғилдирак шинасидан қолганми?

Экспертизага тегишли изоҳнома билан текшириладиган объект (кийим, изнинг гипсли нусхаси) ҳамда идентификацион масалани ечиш учун изни қолдирган деб тахмин қилинган шина юборилади.

6. Материаллар, ашёлар ва буюмлар криминалистик экспертизалари



Толали материаллар ва улардан тайёрланган буюмлар экспертизаси

Турли тоифадаги жиноий ишларни тергов қилиш ва судда кўришда толали табиатга эга бўлган объектларнинг (тўқимачилик материаллари) тадқиқоти воқеа вазиятларини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Масалан, номусга тегиш, қотиллик, одам ўлдириш ва йўл транспорт ҳодисалари бўйича жабрланувчи, айбланувчиларнинг кийим-кечаклари ва ҳар хил буюмлар

сатҳида қолган майда толаларни текшириш алоҳида аҳамиятга эга.

Кўп ҳолларда толали материаллар ва улардан тайёрланган буюмлар (қоп, газлама, чойшаб ва бошқ.), шунингдек, арқонлар, тасмалар ва ип қопламали электр симларидан жиноятчилар ўз қилмишларини бекитишда кенг фойдаланишади. Воқеа содир бўлган жойдан олинган бундай ашёвий далилларни текшириш тергов учун кўп маълумотлар беради.

Жиноятчи кийимининг айрим толалари, иплари ва ҳатто кичик бўлаклари тўсиқлардан ўтишда қолиши мумкин. Пиёдани уриб кетиш билан боғлиқ йўл транспорт ҳодисалари натижасида автотранспорт воситаларига унинг эгнидаги кийимлардан толалар ўтиб қолиши эҳтимолдан ҳоли эмас.

Баъзан тергов амалиётида ашёвий далил сифатида ёнган (масалан, алангадан ёхуд печкадан олинган) кийим қолдиқлари ёки бошқа тўқимачилик материаллари учраб туради. Бундай ҳолларда экспертлар ихтиёрига кийимларнинг (объектлар) қолдиқлари юборилиб, уларнинг дастлабки кўринишини ва қандай мақсадларда қўлланилиши мумкинлигини аниқлаш вазифаси қўйилади.

Ашёвий далилларнинг ўз вақтида тўғри олиниши ҳамда ўзгартирмай экспертиза муассасасига етказилиши эксперт текширувларини самарали олиб борилишининг муҳим омилidir.

Суриштирувчи, терговчи ва судья кийимларнинг ўзаро контактда бўлганлигини аниқлашга қаратилган экспертизага ашёвий далилларни олиш ва кўздан кечириш ҳақидаги баённомаларни тақдим қилиши лозим. Баённомада ашёвий далил сифатида олинган кийимлар воқеа содир бўлгандан кейин тозаланганлиги, ювилганлиги ва ишлатилганлиги тўғрисида батафсил маълумотлар келтирилиши шарт.

Толали материаллар ва улардан тайёрланган буюмларни топиб олиб қўйишда қуйидаги қоидаларга риоя этиш лозим:

– толали материаллар ва улардан тайёрланган буюмларни кўздан кечиришда лупа, қўлқоп ва пинцетдан фойдаланиш;

- толали ашёларни бир-бирига тегишига йўл қўймаслик;
- ҳар бир кийим алоҳида кўздан кечириш, агар кийим ҳўл бўлса, қуриштиш;
- ҳар бир кийимни алоҳида ғилофга (қалин қоғозга ўраш ёки полиэтилен пакетчага) жойлаш ва тегишли маълумотларни ёзиб қўйиш.

Шуни ҳам ёдда тутиш керакки, микротолалар бўйича экспертиза бошқа турдаги экспертизалардан (трасологик, баллистик, суд-тиббий ва бошқ.) олдин ўтказилиши керак, чунки уларни бажариш вақтида майда толалар йўқолиши мумкин. Бу талабга амал қилинмаслик нотўғри хулоса беришга ёки экспертиза олдига қўйилган масала ечилмай қолишига олиб келиши мумкин.

Қуйидаги талабларга риоя қилиш юқорида қайд этилган хатоларни олдини олади:

- ашёвий далилларни кўздан кечиришни ва текширишни усти силлиқ қалин қоғоз ёки рангсиз синтетик плёнка солинган стол устида олиб бориш;
- гумондор ва жабрланувчи шахсларнинг кийимлари ўзаро бир-бири билан алоқада (контактда) бўлганлигини аниқлаш мақсадида уларни олиб қўйиш ва экспертизага йўллашда бир-бирига тегиб кетишдан (суркалишидан) эҳтиёт қилиш;
- сатҳида тола зарралари қолиши мумкин бўлган кийим ва бошқа буюмлар бошқа толали буюмларга (масалан, терговчининг кийими, мебель матолари ва ҳ.к.) билан суркалишга йўл қўймаслик;
- ашёвий далилларни (кийимлар) силкитиш-қоқиш, тозалаш, ювишга йўл қўймаслик;
- ҳар бир ашёвий далил алоҳида тахланиб қалин оқ қоғоз ўраш ёки полиэтилен қопчага солиш;
- ашёвий далилларни (кийимлар) газетага ўрамаслик;
- нам кийим-бошларни албатта қуриштиб тахлаш керак, чунки улардаги биологик моддалар (қон, сўлак ва б.) қуритилмаса кийим бузилиши ҳамда текширишга яроқсиз бўлиб қолиши мумкин;
- ҳар бир ашёвий далил солинган пакетнинг тартиб белгиси ва тегишли изоҳ ёзуви бўлиши керак;
- майда толалар йўқолмаслиги учун сатҳида майда толалар бўлиши мумкин бўлган буюмлар (совуқ қурол, транспорт воситаларининг алоҳида қисмлари ва деталлари) жуда эҳтиётлик билан қоғозга ўралиши лозим;
- транспорт воситалар, тўсиклар ва бошқа кўздан кечириш мураккаб бўлган объектларда қолдирилган қатламлар ёки заррачалар мутахассислар иштирокида олиниши шарт;
- жабрланувчи, гумонланувчи шахсларни ҳар бир бармоғининг тирнок остидаги майда зарраларни алоҳида оқ қалин қоғозга ёки пробиркага солиш;
- ёнган нарсаларнинг қолдиқларини ва мўрт объектларни шиша идишга солиб, дастлабки кўринишини ўзгаришига йўл қўймаслик керак;
- қоғозга ўралган объектларни асраш мақсадида қўшимча плёнка қопчага солиш мақсадга мувофиқдир.

Қуйида толали материаллар ва улардан тайёрланган буюмлар экспертизаси бўйича қўйилиши мумкин бўлган кенг тарқалган саволлар келтирилган:

– А.нинг шими ва футболкасида Б.нинг ички кўйлаги ва лозими толалари билан турдош тола зарралари борми?

– Агарда гумондорнинг ёки жабрланувчининг кийимида ўзаро бир турга ва бир гуруҳга эга бўлган микротолалар бўлса, бу кийимлар ўзаро таъсирлашишда (контактда) бўлганми?

– ЗИЛ-130 автомашинасининг карданида толали материаллар борми, агар бўлса улар жабрланувчи шимининг толалари билан турдошми?

– Воқеа жойидан топилган тугма гумон қилинувчидан олинган ип билан тикилмаганми?

– Такдим этилган кийим қайта бўялмаганми, агар бўялган бўлса унинг дастлабки ранги қандай бўлган?

– Воқеа жойидан олинган ёнгин қолдиқларида тўқимачилик материали ва буюмларнинг ёки уларнинг қисмларидан толалар борми? Агар бўлса уларнинг тури ва ишлатилиш соҳаси аниқлансин.

Лок-бўёқ материаллари ва қопламаларининг экспертизаси



Йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида одамни босиб ёки уриб кетиш, тунаш, ўғирлик ва транспорт воситаларининг бир-бири билан ўзаро тўқнашиши каби кўпгина жиноятларни текширишда лок-бўёқ материаллари ва қопламаларининг ашёвий далил сифатидаги ўрни алоҳида аҳамиятга эга.

Бу каби ишлар бўйича тайинланадиган лок-бўёқ материаллари криминалистик экспертизанинг вазифаси иш ҳолатлари билан белгиланади. Тергов органларини кўпинча буюмларнинг бир-бири билан ўзаро алоқада бўлгани қизиқтиради, чунки бу жиноят вазиятларини аниқлашга ёрдам беради.

Лок-бўёқ маҳсулотлари ва қопламалари криминалистик тадқиқоти материаллар, ашёлар ва буюмлар криминалистик экспертизаси доирасида ўтказилади. Бунда комплекс услублар ўрнини босувчи ёки бир-бирини тўлдирувчи усуллар қўлланилади.

Лок-бўёқ материаллари ва қопламалари экспертизаси объектлари: мазкур экспертизанинг объектлари ҳисобланган лок-бўёқ маҳсулотлари турли материаллардан тайёрланган предметларни ташқи таъсирдан ҳимоя қилиш ва юзасини пардозлаш учун қўлланилади. Жумладан, металлдан ясалган буюмларни занглашдан, ёғочдан ясалган буюмларни чиришдан асрайди ва уларга ташқи чирой беради.

Лок-бўёқ маҳсулотларини тайёрлашда органик ва ноорганик моддалар асосий таркибий компонентлари ҳисобланади. Лок-бўёқ маҳсулотларининг асосини:

1) боғловчилар (органик модда), парда ҳосил қилувчи сунъий ва табиий қоришмалар (смола), мойлар; 2) бўёққа тус (ранг) берувчи пигментлар - ранглар - органик ва ноорганик табиатга эга, табиий ва сунъий, ҳар хил ранглар (пигмент) ва пигмент қисмини тўлдирувчилар ташкил этади.

Пигмент билан бир қаторда лок-бўёқ ишлаб чиқариш саноатида локлар ҳам ишлатилади. Локлар – органик бўёқларнинг ишқорий металлларининг тузлари ва бошқа бирикмалар билан қайта ишланган маҳсулотдир.

Лок-бўёқ маҳсулотларига эгилувчанлик (эластиклик) хусусиятини бериш учун уларга пластификаторлар кислоталарнинг мураккаб эфирлари ва ўсимлик мойлари қўшилади.

Органик эритувчилар сифатида лок-бўёқ ишлаб чиқаришда спиртлар, углеводородлар, эфирлар қўлланилади.

Лок-бўёқ маҳсулотларини қуришини тезлаштириш учун уларга сиккативлар (кислоталарнинг тузлари) қўшилади. Лок-бўёқ маҳсулотларига суяқ қоришма ҳосил қилиш хусусиятини бериш учун сирт-актив моддалар қўшилади. Улар кўпик ҳосил бўлишининг олдини олишга ёрдам беради ва лок-бўёқ маҳсулотларининг барқарорлигини сақлайди (масалан, совунлар, лецитин).

Саноатда ишлаб чиқариладиган лок-бўёқ маҳсулотларининг таркиби уларнинг қандай мақсадга мўлжалланганлигига (саноат, уй-хўжалик учун, рассомлик мақсадларида ва ҳ.к.) боғлиқ. Масалан, транспорт воситаларини бўяшда ишлатиладиган лок-бўёқ қопламалари компонентлар сони ва кимёвий таркиби жиҳатидан ўта мураккаб бўлиб, бунда эмаллар, грунтлар, шпатлёвкалар ишлатилади. Худди шундай пигментлар уй-хўжалик бўёқлари таркибига ҳам кириши мумкин, лекин уларнинг боғловчилари сони камроқ компонентлардан иборатдир.

Ҳар бир турдаги транспорт воситаси учун ўзининг лок-бўёқ қоплама аралашмаси: грунт, шпатлёвка, бўёқ (эмаль), лок мавжуд. Транспорт воситаларини юзасини грунтлаш унга намга чидамлиликини, бўёқнинг ҳамда бўялган юзанинг адгезион (ёпишқоқлик) хусусиятини ошириш учун ўтказилади. Шпатлёвка грунтланган юза (нотекис ва ёрилган жойлар)ни текислаш учун қўлланилади, сўнг унга (юзага) бўёқ (эмаль) бир қатламдан уч қатламгача сўрилади. Баъзи бир юзаларни (велосипедлар, мопедлар) лок билан қоплаш мумкин.

Лок-бўёқ қопламаларининг қалинлиги ва қатламларнинг сони бўялган юзанинг ҳимоясини таъминлашга қаратилган. Шунга кўра, экспертизага олинган намуналарда лок-бўёқ қопламаларининг қатламлари сақланиши муҳим аҳамиятга эга.

Эксперт тадқиқоти объектлари бўлиб хилма-хил буюмлар хизмат қилади:

– бўялган буюм қопламаси ва ундан тушиб қолган деб тахмин қилинган лок-бўёқ зарралари;

– келиб чиқиши, сақланиши ва тайёрланиши жиҳатдан бир хил бўлган деб тахмин қилинган лок-бўёқ маҳсулотларининг аниқ ҳажми;

– аниқ лок-бўёқ маҳсулотини тайёрлашда ишлатиладиган лок-бўёқ маҳсулотларини ташкил қилувчи алоҳида компонентлари;

– ўзаро таъсир изларига эга бўялган буюмлар.

Лок-бўёқ материаллари ва қопламалари криминалистик экспертизаси қуйидаги саволларга жавоб беради:

– объектда (буюм) лок-бўёқ материалларининг ёки қопламаларининг зарралари (умуман ёки фақат маълум бир тури) борми?

– топилган модда лок-бўёқ материаллари ёки қопламаларига (умуман ёки фақат маълум бир турига) тааллуқлими?

– текширишга тақдим қилинган лок-бўёқ материаллари ёки қопламалари намуналари умумий тур ёки гуруҳга мансубми?

– муайян предметлар ўзаро таъсирлашишда (контактда) бўлганми?

– муайян объектга лок-бўёқ қопламаси қандай усулда сурилган (завод шароитидами ёки қўлдами)?

– буюм юзаси қайта бўялганми?

Материалларни экспертизага тайёрлаш. Экспертнинг самарали ўтказилиши кўп ҳолларда жиноятга тегишли бўлган ашёвий далилларни тўғри олишига ҳамда суриштирувчи, терговчи ёки суднинг зарур материалларни тўлиқ тўплашига боғлиқ.

Суриштирувчи, терговчи ва судья ашёвий далилларни дастлабки ўзгармаган ҳолатда экспертга тақдим қилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Уларни олишда ва экспертизага йўллашда қуйидаги талабларга риоя қилиш зарур:

– воқеа жойидан топилган ашёвий далиллар бўёқ парчаларини йиғиштириб, қоғозпакетга ўраш ва уларни синишига, бир-биридан ажралишига йўл қўймаслик (улар бўёқ парчаларининг бир бутунга тааллуқлилигини аниқлаш бўйича трасологик текширишлар ўтказиш учун керак бўлиши мумкин);

– ифлосланган бўялган буюмлар олинганда, улардаги эски излар йўқолмаслиги ва жиноятга алоқаси бўлмаган янгилари ҳосил бўлмаслиги чораларини кўриш;

– бўялган предметларнинг лок-бўёқ қопламаси шикастланган жойи ҳамда бўёқ теккан кийим ва бошқа объектларни қўшимча механик таъсирдан ва турли ёт зарралар тушишидан асраш;

– бўёқ излари бор деб тахмин қилинганда, биринчи навбатда ашёвий далилларда бўёқ изи бор йўқлигини текшириш зарур, сўнгра ушбу далилларни суд-тиббий ва бошқа экспертларга жўнатиш лозим;

– текшириш учун бўялган юзалардан намуналар иложи бориша ўша лат еган, ўзаро таъсир содир бўлган жойдан олиниши керак. Бундай вазиятларга алоҳида аҳамият бериш керак, чунки транспорт воситалари деталларига кейинчалик сепилган бўёқ завод бўёғи билан ранги бир қарашда бир хил бўлса, улар қайта бўялганлиги сезилмайди, ва ушбу деталлардан олинган бўёқ намуналарини текшириш салбий натижалар ва асоссиз хулоса беришга олиб келади;

– лок-бўёқ қопламалари, алоҳида бўялган буюмлар, бўёқ доғи бўлган кийим – ҳар бири алоҳида оқ қоғозга ўралиб экспертизага тақдим этилади.

Ушбу талабларга риоя қилмаслик экспертиза ўтказишнинг имкони йўқолишига, баъзан эса нотўғри натижаларга олиб келади.

Терговчи (суриштирувчи, суд) экспертизага ашёвий далилларни юбораётганда қайси объект текширилиши лозимлигини аниқ кўрсатиши шарт,

масалан, транспорт воситасининг детали, синдирилган эшик, бўялган дераза ёки алоҳида ташкил қилувчи компонентлардан (боғловчи, пигмент) тайёрланган лок-бўёқ материалининг муайян массасининг намуналарни.

Кўпинча, ашёвий далил сифатида юзаси бўялган объектлар (транспорт воситалари ёки уларнинг алоҳида деталлари, қурилиш конструкциялари, қуроллари ва асбоблари) ва улардан қолган лок-бўёқ зарралари ёки бошқа буюм юзасидаги бўёқ излари тақдим этилиши мумкин. Баъзан бўялган буюм (предмет) ўрнига текшириш учун намуна сифатида унинг лок-бўёқ қопламасидан қиринди ёки бошқа йўл билан кўчириб олинган парчалари тақдим этилади, аммо бу саволни аниқ ечиш имконини камайтиради.

Олинган намуна нафақат лок-бўёқ қоплама тўғрисида, балки унинг остидаги предметнинг хоссалари, қопламанинг таркиби ва тузилиши бўйича бир хиллиги, қоплама устида бўлган бошқа моддалар ҳақида маълумот бериши керак.

Экспертиза масалаларини муваффақиятли ечиш учун текширишга ашёвий далиллар билан бирга таққослаш учун бўялган буюмдан лок-бўёқ материалдан намуналар ҳам тақдим этилиши зарур.

Тадқиқот учун бўялган предметни ишлатиш шароитлари тўғрисидаги қуйидаги маълумотлар ҳам муҳимдир:

– бўялган буюмни сақлаш шароитлари ва қопламаларни тозалаш, ювиш технологияси;

– бўялган буюмни ишлатилиши натижасида юза сатҳининг ифлосланиш табиати (масалан, транспорт воситасининг юки табиатини, йўлнинг ўзига хосшароитини);

– бўялган буюм юзасини таъмирлаш ишлари (вакти, таъмирлаш тури, қўлланилган материаллар ва асбоб-ускуналар).

Кўп ҳолларда экспертизага таққослаш тадқиқотлари ўтказиш учун бўялган буюм ёки автотранспорт воситалари детали эмас, балки улардан қириб олинган бўёқ қириндилари тақдим этилади. Лекин, қиринди олинганда таққослаш учун зарур бўлган белгилар йўқолиши мумкин. Бўялган буюм лок-бўёқ қопламасининг ўзига хос белгилари фақат бўялган буюмнинг катта миқдордаги сатҳини тадқиқ этгандагина намоён бўлади ва самарали натижа беради.

Экспертизага қиринди тақдим этилганда уни тадқиқ этишда ўзига хос хусусий белгиларини топиш имконияти бўлмаган ҳолатларда, экспертлар ўз хулосаларида қўйилган масалаларни қатъий равишда ҳал қилиш мумкин эмаслигини ва объектларнинг ўхшашлигини қатъий равишда исботлай олмасликларини таъкидлайдилар.

Экспертиза амалиётида лок-бўёқ қопламасининг рангни аниқлаш ва уни таққослаш кўпинча ранглар каталоги («Криминалистический определитель цвета») ёрдамида олиб борилади.

Ҳозирги вақтда эксперт хулосаларини илмий асосланганлик даражасини ошириш ва ҳолисоналигини таъминлаш мақсадида микроспектрофотометрик усулидан кенг фойдаланилади.

Экспертиза масалаларини ечиш учун эса лок-бўёқ қопламаларини морфологик белгиларини ўрганиш аҳамиятлидир. Лок-бўёқ қопламаларини ташқи

ва ички тузилишини тадқиқ этишда оптик ва электрон микроскопик усулларида фойдаланилади. Микроскопик тадқиқот орқали лок-бўёқ қоламанинг қалинлиги, қаватларнинг сони, адгезиясини аниқлаш орқали уни стандарт ёки қўлбола усулда бўялганлигини аниқлаш мумкин. Агар стандарт қолама бўлса, транспорт воситасини турини белгилаш мумкин. Қаватларнинг сони стандарт технологик бўялишга мос келмаганда бу қоламалар қўлбола усулда қайта бўялган ҳисобланади.

Нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материаллари экспертизаси



Нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материаллари экспертизасини ўтказиш зарурати ўзини ёқиб юбориш, қасдан ўт қўйиш, эҳтиётсизлик натижасида содир қилинадиган ёнғин, йўл-транспорт ҳодисалари, жасадни ёқиб юбориш, турли жиноят изларини йўқотиш мақсадида объектларга ўт қўйиш, нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материалларини ўғирлаш

билан боғлиқ бўлган жиноий ишларни кўришда туғилади.

Нефть маҳсулотларини ва ёнилғи-мойлаш материалларини ҳар хил идишларда (бутилка, канистра ва бошқалар) ҳамда буюмларда (кийимдаги доғлар, транспорт воситалари ва қуролдаги қатламлар) қолган юқи (излари) экспертизасининг далилий моҳияти шундаки, текшириш натижалари бўйича ёнғин содир бўлган жойда ва транспорт воситасида, қуролда ва жабрланувчи ёки жиноятчининг кийимида тез ёнувчи нефть маҳсулотлари, ёнилғи-мойлаш материаллари борлигини, уларнинг турини аниқлаш мумкин. Ёнилғи-мойлаш материалларининг излари уни қолдирган буюмдаги ушбу материаллар билан солиштириб уларнинг турдошлиги ва айрим вазиятларда айнан ўзилигини аниқлашга асос бўлиши мумкин.

Нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материаллари криминалистик экспертизасининг натижалари воқеа муҳим тафсилотларини аниқлашда асосий роль ўйнайди. Масалан, замонавий инструментал усуллар (юпқа қатламли хроматография, газ-суюқлик хроматография, ультрабинафша ва инфракизил спектроскопия, эмиссион-спектрал текшириш ва б.) ёрдамида ҳар хил буюмларда қолган кўз илғамайдиган, жуда кам миқдорда бўлган нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материалларининг юқи (изи)ни топиш мумкин. Бу ҳол ёнғин содир бўлган жойдан олинган ашёвий далилларни текширишда ёнувчи суюқлик ишлатилганми-йўқми деган масалани ҳал этишда катта аҳамиятга эга.

Экспертизанинг ушбу турига қуйидагилар объект бўлиши мумкин:

– ёнилғи (автомобиль бензинлари, авиацион, дизель, буғқозон ва реактив ёнилғиси);

- мойлар (мотор, трансмиссион, индустриал, гидравлик, вакуум ускуна);
- ёғлаш материаллари (антифрикцион, консервацион, узоқ муддат сақлаш учун тўлдирувчи);
- қаттиқ нефть маҳсулотлари (шағам, церезин, вазелин, битум, қора куя, озокерит-балчик);
- ҳар хил маҳсулотлар (рангсизлантирилган, тозаланган керосин, органик эритувчилар, шимдириш учун ишлатиладиган восита, химояловчи мум, ёғлаш, совутиш учун ишлатиладиган нефть маҳсулотлари).

Ашёвий далилларни олиб қўйиш, ўраб жойлашда нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материалларининг қуйидаги ўзига хос хусусиятларига эътибор бериш зарур:

а) нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материаллари суюқ ва елимсимон бўлганлиги ҳамда барқарор бир шаклга эга бўлмаганлиги сабабли муайян ҳажми улар сақланаётган идишга қараб аниқланади;

б) кўпгина нефть маҳсулотлари (бензин, керосин, дизель ёнилғиси) таркибида учувчан моддалар борлиги сабабли тез ўзгарувчан бўлади. Лекин нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материаллари таркибининг ўзгариши фақат буғланиш натижасида эмас, балки баъзи бир органик моддаларнинг уларда эриши ва ажралиши натижасида бўлиши мумкин;

в) суюқ ва елимсимон нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материаллари бошқа предметлар (тупроқ, дарахт, сувоқ, тўқимачилик маҳсулотлари)нинг массасига сингиш ва тақсимланиш хусусиятларига эга бўлганликлари туфайли уларнинг юқлари бир буюмдан иккинчи буюмга сўркалиш (контакт) натижасида ўтиб қолиши мумкин;

г) газсимон нефть маҳсулотлари ҳамда мотор ёнилғиларининг кўп турлари ёнғин хавфини туғдирадиган ва портловчи моддалардир.

Экспертизага келган нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материалларини текшириш қуйидаги масалаларни ечишга қаратилган:

- буюмларда нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материалларининг юқини топиш;

- тўкилган нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материаллари юқининг табиатини ва унинг турини аниқлаш;

- муайян бир идишда бўлган нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материаллари турини ва туркумини аниқлаш;

- нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материалларининг қолдиғи топилган кийим ёки бошқа буюм уларни сақлаган объектлар билан ишқаланганлигини (контактда бўлганлигини) аниқлаш;

- алоҳида нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материаллари аввал бир бутун объектни ташкил қилганлигини топиш;

- муайян ҳажмлардаги нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материалларининг умумий бир манбага мансублигини топиш (ишлаб чиқарилиши, сақланиши, ишлатилганлиги бўйича).

Экспертиза олдига ҳал этиш учун қуйидаги саволлар қўйилиши мумкин:

– воқеа жойидан топилган идишдаги (шиша, банка) суюқлик нефть маҳсулотими (бензин, керосин, дизель ёнилғиси)?

– воқеа жойидан топилган идишдаги (шиша, банка) ва гумон қилинаётган шахсдан олинган суюқликлар бир турга мансубми?

– экспертизага тақдим этилган объектларда (кийим, тупроқ намуналари, тахта бўлақларида ва ҳ.к.) нефть маҳсулотларининг ёки ёнилғи-мойлаш материалларининг қолдиқлари (излари) борми?

– экспертизага тақдим этилган объектлардаги модда қолдиқлари нефть маҳсулотларининг (ёнилғи-мойлаш материалларининг) қайси турига мансуб?

– экспертизага тақдим этилган кийим юзасида ёнилғи-мойлаш материалларининг излари борми? Агар бўлса улар гумон қилинаётган шахснинг уйидан олинган ёнилғи-мойлаш материали билан бир хилми?

– кийимдаги доғлар маълум бир автомобилдан қолган ёғлаш учун ишлатиладиган материалми?

Юқорида келтирилган мисоллар кўпинча учрайдиган одатдаги саволлардир, лекин муайян жиноий иш бўйича тергов олиб борилаётганда бошқа саволлар ҳам қўйилиши мумкин.

Экспертиза ҳал қилиши учун қўйилган саволлар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

– лўнда ва аниқ бўлиб, мазмуни тергов қилинаётган ишнинг вазиятларидан келиб чиқиши;

– шу экспертизани бажараётган экспертнинг махсус билимлари доирасига тааллуқли бўлиши;

– мантикий жиҳатдан тўғри тузилиши.

Нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материалларининг таркиби ўта мураккаблиги сабабли «Бу идишда қандай модда бор?», «Доғ қандай моддадан қолган?» ҳамда «Ўхшашми?», «Бир хилми?» ёки «Айнан ўзимми?» сингари саволларни қўйиш тавсия этилмайди. Масалан, объектларнинг ушбу хусусиятларидан келиб чиқиб, икки объектнинг кимёвий таркиби қисман ўхшаш деб топилгани билан уларни нефть маҳсулотларининг бир турига мансуб деб бўлмади.

Нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материаллари экспертизасига намуналарни тайёрлаш. Нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материаллари яна бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга: бензинларда, керосинларда, дизель ёнилғисида учувчан таркибий қисмлар борлиги ҳамда ушбу маҳсулот ва материаллар серғовак объектларга сингиши ва тақсимланишини назарда тутиб ашёвий далилларни топганда, мусодара қилганда, ўраб жойлаганда ва экспертизага тайёрлаётганда қуйидаги қоидаларга риоя қилиш керак:

– суюқ нефть маҳсулотларининг намуналари у сақланган идишдан тезкорлик билан олиниб, тоза, қуруқ, шиша ёки металл (бутилка, фляга) оғзи маҳкам ёпиладиган тиқинли (пўкак, шиша тиқин, пластмасса тиқин, металл тиқин) идишга солиниб, сўрғич ёки ёпишқоқ тасма билан ёпиштирилади. Агар воқеа жойидан ёки гумон қилинаётган шахсдан кичик идиш (шиша, канистра) топилган бўлса, уларнинг оғзини маҳкам ёпиб экспертизага юбориш мақсадга мувофиқдир.

Башарти, идишни ёпишнинг иложи бўлмаса (челак, нефть маҳсулоти солинган банка), у ҳолда суюқликни оғзи маҳкам ёпиладиган бир неча идишларга солиб, бўшаган идишни ҳам полиэтилен ҳалтачага жойлаб, оғзини боғлаб, ёпиштириб, ҳаммасини экспертизага юбориш керак;

– нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материаллари (мойлар, ёглаш учун ишлатиладиган материаллар, мазут) оғзи бураладиган қопқоқли ёки шиша, пўкак, пластмасса тикинли идишга солиниши керак;

– қаттиқ нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материалларининг намуналарини полиэтилен ёки қалин қоғозпакетга жойлаб, пакет оғзи маҳкам боғланади. Агар йўлнинг юзасидан намуналар олинаётган бўлса, у ҳолда намуналарга уларни олиш баённомаси ва чизмаси илова қилиниши керак;

– ҳар хил буюмларда бўлган нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материалларини текшириш учун, иложи борица экспертизага ушбу буюмнинг ўзи (кийим, ўқ отувчи ва совуқ қурол, транспорт-воситасининг деталлари) юборилади. Уларни ўраганда, жойлаганда нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материаллари йўқолиб кетмаслик чорасини кўриш керак. Шу мақсадда кийимдаги нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материалларидан ҳосил бўлган доғлар юпқа полиэтилен пленка бўлаги билан беркитиб қўйилади;

– экспертизага юбориш учун алоҳида бир объектни ташкил қилган ва идентификация объекти бўлган идишдан (у жуда катта бўлмаса) нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материалларини иккинчи идишга солиш тавсия этилмайди;

– ёнғин билан боғлиқ бўлган ишлар бўйича ашёвий далиллар (ёнган тахта, кўмир, куя, мато) ёнғин дастлабки бошланган жойни ўз ичига қамраб олган жойдан (2-4 та) олинади, шунингдек солиштириш учун ёнғин бошланган жойдан анча нари масофадан (2-4 та) намуналар ҳам олинади, Бундай ҳолларда экспертизага қарор билан бирга воқеа жойини кўздан кечириш, намуналар олиш чизмаси, воқеа жойи суратлари, бундан ташқари, ашёвий далиллар ёнғин бўлгандан кейин қанча вақт ўтганда олинган ва улар қандай ташқи муҳит таъсирида бўлганлиги (ёмғир, қор, куёш) ҳақида маълумотлар юборилиши шарт.

Ёнғин рўй берган жойдан олинган ёнган тахта, кўмир, куя, нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материалларининг қолдиқлари бўлиши мумкин бўлган идишлар полиэтилен пакетларга жойланиб, ёнғин бошланган жой аниқлангандан кейин юборилади.

Агар нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материалларининг қолдиқлари тахта, мато ва тупроққа сингиб кетган бўлса, намуналар олаётганда қуйидаги қоидаларга риоя қилиш керак:

Тахта намуналарини олиш. Қурилиш иншоотларининг силлиқ қисмида қолган нефть маҳсулотларини текшириш учун ушбу буюмнинг 1 мм чуқурликда парчалари олингани кифоя. Ёриқлар ва кўзлар бўлган жойларни тагигача ўйиб ёки чопиб олиб қипиқлар ва пайраҳаларни текширишга юбориш зарур.

Нефть маҳсулотларининг қолдиғи ёғочнинг кесилган жойида бўлса, уни учидан 9-10 см қалинликда кесиб олиш етарлидир. Агар нефть маҳсулотларининг қолдиғи ёғочда аниқ чегараланган бўлса, унинг излари қириб олинади.

Намуналарни бутунлай ёниб кўмир бўлиб қолган жойдан эмас, балки чала ёнган сатҳлардан олиш керак, чунки ёнган жойда нефть маҳсулотларининг қолдиғи сақланиб қолмайди.

Матолардан намуна олиш. Жун, яримжун, ип-газламалар ёнгандан кейин ҳам нефть маҳсулотларининг қолдиқларини сақлаб қолади, шунинг учун экспертизага ёнмаган бўлаклар билан ёнган матоларнинг куйган қисмлари ҳам тақдим этилиши керак.

Намуналар ёнган юмшоқ мебелдан олинаётган бўлса, бунда жилднинг тагидаги мато, пахта, ватин, поролон, мебелнинг тахтасидан намуна олиш мақсадга мувофиқдир. Таққослаш учун матонинг «курук» (яхлит куймаган) намуналари ҳам олинishi шарт.

Тупроқ намуналарини олиш. Нефть маҳсулотларининг қолдиқлари бор деб тахмин қилинаётган тупроқдан 2-3 см чуқурликгача юқори қатлами шпатель, пичоқ, куракча билан олинади.

Қора куя намуналарини ёнган чиққан жойга яқин бўлган иншоотлардан олиш. Қора куя намуналари 5-6 нуктадан шпатель, пичоқ билан қириб олинib, оғзи маҳкам беркитиладиган пробирка ёки полиэтилен пакетчага солинади. Қора куя олинган жойлар баённомада кўрсатилади ва суратга олинади. Олинган намунанинг тахминий оғирлиги - 0,2-0,5 г. бўлиши керак.

Экспертиза ўтказиш учун ашёвий далиллардан ташқари қуйидагилар юборилиши керак:

– нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материалларининг тахминий табиати, тури, келиб чиқиши, буюмга қандай ўтиб қолиши, сақлаш шароити ҳақидаги жиноий иш материаллари (тергов маълумотлари);

– нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материаллари билан ифлосланган буюмлар, воқеа содир бўлгандан кейин мусодара қилингунча ишлатилганлиги, сарф қилинганлиги ва ўзгарганлиги ҳақидаги маълумотлар;

– солиштириш учун нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материалларининг намуналари ҳамда текшириляётган ашёвий далилларнинг қисми бўлган намуналар.

Нефть маҳсулотлари ва ёнилғи-мойлаш материалларининг ўз вақтида тез экспертизага юборилиши экспертиза натижали бўлиши ва жиноий иш воқеасини тўғри аниқлашнинг муҳим гаровидир.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, прекурсорлар ва кучли таъсир қилувчи дорилар экспертизаси



Одам ўлдириш, зўрлаш, захарланиш, кўзбўямачилик, ўғирлик, гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни қўллаш, тайёрлаш, сақлаш васотиш каби ҳар хил тоифадаги жиноий ишларни тергов қилиш ва судда кўриш жараёнида наркотик ва кучли таъсир қилиш хусусиятларига эга бўлган дорилар, кўкнори, наша ва бошқа ўсимликлардан қўлда

тайёрланган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, кучли таъсир қилувчи дори воситалари ва прекурсорлар ашёвий далил сифатида учраши мумкин.

Махсус билимлар асосида ушбу моддаларнинг муайян массаларини ўзаро солиштириш орқали умумий манбаини белгилаш, текширилаётган моддаларни маълум бир синф, турга тааллуқлилигини, уларнинг ўсган жойи, вақти ва ишлаб чиқариш усулини аниқлаш билан боғлиқ фактлар экспертизанинг предметини ташкил қилади.

Гиёҳванд воситалар экспертизаси.

Наша ва кўкнор ўсимликлари, улардан қўлда тайёрланган гиёҳвандлик воситалари, фармацевтика саноатида ва дорихоналарда тайёрланган гиёҳвандлик дори воситалари шу экспертизанинг объектларидир. Гиёҳвандлик воситалари – гиёҳвандлик воситалари рўйхатиغا киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинмаган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган препаратлар ва ўсимликлардир.

Гиёҳвандлик воситалари икки гуруҳга бўлинади. Биринчи гуруҳга Бирлашган миллатлар ташкилотининг 1961 йилдаги Конвенциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сонли қарорига асосан Ўзбекистон ҳудудида қўллаш тақиқланган 238 та модда киради. (1-рўйхат). Ушбу моддалар – одам ҳаётига салбий таъсир қиладиган, турли касалликларни, рухий ўзгаришларни, шу жумладан гиёҳвандликнинг оғир турларини келтириб чиқарадиган фармакологик жиҳатдан ўта кучли, ўсимликлардан ёки сунъий усул билан олинган гиёҳвандлик воситаларидир.

Иккинчи гуруҳга республикада муомаласи чекланган ва фақат тиббий муассасалар кўрсатмасига биноан (оғир хасталикларда оғрикни қолдириш учун) қўлланадиган 51 та гиёҳвандлик воситалар киради.

Психотроп моддалар ва кучли таъсир қилувчи дори воситалари.

Психотроп моддалар психотроп моддалар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалардир. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сонли қарорига биноан, республика ҳудудида муомаласи чекланган психотроп моддалар (3-рўйхат)га 81та модда киритилган.

Дориларнинг табиатини, хусусиятларини аниқлаш, маълум бир синф, турига тааллуқлилигини текшириш, аниқлаш, муайян масса билан солиштириш, ўхшатиш, ишлаб чиқариш вақти, усулини аниқлаш билан боғлиқ масалаларни ечиш ёрдамида ҳақиқатни, вазиятни айнан таърифламоқ – психотроп моддалар ва дори воситалари криминалистик экспертизасининг мавзусидир.

Ушбу экспертиза турининг объектлари: кукун (порошок)лар, таблеткалар, эритмалар, суртмалар, аралашмалар ва уларнинг қолдиғини сақлайдиган турли буюмлар (шприц, игна, ампула, стакан, пиёла ва бошқ.) фармацевтика саноатида ишлаб чиқарилган уйқу чақирувчи ва наркотик хусусиятларига эга бўлган барбитур кислотаси ва бензодиазепин ҳосилалари (барбитал, натрий барбитали, барбамил, фенбарбитал, натрий этаминали, циклобарбитал, гексабарбитал, ноксирон, хлоралгидрат, хлорбутанолгидрат ва бошқ.), марказий асаб тизимини тинчлантирувчи психотроп моддалар, фенотиазин, бутирофенон қатори препаратлари, эпилепсияга қарши ва нейролептик ҳамда бошқа кучли таъсирга эга, тана скелетининг мушакларини бўшаштирувчи ва шунга ўхшаш меъёрдан кўп қабул қилганда наркотик таъсир этувчи доривор препаратлар бўлиши мумкин.

Психотроп моддалар ва кучли таъсир қилувчи дори воситалари криминалистик экспертизасининг вазифалари куйидагилардан иборатдир:

- бундай моддалар табиатини ўрганиш, аниқлаш, психотроп моддалар гуруҳи (рўйхати)га тааллуқлилигини текшириш, аниқлаш;
- бундай моддалар қолдиғини турли буюмларда топиш;
- дори моддалар табиатини ўрганиш, аниқлаш, кучли таъсир қилувчи гуруҳга, турига тааллуқлилигини текшириш, аниқлаш;
- ишлаб чиқариш технологияси хусусиятлари, сақлаш шароити бўйича турдош дориларни бир туркумга мансублигини аниқлаш;
- ишлаб чиқарилган жой бўйича умумий манбага мансублигини аниқлаш;
- ажратилган бўлақлар бўйича муайян психотроп моддалар ва дори массаларни таққослаш;
- психотроп моддалар ва кучли таъсирга эга дори воситаларини ишлаб чиқариш технологияси, услуби ва уларни сақлаш шароитларини аниқлаш.

Прекурсорлар — прекурсорлар рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинган, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тайёрлаш учун фойдаланиладиган моддалар. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 ноябрдаги 330-сонли қарорига асосан Республика ҳудудида муомаласи чекланган прекурсорлар қаторига (4-рўйхат) 26 та модда киритилган.

Кимёвий моддаларнинг табиатини, хусусиятларини аниқлаш, маълум бир синф, турига тааллуқлилигини текшириш, аниқлаш, муайян масса билан солиштириш, ўхшатиш билан боғлиқ масалаларни ечиш ёрдамида ҳақиқатни, вазиятни айнан таърифлаш – прекурсорлар криминалистик экспертизасининг мавзусидир.

Ушбу экспертиза турининг объектлари: кукунлар (порошок), суюқликлар ва уларнинг қолдиғини сақлайдиган турли буюмлар (шприц, игна, ампула, стакан, шиша идиш ва бошқ.), ишлаб чиқаришда қўлланадиган органик эритувчилар: ацетон, толуол, этил эфири, метилэтилкетон, пиперидин; кислоталар: антранил, N-ацетилантранил, сульфат, хлорид кислоталари, лизергин кислотаси; алкалоидлар: эргометрин, эрготамин, эфедрин ва ҳ.к. бўлиши мумкин.

Прекурсорлар криминалистик экспертизасининг вазифалари қуйидагилардан иборатдир:

- бундай моддалар табиатини ўрганиш, аниқлаш, прекурсорларга тааллуқлилигини текшириш, аниқлаш;
- бундай моддалар қолдиғини турли буюмларда топиш;
- ишлаб чиқаришда қўлланиши, сақлаш шароити бўйича умумий манбага мансублигини аниқлаш;
- ажратилган бўлақлар бўйича муайян прекурсор массаларни таққослаш;
- прекурсорларни ишлаб чиқариш технологияси, услуги ва уларни сақлаш шароитларини аниқлаш

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, прекурсорлар ва кучли таъсир қилувчи дорилар экспертизаси олдида қўйиладиган саволлар:

Экспертиза олдида қўйиладиган саволлар қисқа, аниқ, экспертнинг билимига тааллуқли бўлиши керак, жумладан:

– воқеа жойидан олинган, топилган модда(лар) гиёҳвандлик воситаси (психотроп моддаси, прекурсор)ми, агар гиёҳвандлик воситаси (психотроп модда) бўлса, қайси турига мансуб?

– тақдим этилган объектлар (шприц, игна ва шиша идишлар)да наркотик ёки кучли таъсир қилувчи моддаларнинг қолдиғи мавжудми?

– тақдим этилган ўсимлик қайси турга мансуб ва унинг таркибида гиёҳвандлик воситалари борми?

– гумон қилинаётган шахсдан ва унинг уйдан мусодара қилинган намуналар умумий бир тур ёки туркумга мансубми, агар шундай бўлса, қайси тур ёки туркумга тааллуқли?

– мусодара қилинган моддалар умумий манбага (умумий массага) мансубми?

– мусодара қилинган моддалар олинган, қўлланилган хомашё, ўсган жойи, тайёрланиши, ишлаб чиқарилиш усули ва сақлаш шароити бўйича умумий манбага мансубми?

– мусодара қилинган ўсимлик маълум бир томорқада ўсганми?

Юқорида келтирилган кўп ҳолларда учрайдиган саволлардан ташқари жиноий ишлар бўйича тергов олиб бориш жараёнида бошқа саволлар ҳам туғилиши мумкин.

Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар, прекурсорлар ва кучли таъсир қилувчи дорилар экспертизасига материалларни тайёрлаш. Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни текширишда экспертиза олдига қўйилган вазифаларнинг самарали бажарилиши материалларни экспертизага тўғри тайёрлаш билан боғлиқ. Бу фаолият объектларни олиб қўйиш, процессуал расмийлаштириш ва экспертиза тайинлашни ўз ичига қамраб олади.

Суриштирувчи ёки терговчи воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомасида экспертиза ўтказишга оид ҳамма воқеа ва маълумотларни кўрсатиши лозим. Жумладан, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар топилган жой, унинг сақланиш шароити (намлик, ёруғлик) аниқ белгиланади. Агар экин топилган бўлса, унинг ҳосили олинган вақти, тупроқ тури, ўсган жойи қайд этилиши керак.

Жиноят содир бўлган жойни кўздан кечиришда асосий эътибор гиёҳвандлик воситасини, психотроп моддани топишга қаратилиши лозим. Унинг майда зарралари ва юқи ҳар хил буюмлар кийимда (чўнтагида, рўмолчада), транспорт воситаларида ҳамда гиёҳвандлик воситасини тайёрлашда ишлатилган асбобларда (элак, шприц, игналар ва чилим) мавжуд бўлиши мумкин. Кўпинча экспертизага гиёҳвандлик воситасининг эритмаси рўмолча ёки докага шимдирилган ҳолда келтирилади.

Афюнни (опий) ишлаб чиқаришда қайта ишлаш технологияси ва ҳар хил босқичларига қараб, олинган чиқиндиларнинг ранги, ҳиди, майдалиги бўйича тупроқ бўлаклари, битум ва смолалардан фарқ қилиш қийин. Кўп ҳолларда тергов идоралари ходимлари бундай объектлар хусусиятларини билмасликлари туфайли гиёҳвандлик воситаларини ишлаб чиқариш, сақлаш ва сотиш билан шуғулланаётган шахслардан уларни олиб қўйиш чораларини кўрмайдилар.

Гиёҳвандлик воситаси ва психотроп модданинг ҳар бир намунаси экспертизага юборилаётганда алоҳида идишга (шиша идиш, пробирка, полиэтилен ҳалтача) жойланади.

Афюн экстракти, суюқ наша каби суюқ ҳолда бўлган ашёвий далиллар оғзи маҳкам беркитиладиган махсус идишга солинади.

Янги узилган наша ва кўкнор ўсимликлари чириб, текширишга яроқсиз бўлиб қолмаслиги учун экспертизага юборишдан олдин сояда хона ҳароратида қуритилиши лозим.

Мусодара этилган ўсимлик массасини экспертизага унинг ҳамма қисмлари (гули, барги, пояси, илдизи) сақланган ҳолда ва 1 кг дан кам бўлмаган миқдорда юбориш керак.

Агар ўсимлик массасида қўшимча зарралар мавжуд бўлса, уларни ташлаб юбормай бирга тақдим этиш лозим, чунки улар жиноят содир этилган жой ҳақида маълумот бериши мумкин.

Башарти, агар ўсган жойини аниқлаш билан боғлиқ вазифалар ҳал этилаётган бўлса, текшириладиган модда (кўкнор ва наша ўсимлиги, наша ва майдаланган кўкнор ўсимлиги намуналари) билан бирга солиштириш учун тахмин қилинган ўша жойда ўсган бошқа ўсимликлар тақдим этилиши керак.

Эксперт олдида гиёҳвандлик воситасини тайёрлаш усулини аниқлаш вазифаси қўйилганда текширилаётган моддалар билан бирга экспертизага уларни

тайёрлашда ишлатилиши мумкин бўлган ҳар хил асбоб (пресс мослама, элаклар, пичок, куракча, тарози, қийма қиладиган асбоб ва ҳ.к.)лар ҳам юборилиши шарт.

Идентификацион масалалар ҳал этилаётган бўлса, объектлар бутунлигича юборилади. Бунинг иложи бўлмаган тақдирда шу ашёвий далилларнинг фракцион ва кимёвий таркибини тўлиқ ифодалайдиган намуналари олиниши керак.

Текширилаётган объектларнинг бир бутунга тааллуқлилиги аниқланаётганда, суриштирувчи, терговчи ёки суд иложи борича бир бутуннинг аниқ ҳажмини кўрсатиши керак.

Ашёвий далилларни сақлаш қоидаларига риоя қилмаслик уларни текширишга яроқсиз ҳолга ёки бутунлай йўқолиб кетишига олиб келади.

Ашёвий далиллардан ташқари эксперт ихтиёрига солиштириш учун намуналар, суд-тиббий экспертизасининг хулосаси, воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, ашёвий далилларни олиб қўйиш баённомаси ва бошқа зарур материаллар тақдим этилиши керак.

Таркибида спирти бўлган суд кимёвий суюқликлар экспертизаси



Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан кўлбола спиртли ичимликларни тайёрлаш ва уларни савдо тармоқларида сотиш ҳолатлари кўп кузатилмоқда. Сифатсиз спиртлардан тайёрланган ичимликлар истеъмол қилиниши натижасида одамларнинг саломатлигига зарар етказиш, ҳатто ўлим ҳолатлари ҳам амалиётда учрамоқда. Шу ва шунга ўхшаш

ҳолатларни олдини олиш, бундай ҳодиса содир бўлганда унинг тафсилотларини аниқлаш мақсадида суд-тергов идоралари махсус билимлардан самарали фойдаланиши алоҳида ўрин эгаллайди.

Таркибида спирти бўлган суюқликлар экспертизаси ҳозирги кунда энг долзарб муаммоларни ҳал этадиган экспертиза турларидан биридир. Ушбу экспертиза таркибида спирти бор деб тахмин қилинган суюқликларни текшириш, спирт бор-йўқлигини, унинг миқдорини, қувватини ва қўшимча моддаларнинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигини, уларнинг миқдорий таркибини, давлат стандарти талабларига жавоб бериш ёки бермаслигини, спиртли ичимликларни инсон истеъмол қилганда заҳарланиш ёки нохуш оқибатларга олиб келиш ҳолатларида диагностик, классификацион ва идентификацион вазифаларни ҳал этиш мақсадида тайинланади. Ушбу вазифаларни ҳал этиш учун экспертиза тадқиқотлари ўта сезгир капилляр колонкали газ-хроматограф ва хромато-масс-спектрометр мосламаларида олиб борилади.

Ароқ, спирт, вино, коньяк, пиво, самогон, идишлар юқида қолган номаълум суюқликлар ва ҳ.к. ушбу экспертиза объектларидир.

Таркибида спирти бўлган суюқликлар экспертизаси олдига ҳал этиш учун қуйидаги саволларни қўйиш мақсадга мувофиқдир:

- текшириш учун тақдим этилган суюқликнинг табиати ва таркиби қандай?
- текшириш учун тақдим этилган суюқликлар ароқми, агар ароқ бўлса, улар физик-кимёвий кўрсаткичлари бўйича давлат стандарти талаблари (қуйилиш миқдори, қуввати, микроқўшимчалари)га жавоб берадими?
- воқеа жойидан олинган номаълум ичимлик таркибида одам организми учун зарарли, кучли таъсир қилувчи моддалар мавжудми?
- текшириш учун тақдим этилган суюқлик қўлбола ёки завод шароитида тайёрланганми?
- текшириш учун юборилган спирт қандай хомашёдан тайёрланган, унинг тури аниқлансин?
- таққослаш учун корхонадан ва савдо дўконидан олинган ароқ маҳсулотлари этикетларида кўрсатилган ёзувларга мос келадими? ва ҳ.к.

Тадқиқотларни ўтказиш учун эксперт ихтиёрига текшириладиган объект, зарур ҳолларда – уни олиб қўйиш баённомаси ва солиштириб текшириш учун тегишли намуналар тақдим қилинади.

Спирт енгил буғланувчи модда бўлгани сабабли спиртли маҳсулотлар топилганда, улар солинган идиш маҳкам беркитилиши зарур. Агар спиртли ичимлик қолдиқлари бўлган идиш (стакан, рюмка, бутилка ва ҳ.к.) топилган бўлса, у полиэтилен ҳалтага солиниб, ҳалта герметик беркитилиши керак. Ашёвий далилга тегишли изоҳнома қўшиб қўйилади. Унда ашёвий далил қачон, қаердан, ким томонидан олинганлиги ва қайси ишга тааллуқлилиги кўрсатилади. Спиртли ичимликлар солинган ёки қолдиқлари бўлган идишлар олиб қўйилганда уларда бармоқ излари бўлиши мумкинлигини инобатта олиш зарур.

Экспертизага ашёвий далил сифатида олиб қўйилган объект бутунлай юборилиши мақсадга мувофиқдир. Аммо айрим сабабларга кўра, буни амалга оширишнинг иложи бўлмаса, масалан, спиртли ичимлик катта бочкага солинган ёки катта партия қўлбола ароқ маҳсулоти ушланганда, спиртли маҳсулотдан текшириш учун бир қисми (намунаси) юборилади. Намуналар олингани тегишли баённома тузиш орқали процессуал расмийлаштирилади ва экспертизага ушбу баённома нусхаси билан бирга тақдим қилинади.

Экспертиза олдига турли жойлардан олинган спирт маҳсулотлари турдошлиги масаласи қўйилганда таққослаб текшириш учун уларнинг намуналари олиниб текширишга юборилиши лозим.

Суд-тупроқшунослик экспертизаси



Қотиллик, тан жароҳатини етказиш, зўрлаб номусга тегиш, талончилик, йўл-транспорт ҳодисалари сингари жиноий ишларни тергов қилишда пойафзал, кийим, транспорт воситалари қисмлари ва ҳ.к. каби ҳар хил буюмлардаги тупроқ қолдиқлари кўп учрайдиган ашёвий далиллар жумласига киради.

Қонунбузарлар ҳар хил тўсиқлардан ўтганда, ерда ҳаракат қилганда ва муайян жойларда бўлганида уст-кийим, пойафзал, жиноят содир қилиш қуроллари, уй-рўзғор буюмларида, транспорт воситаларининг қисмларида тупроқ зарралари қолади.

Тупроқ қисмларининг криминалистик тадқиқоти натижалари асосида кишининг ёки буюмнинг, атроф-муҳитнинг муайян қисмида бўлганлиги фактини аниқлаш имконияти ушбу экспертизанинг далилий моҳиятини ташкил қилади.

Суриштирувчи, терговчи ёки суд тарафидан жойнинг белгилаб берилган қисми, яъни у ёки бу воқеа содир бўлган ҳудуд суд тупроқшунослик экспертизасининг объекти ҳисобланади. Дала, полиз, боғ, йўлнинг бир қисми, шу каби очик жой ёки усти ёпиқ ернинг бир қисми (сарой, гараж, ертўла, чордоқ ва ҳ.к. каби усти сунъий ёпилган бинолар) бу объектлар жумласига киради.

Эксперт олдига суд-тупроқшунослик экспертизаси тайинланганда, қуйидаги саволларни қўйиш мақсадга мувофиқ:

– тақдим этилган объектларда бирорта бегона қатламлар борми, агар бўлса улар тупроқ эмасми?

– тупроқ қолдиқлари объектнинг қайси қисмида жойлашган?

– тақдим этилган объектлардаги тупроқ моддалари ва воқеа содир бўлган ердан олинган тупроқ намуналари умумий туркум ва гуруҳга тааллуқликими?

– тақдим этилган объектлардаги тупроқ жойнинг муайян қисмига (ернинг маълум қисми, унинг ўлчамлари ва чегараси белгилаб берилади) тааллуқликими?

– объект муайян жой ёки бошқа предмет билан ўзаро алоқада (контактда) бўлганлиги;

– объектдаги тупроқ қолдиқлари қайси ҳудудга тегишли эканлигини белгилаш;

– муайян жой тупроғига хос бўлмаган қаттиқ жисмларни топиш.

Тупроқнинг ёки унинг кимёвий таркибининг «ўхшашлиги», «бир хиллиги» ёки «айнанлиги»ни аниқлашга оид саволлар қўйиш тавсия этилмайди, сабаби бу суд-тупроқшунослик экспертизасининг вазифаларини тўла ҳал этмайди.

Объектларда тупроқ қатламлари бор (йўқ)лигини аниқлаш масаласи фақат экспертлар ихтиёрига 30 мг.дан кам бўлмаган текширилаётган модда тақдим

этилгандагина ҳал этилиши мумкин. Экспертиза тайинлашда шуни албатта ёдда тутиш керак.

Экспертга тупроқ қолдиқларининг туркумий (гуруҳий) тааллуқлигини аниқлаш учун камида 0,5-1 г. модда тақдим этиш керак.

Жиноят содир этилганлиги маълум бўлиши билан экспертиза тайинланиш мумкинлигини тахмин қилиб, дарҳол қиёсий тадқиқот учун воқеа содир бўлган жойнинг тегишли қисмидан тупроқ намуналари олиниши лозим. Шунингдек унга чегарадош ерлардан текширув (контроль-назорат) намуналари олиниши керак. Тупроқ намуналари воқеа содир бўлган жой дастлабки кўздан кечирган вақтдаёқ олиниши лозим, чунки вақт ўтиши билан тупроқнинг ўзгариши эҳтимолдан ҳоли эмас. Воқеа содир бўлган жойдан тупроқ намуналари у билан туташиб турган жисмнинг тегишли қисми ботиб турган чуқурликкача бўлган еридан қириб олинади.

Объектларнинг туташиб, ўзаро таъсирлашган ерларининг юзаси катта бўлса, у ҳолда шу юзаданинг турли қисмларидан олинган бир неча намуналар ёки бир неча нуқталардан олинган намуналарни аралаштириб, бир дона аралаш намуна олинади. Воқеа жойидан, айниқса бу ернинг тупроқ сатҳи таркиби бир хил бўлмаган ҳолларда, одатда бир нечта намуна олинади. Намуналарни олишда кичикрок белкурак, ҳокандоз ёки тиғи кенг пичоқ ишлатилади. Намуналарнинг оғирлиги 100-200 г. бўлиши керак.

Яқин атроф худудидан воқеа содир бўлган жойни ажратиш мақсадида назорат намуналари воқеа жойи чегарасидан ташқаридаги ерлардан олинади, бунда назорат намуналарининг сони 3-5 тадан бўлиб, уларни олиб қўйиш қиёсий намуналар каби расмийлаштирилади. Воқеа жойини кўздан кечириш ва тупроқ намуналарини қарорда кўрсатилган худуддан мутахассис иштирокида олиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳар бир муайян ҳолатда воқеа жойидан тупроқ намуналарини олиш маълум схема бўйича амалга оширилади.

1. Воқеа жойи – ер юзининг очик сатҳи (ўрмон, дала, ҳовли, полиз) бўлганда тупроқ намуналари (2та) тўғридан-тўғри бевосита шу нуқтадан (масалан, мурда топилган жойдан) ва ундан 5-10 м. масофадан (4та) олиниши керак. Воқеа жойидан 50-100 м масофадан назорат намуналари олинади.

2. Воқеа жойи – жар, ўра бўлганда, тупроқ намуналари жар (ўра) тубидан ва жар (ўра) четининг юзасидан олиниши керак. Назорат намуналар жар (ўра) ташқарисидан тупроқнинг босилмаган, тегилмаган қисмидан олинади.

3. Воқеа жойи – уй (хонадон) бўлганда, намуналар ифлосланган уй жиҳоз буюмларидан (чойшаб, дастурхон, оёқ ости йўлка гиламчаларидан, дераза кесакилари ва бошқ.), даҳлиздан, уйга олиб келадиган йўлакдан ёки оёқ излари топилган жойлардан олинади. Уй яқинида жойлашган ерлардан назорат намуналари олиниши керак.

4. Воқеа жойи – ертўла, чордоқ, сарой, гараж бўлганда, тупроқ намуналари тўғридан-тўғри воқеа жойидан, унинг ҳар хил нуқталаридан, киравериш қисмидан олинади. Назорат намуналари воқеа содир бўлган жойга ўхшаш яқин жойлашган ертўла, чордоқ, сарой, гараждан олиниши керак.

5. Воқеа жойи – кўл, дарё ва бошқа ҳар қандай сув ҳавзасининг туби бўлганда, тупроқ намуналари сув ҳавзаси тубидан, қирғоқдан, судраб борилган йўлка (агар из бўлса) бўйича олинади. Назорат намуналари сув ҳавзасининг қарама-қарши томонидан, яқинида бошқа сув ҳавзаси бўлганда ундан олиниши керак.

6. Йўл-транспорт ҳодисалари рўй берганида транспорт воситасининг филдираги, бампери, тўсқич (брязговик) ва бошқа қисмларида тупроқ қатламлари бўлганда, намуналар воқеа жойидан, машинанинг ҳаракатланаётган йўлидан ва кузовидан олинади.

Барча тупроқ намуналари алоҳида мустаҳкам идишларга жойланади. Намуналарни тўқима (бўз) ҳалталарга ёки картон қутиларга жойлаш мақсадга мувофиқдир. Полимер ҳалталардан ёки шиша идишлардан бу мақсадларда фойдаланиш тавсия этилмайди, чунки бу ҳолда тупроқ керагидан ортиқ намланиб қолади. Агар тупроқ нам бўлса, уни хона ҳароратида қуритиш зарур. Намуналар жойланган идишларга улар ҳақида изоҳномалар бириктирилади.

Тупроқ қатламларига кўпинча яхлит ўсимлик поялари ёки уларнинг қисмлари аралашган бўлади, шу сабабли воқеа жойидан тупроқ намуналари олинганда ўсимлик намуналарини ҳам қўшиб олиш зарур.

Воқеа ҳолати билан боғлиқ бўлган кийим-бошларда, қотиллик, тўсиқни бузиш қуролларида ва шу каби бошқа буюмларда тупроқ қолдиқлари (излари) бўлса, улар эҳтиёткорлик билан буюмлардан скальпель ёки пичоқ ёрдамида қириб олинади ва бошқа-бошқа ҳалтачаларга жойланади ҳамда устига тегишли изоҳнома бириктирилади.

Шунингдек, кийимларнинг тупроқ теккан қисмлари юзасидан тупроқни экспертизага юбориш вақтида йўқолишини олдини олиш мақсадида ип-газлама мато бўлаги билан тикиб қопланади. Ушбу ҳаракатларни мутахассис амалга оширгани маъқул.

Ҳар бир буюмлар (кийим, пойафзал каби) бошқа-бошқа пакетларга жойланади. Тупроқ қатламлари бўлган ашёвий далиллар ва ажратиб олинган тупроқ намуналарини ҳар хил шароитда сақлаб бўлмайди, чунки тупроқ таркиби ҳарорат ва намлик таъсирида ўзгаради.

Тупроқ қатламлари кийим ва пойафзалларда бўлганда ашёвий далиллар дастлаб суд-тупроқшунослик, сўнгра суд-тиббий экспертизасига юборилади, чунки тупроқ моддаларининг тўкилувчанлик хусусияти туфайли улар йўқолиши мумкин.

Суд-тупроқшунослик экспертизаси тайинланганда экспертиза муассасасига қарор ва ашёвий далиллар билан бирга қуйидагилар тақдим этилади:

– воқеа жойини кўздан кечириш, унинг тафсилоти, ўлчамлари, чегараси, тупроқ қаватининг бир хиллиги, тупроқ юзасида бегона нарсалар йўқлиги ва юзасининг ҳолати (ўсимлик билан қопланганлиги, нам ва қуруқлиги) баён қилинган ҳужжатнинг (баённома) нусхаси;

– тупроқ намуналарини ажратиб олиш ва олиш усули кўрсатилган ҳужжат (баённома) нусхаси;

– воқеа жойининг қиёсий ва назорат тупроқ намуналари олинган нуқталар кўрсатилган чизмаси;

– ашёвий далилларни мусодара қилиш ҳақидаги ҳужжатнинг (баённома) нусхаси ва воқеа содир бўлган дақиқадан бошлаб улар олингунга қадар ишлатиш натижасида ифлосланган буюмлар ва уларнинг ўзгариши (кийимни ва пойафзални тозалаш, дала ерда иш олиб борилгани) ёки ўхшатилаётган жой қисми ҳақида маълумот;

– воқеа содир бўлган вақтдаги ва ўша вақтдан бошлаб намуналар олингунча қадар ўтган даврдаги об-ҳаво шароити ҳақида маълумот.

Экспертлик амалиёти шуни кўрсатадики, суд-тупроқшунослик экспертизаси тайинланган кўп ҳолларда экспертиза муассасасига фақат қарор ва ашёвий далиллар юборилади.

Шунинг учун суд-тупроқшунослик экспертизасига буюмлар почта орқали келганда кўп ҳолларда экспертиза ҳаракатдан тўхтатилади ва кўшимча материаллар сўраб талабнома юборилади, бу эса экспертиза ўтказиш муддатини узайиб кетишига сабаб бўлади.

Суд-тупроқшунослик экспертизасининг имкониятлари ва самарали ўтказилиши тақдим этилаётган материалларни тайёрлаш сифатига тўғридан-тўғри боғлиқ, шунинг учун баён этилган тавсияномаларга суд-тергов идора ходимларининг риоя қилиши қўйилган саволларга тўлиқ ва илмий асосланган жавоб бериш имконини беради.

Металлар, қотишмалар ва улардан тайёрланган буюмлар экспертизаси



Жиноий иш тафсилотларини экспертларнинг физика, металлшунослик, криминалистика соҳасидаги махсус билимлари асосида аниқлаш ва бунда олинган маълумотлар металлар, қотишмалар ва улардан тайёрланган буюмлар экспертизасининг предметини ташкил этади.

Ушбу экспертиза қуйидаги

масалаларни ҳал қилишга қаратилган:

1. Диагностик — буюмларда металларни топиш ва турларини ҳамда уларнинг қандай мақсадларга мўлжалланганлигини аниқлаш, металлдан ясалган объектнинг сифат ва миқдорий белгиларини, кимёвий таркибини аниқлаш;
2. Классификацион – металлар ва улардан тайёрланган буюмларнинг туркумий (гурухий) мансублигини аниқлаш;
3. Идентификацион – металлардан тайёрланган муайян буюмларни таққослаш ва уларнинг ишлаб чиқариш манбаини аниқлаш, алоҳида қисмларни бир

бутунга мансублигини топиш, металл буюмлар ўзаро алоқада (контактда) бўлганлигини аниқлаш.

Қуйидаги саволлар биринчи гуруҳ масалаларини ҳал қилишда қўйилиши мумкин:

– экспертизага тақдим этилган ашёвий далилларда қандай металл заррачаси бор?

– гумон қилинаётган шахсдан олинган, экспертизага тақдим этилган буюмлар – босқон, тарози, болғачаларда олтин (ёки жиноий иш тафсилотига кўра бошқа металл) борми?

– жабрланувчининг ярасидан олинган заррача металлданми, агар шундай бўлса, унинг таркибида қандай металл бор?

– гумон қилинаётган шахснинг кийимида металл (масалан, пўлат) қириндилари борми?

– экспертизага тақдим этилган металл қандай буюмлар тайёрлашга мўлжалланган?

– тақдим этилган автомобиль қанотининг ботган юзасида мис ва хром борми?

– металл буюм қанча вақт ичида занглаган?

Иккинчи гуруҳ масалаларни ҳал этиш учун қуйидаги саволларни қўйиш тавсия этилади:

– айбланувчидан олинган пичоқ қандай пўлат навидан тайёрланган?

– экспертизага тақдим этилган буюмлар - тиш қоппамаси, билагузук, тумор қандай қотишмалардан тайёрланган?

Муайян объектларни идентификацияси (яъни, таққослаб ўзаро айнанлигини аниқлаш) мураккаб масала. Бу ҳолат ҳалқ хўжалигида кўп буюмлар стандартлашгани ва баъзи бир металл ва қотишмалардан тайёрланадиган буюмларнинг кенг тарқалганлиги билан боғлиқ. Материал таркибини текшириш натижаларига қараб, асосан текшириш объектининг солиштирилаётган намунадан фарқ қилиш (дифференциация) масаласи ҳал қилинади. Бир хиллилик ҳақидаги хулосалар кўпинча тахминий шаклда берилади.

Қуйида идентификацион тафсилга эга бўлган саволлар келтирилади:

– воқеа жойидан олинган металл бўлаги гумон қилинаётган шахсдан олинган пичоқнинг бир қисми бўлиши мумкинми?

– текширишга тақдим этилган тиш қоппамалари гумон қилинаётган шахсдан олинган қотишмадан ясалган бўлиши мумкинми?

– гумон қилинаётган шахсдан ва база омборхонасидан олинган том тунукаси бир корхонада ишлаб чиқарилганми?

– гумон қилинаётган шахслардан олинган сидирға узуклар умумий ишлаб чиқариш манбага эгами?

– гумон қилинаётган шахсдан олинган ясама пичоқ, унинг уйидаги пўлат варақларидан ясалганми?

Металл ва қотишмалар криминалистик экспертизаси объектлари сифатида қуйидагилар кўпроқ учрайди:

– пўлат буюмлар ва уларнинг қисмлари; – асл металллар (олтин, кумуш)дан ясалган буюмлар ва қоппамалар;– мис, алюмин ва уларнинг қотишмаларидан

ясалган буюмлар;– кўрғошин, қалай, мис ва ҳ.к. буюмларнинг металлшган излари тушган маҳсулотлар.

Ушбу экспертиза ёрдамида асл металллардан ясалган буюмлар (босқон, болға ва ҳ.к.)га ишлов бериш учун қўлланган меҳнат куруллари юзасида топилган металл турини аниқлаш мумкин.

Саноат усулида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларга қўйиладиган шартларни белгиловчи меъёрий (ГОСТ, ОСТ, ТУ ва б.) ҳужжатлар мавжуд бўлиб, уларда ушбу маҳсулотларга таркиб, шакл, ўлчамлар, чекланишлар ва фойдаланиш жараёнига бўлган талаблар келтирилади. Ушбу объектларни текшириш кўп жиҳатдан объект материали, таркибининг умумтехника кўрсаткичларига асосланади. Металллардан ясалган буюмлар экспертизасини самарали ўтказиш учун буюмларни ишлаб чиқариш ва фойдаланишнинг айрим хусусиятлари тўғрисида имкон борича кўпроқ техник маълумотлар зарур. Бу эксперт томонидан объектни тадқиқ этишни ва шу билан бирга уни идентификациясини осонлаштиради.

Буюмнинг кимёвий таркиби, металл тузилиши, ташқи кўринишининг муайян белгилари тўғрисида маълумотлар ҳам керак бўлади. Масалан, тиш қоламалари, питра, ўқ, кастет, пичоқ учун қотишмаларни кўлда тайёрлаганда фойдаланилган хомашёни эритиш ва объектни ишлаб чиқариш технологияси ҳақидаги маълумотлар катта аҳамиятга эга.

Металл объектларни ишлаб чиқариш усулини (келиб чиқиш манбасини) аниқлаш учун зарур маълумотларни ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилган ускуна ва қурилмаларни текшириш йўли билан олиш мумкин. Шунинг учун бундай буюмлар мусодара қилиниб, экспертга тақдим этилиши керак. Бирор сабабга кўра, бунинг иложи бўлмаганда, эксперт ихтиёрига ускуналар ва қурилмалар батафсил таърифлаб тузилган уларни кўздан кечириш баённомаси тақдим этилади. Кўздан кечириш баённомасига воқеа жойининг чизмаси ва текшириладиган буюмларни ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилган ускуналарнинг фотосуратлари илова қилинади.

Эксперт тадқиқотининг вазифасига қараб намуналар (уларнинг миқдори, тури) терговчи (суриштирувчи, суд) томонидан танланади.

Идентификацион (яъни объектнинг айнанлигини аниқлаш) масала текшириладиган буюмни белгиларининг йиғиндисига асосланади, шу туфайли экспертга намуналар тақдим этилиши керак ва улар ҳақида батафсил маълумотлар берилиши шарт. Металлнинг ташқи кўриниши, кимёвий таркиби ва структурасида ҳодиса натижасида рўй бериши мумкин бўлган ўзгаришлар экспертиза тайинлаш ҳақидаги қарорда ёки бошқа ҳужжатларда батафсил ёзилади. Сабаби, бу ўзгаришлар муҳим, баъзан ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

Ашёвий далиллар ва намуналарни жўнатишга тайёрлашда, айниқса, ўта эҳтиёткор бўлиш ва диққат билан ёндошиш лозим: металл буюмларнинг текшириладиган юзалари ёки улар билан туташиб турган буюмлар (масалан, таққослаётган маҳсулотлар, металл изи бор деб тахмин қилинган кийимнинг бир қисми, кипик) алоҳида пакетларга жойланади.

Ушбу экспертизани тайинлашда тадқиқотнинг мураккаблиги ва ҳал қилинаётган масаланинг ўзига хослиги туфайли суриштирувчи, терговчи ва судьянинг эксперт билан маслаҳатлашиши мақсадга мувофиқдир.

7. Одам биоматериалларидан ташқари объектлар экспертизаси



Суд-биологик экспертизаси

Суд-биологик экспертизаси икки турга бўлинади:

а) суд-ботаник – ўсимликлар экспертизаси;

б) суд-зоологик – жониворлар билан боғлиқ бўлган объектлар экспертизаси.

Суд-ботаник экспертизаси

Суд-ботаник экспертизаси одам ўлдириш, зўрлаш, ўғрилиқ, ўт қўйиш, йўл-транспорт

воқеалари, ноқонуний табиблиқ, заҳарлаш каби жиноий ишларни кўриш жараёнида тайинланади.

Қуйидагилар ушбу экспертизанинг асосий вазифаларидир:

- ботаник объектларнинг зарраларини, изларини топиш;
- уларнинг табиатини аниқлаш;
- объектнинг қайси тур, туркумга киришини аниқлаш;
- бир неча объектларнинг маълум бир тур ва туркумга тааллуқлилигини аниқлаш мақсадида солиштириб текшириш;
- объектнинг вақтинчалиқ хусусиятлари (ёши, ривожланиш босқичи)ни аниқлаш;
- объектнинг ўзгариш сабаблари (маълум бир шароитда сақлаш, механик таъсири)ни аниқлаш.

Қуйидагилар яъни:

- ўсимлик ва унинг қисмлари (ёғочи, пўстлоғи, поялари, барглари, илдизи, уруғи, мевалари, гули),
- ўсимлик маҳсулотлари (ун), ёрма (крупa), крахмал, чой, тамаки, емхашак (пичан, сомон, силос, кунжара) суд-ботаник экспертиза объектлари жумласига киради.

Ўсимликлардан тайёрланган буюмлар (арқон, бўйра, ун, мураббо ва шу кабилар) суд-биологик экспертизаси объектларига кирмайди, чунки уларни ишлаб чиқиш технологик жараёнда биологик объектларга хос бўлган белгилар ўзгариб кетиши ёки бутунлай йўқ бўлиши мумкин. Аммо бу ҳолларда ҳам буюмнинг биологик асосини текшириш суд-биологик экспертиза вазифасига киради.

Қотиллик, ўғрилиқ, ўт қўйиш, ўрмон хўжалиқларига зарар етказиш каби жиноий ишларни фош этишда объект тариқасида да^ахт ёғочи, пўстлоғи учрайди. Уларнинг майда бўлакчалари - зарралари кўпинча жиноий ишни содир этишда фойдаланган асбоблар (арра, болта, лом)да, жабрланувчи ва гумон қилинаётган шахсларнинг кийимларида, транспорт воситаларида, бошқа буюмларда учрайди.

Эксперт ҳал этиши учун бундай ҳолларда қуйидаги саволлар қўйилиши мумкин:

Тақдим этилган буюмлар (пичоқ, арра, болта) да ёғоч ва дарахт пўстлоғи зарралари борми?

Ҳодиса жойидан олинган пичоқнинг ёғоч дастаси қандай дарахтдан ясалган?

Тақдим этилган пичокда, аррада, ломда, болтада топилган ёғоч зарралари ҳодиса содир бўлган жойдан олинган ёғоч зарралари билан дарахт ёғочининг бир тури (туркуми)га мансубми?

Автомашинадан топилган ёғоч заррачалари йўл четида ўсаётган дарахт турига мансубми?

Қотиллик, зўрлаш, ўғрилик, заҳарланиш, ноқонуний табиблик қилиш ва бошқа жиноий ишларни кўраётганда майдаланган ва ўзгарган ўтсимон ва дарахтсимон ўсимликлар баргининг зарраларини текшириш зарурати туғилади.

Бу зарралар жабрланувчи ва гумон қилинаётган шахснинг устки кийимида, транспорт воситасида, тупроқ қатламларида, ошқозонда, доривор хомашёда, ўсимликдан қолган доғларда, кўпинча, уларнинг ташқи морфологик хусусиятлари бўйича қайси ботаник турга тааллуқлилигини аниқлаш имконияти бўлмаган ҳолатда учрайди.

Экспертизага майдаланган, шакли ўзгарган барг зарраларини юборганда тергов идоралари томонидан ушбу барг зарралари ўсимликнинг қайси тури ва туркумига мансублигини аниқлаш вазифаси қўйилиши мумкин.

Иш материалларида бундай ҳолларда, одатда зарраларни тахминан ўсимликларнинг тор маълум бир доирасига мансуб бўлиши мумкин бўлган маълумотлар келтирилади:

Топилган барг заррачаси (лари) воқеа жойидан олинган бутун ўсимлик намунаси билан бир хил тур (туркум)га мансубми?

Топилган бир неча хил барг майда зарралари бир тур (туркум)га мансубми?

Эксперт ҳал этиш учун бу вазифаларни бажаришда қуйидаги саволлар қўйилади:

Экспертизага тақдим этилган барг зарралари ўсимликларнинг қайси тури (туркуми)га мансуб?

Гумон қилинаётган шахс кийимидаги доғлар қандай ҳосил (пайдо) бўлган? Агар ўсимликдан пайдо бўлган бўлса, воқеа жойидан олинган ўсимлик турига тааллуқли бўлган ўсимликдан пайдо бўлганми?

Гумон қилинаётган шахснинг кийимидан олинган барг зарралари ва воқеа жойидан олинган ўсимлик бир тур (туркум)га тааллуқлими?

Жабрланувчининг ошқозонидан олинган барг зарралари ўсимликларнинг қайси тури (туркуми)га мансуб?

Гумон қилинаётган шахсдан мусодара қилинган модданинг таркибидаги барг (зарралари ҳамда жабрланувчи ошқозонидан олинган барг) зарралари ўсимликларнинг бир тури (туркуми)га мансубми?

Суд-ботаник экспертиза, одатда, дон-дун ўғирлаш билан боғлиқ жиноий ишларни фош этишда дон намуналарининг қайси туркумига мансублигини аниқлаш учун тайинланади.

Эксперт олдига қуйидаги саволлар қўйилади:

Тақдим этилган гумон қилинаётган шахсдан ва омиборхонадан олинган дон бир умумий манбага мансубми?

Гумон қилинаётган шахсдан ва омборхонадан олинган дон аввал битта умумий массада бўлганми?

Эксперт ихтиёрига тақдим қилинган ботаник объектларни олиб, экспертизага юборишда унинг тури (илдиз, поя, барг, гул, мева) ва хусусиятларини инобатга олиши жоиз. Шунга кўра бу вазифани бажариш учун маълум тажрибага эга бўлиш ёхуд ботаник-мутахассисни жалб қилиш мақсадга мувофиқ.

Воқеа жойини ёки ашёвий далилларни кўздан кечириш вақтида айрим вазиятларда микроҳажмдаги биологик объектларни аниқлаш имкони бир мунча чекланган. Шу сабабли объектларда биологик табиатга эга зарралар мавжудлиги тўғрисида асосли тахминлар туғилган тақдирда уларни аниқлаш ва текшириш суд экспертиза муассасасининг биолог-экспертларига топширилиши керак. Бу ҳолда ашёвий далилларни олиб қўйиш ва экспертизага йўллашда алоҳида эҳтиёткорлик талаб қилинади.

Ўсимлик илдизлари экспертизага уларга туташган поялар ва ўсимликнинг барглари билан бирга юборилади.

Ўсимликнинг пояси унинг ер устидаги вегетатив органидир. Ўт, бошоқли ўсимликлар, бута, дарахтлар пояларининг морфологик ва анатомик белгилари кескин фарқ қилади. Ашёвий далил сифатида пояларни уларнинг шохланган қисмлари ва куртаклари билан олиш мақсадга мувофиқ. Дарахт шохлари бўйича унинг анатомик тузилишини текшириш учун йиллик доиралари акс этган пўстлоғи билан кесилмалар олинади.

Ўсимлик барглари турли тузилишга эга. Экспертизага иложи борича бутун, шикастланмаган барглар йўлланиши керак. Барглар, гуллар, ўтлик ўсимликлар тоза қалин қоғоз варақлари орасига жойлаштирилиб, қозоқ чеккалари ёпишқоқ тасма (скотч) билан бириктирилади. Мевалар, янги узилган, серсув гуллар идишга жойлаштирилиб, спирт ёки шу каби консервация суюқлиги билан бостирилади ва идишнинг оғзи маҳкам беркитилади. Идишга тегишли изоҳнома илова қилинади.

Биологик объектлар хоссалари барқарор эмаслиги сабабли уларнинг хусусиятлари вақт ўтиши билан жиддий ўзгариши мумкин. Бу ҳолат экспертиза имкониятларини кескин пасайтиради. Шунинг учун биологик объектларни экспертизага мумкин қадар қисқа муддатларда йўллаш керак.

Экспертизага материалларни тайёрлашда таққослаб текшириш учун намуналарни танлаш алоҳида ўрин эгаллайди. Ҳар бир намуна бошқа-бошқа ўралиб, экспертизага йўлланиши керак.

Суд-ботаник экспертизаси учун воқеа содир бўлган ёки терговни қизиқтираётган жойни кўздан кечириш баённомаси тўлиқ ва батафсил бўлиши керак. Баённомада жойнинг хусусиятлари, масалан, яланглик, бутазор, дала, ўрмон, бу ердаги ўсимликларнинг тури кўрсатилиши тавсия этилади. Бу ҳолатлар экспертга аҳамиятли изларни танлаш, уларни баҳолаш ва содир этилган жиноят билан сабабий боғланишини аниқлашга ёрдам беради.

Масалан, дон-дунни суд-ботаник экспертизасини самарали ўтказиш учун тадқиқот материалларини тайёрлаш тартибига қатъий риоя қилиш алоҳида аҳамиятга эга.

Жумладан, агар дон-дун ўғирланган жой аниқланган бўлса, намуналар айнан шу жойнинг ўзидан олиниши керак. Ўғирлик содир этилган жой номаълум бўлган вазиятларда дон-дун намуналари турли жойлардан олинади. Агар ўғирланган дон-дун қопларда сақланаётган бўлса, намуналарни ҳар бир қопдан олиш зарур.

Ашёвий далил бўлган дон-дунларни таққослаб текшириш ҳар бир олинган намуна билан алоҳида амалга оширилади.

Экспертга дон-дун намуналаридан ташқари қуйидагилар ҳам тақдим қилиниши керак:

- дон-дун намуналарини олиб қўйиш тўғрисидаги баённома;
- олинган дон-дун намуналари ўсимликнинг қайси навига тааллуқлилиги ҳақидаги расмий маълумотнома;
- дон-дунни сақлаш шароитлари тўғрисида маълумотлар (қаерда, қандай муддат мобайнида, бошқа ўсимликлар билан биргаликда ёки алоҳида ва ҳ.к.);
- дон-дунни йиғиб олиш усули ва вақти ҳамда унга кейинчалик берилган ишлов ва ушбу ишлов берилган муддати ҳақидаги маълумотлар.

Суд-зоологик экспертизаси



Қотиллик, зўрлаш, транспорт босиб кетиши, ўғирлик, жониворларни ноқонуний йўл билан ўлдириш, уй жониворларини ўғирлаш, тери, юнг маҳсулотларини ўғирлаш ва шу каби жиноий ишлар қўрилаётганда ҳайвонлар жуни тез-тез суд-биологик экспертизаси объектлари тариқасида учраб туради.

Қуйидагилар: асал, ҳайвонлар танасидан чиққан юнг ва териси, паррандаларнинг (қушларнинг) пари ва патлари, балиқ тангачалари, ҳайвонлар ахлати суд-зоологик экспертиза объектлари жумласига киради.

Объектларнинг турига қараб, суд-зоологик экспертизаси ўз ўрнида қуйидаги турларга бўлинади: суд-орнитологик (қушларга тегишли объектларни текшириш), суд-ихтиологик (балиқларга тегишли объектларни текшириш), хусусан суд-зоологик (жонивор ва ҳашаротларга тегишли объектларни текшириш).

Экспертиза амалиётида кўпинча суд-зоологик экспертизаси тайинлаш зарурати туғилади. Экспертизага одатда алоҳида соч толалари, жун, мўйна бўлақлари келтирилади. Бу объектларни текшириш орқали классификацион (туркумлаш), диагностик (ҳолатларни аниқлаш) вазифаларни ҳал этиш мумкин.

Экспертиза ечимига қуйидаги саволлар қўйилади:

- тақдим қилинган кийим (автомашинанинг юк хонаси, сумка ёки бошқа жой)да ҳайвонларнинг соч толалари борми?
- топилган объект қандай ҳайвон юнги (жуни, сочи)?

- топилган юнг (соч) қайси жониворга тегишли?
- агар бу юнг жониворники бўлса, у ҳолда жониворларнинг қайси тури (уруғдош, оиладошлари)га мансуб?
- текширилган юнглари (жун) жониворларнинг бир тури (уруғдош, оиладошлари)га мансубми?
- юнг маълум бир жониворникими (от, қўй, эшак) ёки юнгли буюмга (ондатрадан кулоқчин, қўй терисидан шуба) тааллуқлими?
- тақдим қилинган мўйна бўлагининг ранги табиийми ёки бўялганми?
- воқеа жойидан олинган юнг намуналари ва гумонланувчининг уйдан топилган юнг бир турдошми (бир гуруҳга тааллуқлими)?

Эксперт олдиға ҳал этиш учун қўйилган саволларни самарали ечиш текширишға тақдим этилган юнг (соч) толаларнинг сони ва ҳолатиға боғлиқ.

Суд-зоологик экспертизасиға уй паррандаларини ўғирлаш, қушларни отиш билан боғлиқ бўлган жиноий ишлар кўрилганда пат ва пар тақдим этилиши мумкин. Бу объектларни ҳам, бошқа суд-биологик объектлари каби, текширишдан мақсад – уларнинг қайси таксономик турға мансублигини аниқлашдир.

Бу каби объектлар текшириляётганда экспертизаға ҳал этиш учун қуйидаги саволлар қўйилиши мумкин:

- экспертизаға тақдим этилган объект парранда пати ва парими?
- агар бу объектлар парранда пари ва патлари бўлса, қайси паррандаға мансуб?
- экспертизаға тақдим этилган пар ва патлар бўлакчалари паррандаларнинг қайси бир тури, оиладошиға мансуб?
- экспертизаға тақдим этилган пар билан пат паррандаларнинг бир туриға мансубми?
- текширилган пар ва патлар намунаға олинган пар ва патлар билан бир хилми?
- текширилган пар ва патлар маълум бир туркум паррандасиға мансубми?

Юқорида келтирилган вазифаларни ушбу объектлар ўзига хос маълум хусусиятларға эға бўлган тақдирдагиға бажариш мумкин.

Суд-зоологик экспертизасиға текшириш учун балиқ тангачалари ҳам келиши мумкин.

Бундай ҳолларда саволлар қуйидагича бўлади:

- тақдим этилган ушбу объектлар балиқ тангачаларими?
- тақдим этилган балиқ тангачалари балиқларнинг қайси тури (оиласиға) га мансуб?
- тақдим этилган балиқ тангачалари маълум бир турдаги балиқларға мансубми?

Жониворлар териси, қайта ишловнинг барча боскичидан ўтган ва тайёр маҳсулот ҳолида тери бўлаклари экспертизаға тақдим этилган бўлиши мумкин.

Эксперт ҳал этиши учун бундай ҳолларда қуйидаги саволлар қўйилиши мумкин:

- экспертизаға тақдим этилган бўлакчалар терими, агар тери бўлса жониворларнинг қайси туриға мансуб?

– экспертизага тақдим этилган буюмлар (тўппонча қини, пичоқ қини, камар, қўлқоп) табиий теридан тайёрланганми ёки сунъий териданми?

– экспертизага тақдим этилган теридан тайёрланган буюм қайси тур жониворларга мансуб?

– таққосланаётган теридан қилинган буюмлар жониворларнинг бир турига мансубми ёки бир неча тургами?

Экспертиза вазифаларининг самарали ҳал бўлиши суриштирувчи, терговчи ва судья томонидан материалларни текширишга нечоғлик мукамал расмийлаштиришига боғлиқ. Материалларни суд-зоологик экспертизага тайёрлаш қоидалари уларни олиб қўйиш, ўраш ва ашёвий далиллар билан муомала қилиш хусусиятлари билан белгиланади.

Экспертизага юбориладиган ҳар бир объект алоҳида ўралиши ва унга тегишли изоҳнома тузилиши шарт. Экспертизага тўлиқ, шикастланмаган объект йўлланиши мақсадга мувофиқ. Агар бунинг иложи бўлмаса объектни ҳамма хусусиятларини ифодаловчи намуналар олиниши керак. Масалан, мўйнанинг 5-6 та жойидан камида 10-15 соч толаси олинади, ёки молнинг биқинлари, орқаси, қорни, оёғи, думи ва бош томонидан намуналар олинади. Ҳар бир намуна алоҳида ўралади.

Айрим биологик объектлар (масалан, ҳўл юнг) чириб кетмаслиги учун аввал куёш нурлари остида қуритилади.

Текширув объекти тирик майда жониворлар – ҳашаротлар, қуртлар ва шу кабилар бўлса, улар оғзи маҳкам беркитиладиган шиша ёки темир идишга жойланади. Бунда олиб қўйиш тўғрисидаги баённомада жонивор тирик бўлганлиги кўрсатилиши керак.

Экспертиза самарасига нафақат объектнинг сифати, балки экспертиза учун аҳамиятли бўлган маълумотларни тақдим қилиниши билан ҳам белгиланади. Бундай маълумотлар қаторига текшириладиган объектнинг олиб қўйиш вақти, сақлаш шароитлари ва муддатлари, об-ҳаво ҳақидаги маълумотлар киради.

8. Одам ДНКси суд-биологик экспертизаси



Ўз таркибида ДНК (дизоксирибонуклеин кислота) молекулаларини сақлайдиган ҳар қандай одам биологик материаллари, жумладан, ашёвий далиллардаги тана ажратмалари (қон, сперма, сўлак, тер-ёғ) доғлари ҳамда соч, тўқима, амниотик суюқлик, хорион тўқимаси, тиш, аборт қилинган материал, мурда объектлари: суяклар ва суяк фрагментлари, юмшоқ тўқималар ва бошқалар одам ДНКси суд-

биологик экспертизаси объектлари бўлиб ҳисобланади.

Одам ДНКси суд-биологик экспертизасининг предмети - бу замонавий молекуляр генетик услубларни қўллаб одамнинг биологик объектларини тадқиқот қилиш йўли билан иш учун аҳамиятли бўлган маълумотларни аниқлашдир.

ДНК экспертизасини тайинлаш асослари:

1) жиноят содир қилган ва тергов идораларидан яшириниб юрган шахси номаълум айбдорни аниқлаш учун;

2) ўзининг шахси тўғрисида маълумот бермаётган ёки нотўғри маълумотлар бериб, тергов идораларини чалғитаётган гумондор сифатида ушланган гумон қилинувчининг шахсини аниқлаш учун;

3) низоли оталик ёки оналик ёхуд қариндошлик масаласини ҳал этиш учун;

4) ДНК маълумотлар базасида мавжуд бўлган генотиплар билан солиштириш учун.

Оғир ва ўта оғир жиноий ишлар бўйича ДНК экспертизаси учун воқеа жойидан олинган ашёвий далил (қон, сперма, сўлак, тер-ёғ ажратмалари, соч, тўқима, орган, тана қисмлари ва бошқа ўзида ДНК тутувчи биоматериаллар) билан бирга гумондаги шахс(лар)нинг солиштирма қон намуналари тақдим этилади. Гумондаги шахс қон намунаси бўлмаган тақдирда шу шахснинг яқин қариндошлари (отаси, онаси, ака-ука, опа-сингиллари)нинг солиштирма намуналари тақдим этилади.

Фуқаролик ишларида биологик оталикни аниқлаш учун боланинг, унинг биологик онаси ва шубҳадаги (гумондаги) ота(лар) ҳамда гумондаги қариндошлар (бобо, буви, ака-ука, сингил ва ҳ.з) солиштирма қон ёки сўлак намуналари тақдим этилади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда тирик шахслардан солиштирма намуна сифатида қон ёки сўлак намунаси тақдим этилади.

ДНК экспертизасини ўтказиш дунёдаги санокли бир нечта компаниялар томонидан ишлаб чиқариладиган қимматбаҳо махсус реактив ва кимёвий моддаларни сарфлашни тақозо этади («*Fundamentals of Forensic DNA Typing*», *John M. Butler, 1th Edition, UK, «Academic Press», 2009.*). Хусусан, ҳозирги кунда битта намунанинг эксперт текширувини ўтказиш учун тахминан 40-100АҚШ доллари

микдоридаги қийматга эга бўлган ва фақатгина чет эл валютаси ҳисобига келтириладиган махсус реагентлар сарфланади. ДНК тадқиқотлари қимматлиги ва битта экспертиза тадқиқотларини ўтказиш қиймати текшириладиган объектларнинг умумий сонига боғлиқлигини ҳисобга олган ҳолда, ДНК экспертизасини тайинлаётган терговчи (суриштирувчи, судья) тегишли тергов ҳаракатларини ўтказиш йўли билан имкони борича гумондаги шахсларнинг доирасини камайтириш чораларини кўриши ва текширилиши зарур бўлган объектларни, асосий шубҳадаги шахсларни танлаши лозим бўлади. Биттадан ортиқ биологик объектлар мавжуд ашёвий далиллар (масалан, ашёвий далилдаги кўплаб қон излари) экспертизага тақдим қилинганда эксперт олдига қўйиладиган саволларда айнан қайси объектни текшириш лозимлиги кўрсатилиши шарт.

Баъзи ҳолатларда, яъни, текширувга тақдим қилинаётган биологик материал (сигарета қолдиғи, тирноқ ости биоматериали, номаълум мурда тана қолдиғи) одамдан келиб чиққанлиги аниқ бўлсагина тўғридан-тўғри молекуляр генетик тадқиқотларни ўтказиш мақсадга мувофиқдир. Лекин, биологик материалнинг одамга тегишли эканлиги ноаниқ бўлса, аввал серологик тадқиқотлар орқали тур ва гуруҳ мансублиги масаласини аниқлаш лозим бўлади.

Тергов жараёнида бирламчи ўтказилган суд-биологик экспертиза натижаларига кўра, текширилган биологик излар одамдан келиб чиқмаганлиги ёки шубҳадаги шахслардан келиб чиқмаганлиги (масалан, воқеа жойидан олинган биологик излар қон гуруҳи бўйича шубҳадаги шахс қон гуруҳи билан турлича бўлса) аниқланса, ДНК экспертизасини тайинлаш зарур бўлмайди.

ДНК экспертизаси ўтказиш учун қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

1. ДНК экспертизаси ўтказишни тайинлаш тўғрисидаги қарор;
2. Воқеа жойини кўздан кечириш, ашёвий далилларни олиш ҳамда солиштирма намуналарни олиш тўғрисидаги баённомалар нусхаси;
3. Экспертиза текшируви учун намуна олиш тўғрисида қарор ва баённома нусхаси;
4. Ашёвий далиллар – биологик материаллар ва экспертиза текшируви учун намуналар ҳар бири алоҳида ўралган, муҳрланган ва тегишли ёзувлар қайд этилган ҳолда бўлиши шарт;
5. Суд тиббий ва суд биология экспертизаси хулосаси(лари) нусхаси.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 180-моддаси талаблари бўйича ДНК экспертизаси ўтказишни тайинлаш тўғрисидаги қарорда содир этилган жиноятнинг тафсилотлари ва вақти, гумон қилувчи ёки айбланувчилар ҳақидаги маълумотлар ва уларнинг айбдорлигини тасдиқловчи далиллар, мазкур экспертиза ўтказилишини тайинлаш учун асос бўлган алоҳида (масалан, номусга тегиш жиноятининг бир ёки бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилганлиги, бир нечта қасддан одам ўлдириш жиноятининг бир ёки бир гуруҳ шахслар томонидан содир этилганлиги, жиноят содир этилган вақтдан сўнг ашёвий далиллар олиншига қадар ўтган вақт ҳамда уларнинг қаерда, қандай сақланганлиги ва бошқа ҳолатлар) сабаблар, экспертиза текшируви учун тақдим этилаётган ашёвий далиллар ва намуналар, уларнинг қачон, қаерда ва қайси ҳолатда топилганлиги ва олинганлиги, дастлаб ўтказилган суд биология экспертизасининг хулосаси, эксперт олдига ҳал

этиш учун қўйилган саволлар, экспертиза муассасасининг номи, экспертизани ва солиштирма намуна олиш жараёнини ўтказишлик кимга топширилганлиги ва бошқа керакли маълумотлар кўрсатилиб ўтилиши шарт.

Агар ашёвий далилдаги биологик материал суд-биологик экспертиза тадқиқотлари давомида бутунлай ишлатилиб юборилиши эҳтимоли мавжуд бўлса (мисол учун, воқеа жойидан олинган ашёвий далилда кичик ўлчамдаги қон доғи, бир дона тирноқ ости биоматериали, соч толаси ва ҳ.з), у ҳолда экспертизани тайинлаш ҳақидаги қарорда (ажрим) ушбу ҳолат баён этилиб, биологик материал бутунлай ишлатилиб юборилишига суриштирувчи, терговчи ва судьянинг розилиги қайд этилиши зарур бўлади.

Фуқаролик ишлари бўйича экспертиза ҳаражатлари эксперт тадқиқотлари бошланишидан олдин тўланиши Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик-процессуал кодексининг 132-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорларида қайд этилган. Экспертиза ҳаражатлари тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхасини экспертиза муассасасига тақдим қилинади.

Келтирилган тартибга риоя этиш мажбурий характердадир. Бу белгиланган қоидаларга риоя қилмаслик ДНК экспертизаси ўтказишни тайинлаш тўғрисидаги қарорни ижро этмасдан қайтариб юбориш учун асос бўлади.

Одам ДНКси суд-биологик экспертизаси қуйидаги саволларни ҳал этади:

- номаълум жасад қолдиқларини идентификация қилиш;
- қон, сперма, сўлак, соч, тўқималар, органлар, тана бўлаклари ва бошқаларни маълум бир шахсга тегишлилигини аниқлаш;
- қон, сперма, сўлак, соч, тўқималар, органлар, тана бўлаклари ва бошқаларни бир ёки бир неча шахсга тегишлилигини аниқлаш;
- боланинг биологик ота-онасини аниқлаш;
- ота ёки она насли бўйича яқин ёки узоқ қариндошликни аниқлаш;
- биологик эгизакларни аниқлаш;
- биологик изларнинг жинс мансублигини аниқлаш;
- одам ДНКси генотипини аниқлаш ва «ДНК маълумотлар базасини» шакллантириш (жиноятларни тергов қилишда шу генотиплардан кейинги идентификация қилиш мақсадида фойдаланиш учун);
- тақдим қилинган биологик материаллар генотипларини «ДНК маълумотлар базаси»да мавжуд генотиплар билан солиштириш йўли орқали идентификацион ва диагностик масалаларини ҳал этиш;
- тақдим қилинган биологик материаллар гаплотипларини «ДНК маълумотлар базаси»да мавжуд гаплотиплар билан солиштириш йўли орқали ота авлод бўйича диагностик масалаларини ҳал этиш.

Биологик оталик (оналик) эҳтимолик даражасини ҳисоблаб, қатъий хулоса бериш учун уч шахс – ота, она ва бола биологик намуналари тақдим қилиниши шарт. Шахси аниқланмаган мурда ёки унинг тана қисмларини яқин қариндошлари орқали идентификация қилишда, тахмин этилаётган шахс ота-онаси ёхуд унинг биологик фарзандлари ва ушбу фарзандларнинг биологик онаси (отаси) солиштирма намуналари тақдим этилиши шарт. Шахси аниқланмаган эркак жинсидаги мурда топилганда тахмин этилаётган шахс яқин қариндошлари (ота-

онаси, фарзанди, ака-укаси...) бўлмаган ҳолатларда ота авлод бўйича яқин қариндошлари солиштирма намуналари тақдим этилиши мумкин.

Одам ДНКси суд-биологик экспертизасига қўйиладиган саволлар қўйидагилардир:

– Р.А. шимидан топилган қон доғлари одам ДНКси суд-биологик экспертизаси тадқиқотлари учун яроқлими?

– Р.А. шимида топилган қон доғлари қандай жинсли шахсдан келиб чиққан?

– Р.А. шимидан топилган қон доғи Р.А.дан, Т.А. дан ёки бошқа шахсдан келиб чиққанми?

– Р.А. шимидан топилган қон бир ёки бир неча шахслардан келиб чиққанми?

– Экспертизага тақдим этилган суртмадаги маний (сперма) доғи бир ёки бир неча шахслардан келиб чиққанми?

– Р.А. шимидан топилган маний (сперма) доғи Р.А.дан, Т.А. дан ёки бошқа шахсдан келиб чиққанми?

– Экспертизага тақдим этилган бўлақларга бўлинган одам танаси қисмлари; калла суяги, тана қисми, оёқ суяқлари битта мурдага ёки бир неча мурдаларга тегишлими?

– Экспертизага тақдим этилган бўлақларга бўлинган одам танаси қисмлари: калла суяги, тана қисми, оёқ суяқлари тегишли бўлган шахс Г.А. ва Т.А.нинг биологик фарзанди?

– Экспертизага тақдим этилган Чирчиқ дарёси қирғоғида топилган калла суяги 1976 йилда туғилган А.Т., 1978 йилда туғилган К.С.ларнинг биологик отасига (онасига) тегишлими?

– С.А. 2002 йил 15 майда туғилган И.С.нинг биологик онасими?

– У.А. 2002 йил 15 майда туғилган И.С.нинг биологик отасими?

– С.А. ва У.А.лар 2002 йил 15 майда туғилган И.С.нинг биологик ота-онасими?

Одам ДНКси суд-биологик экспертизаси учун тақдим этиладиган ашёвий далилларни олиш, жўнатиш ва расмийлаштириш қоидалари.

ДНК экспертизасини ўтказиш технологияси ўта сезгир ҳисобланади. Шунинг учун ҳам воқеа содир бўлган жойдан биологик материални текшириб қўриш учун ҳамда солиштирма намуна олишда фойдаланиладиган асбоблар: қайчилар, хирургик қисқич, скальпель, пичоқ ва бошқалар ҳар бир объектни олишдан олдин тиббий спирт ёрдамида тозаланиши лозим. Бунда ишлов берилгандан сўнг тегишли жиҳоз юзасидан тиббий спирт буғланиб кетгунга қадар кутиб турилади, сўнг ундан фойдаланиш мумкин бўлади. Олинаётган биологик материалга «бегона ДНК» ўтиб қолишининг олдини олиш мақсадида йўталиш ёки аксириш мутлоқ ман этилади. Шу сабабдан суриштирувчи, терговчи ва судья томонидан ашёвий далилларни олиш жараёнида анти контаминацион (ўзга шахслар биологик намуналари билан кирланишини олдини олиш) чораларга риоя қилиш жуда муҳимдир. Воқеа жойини кузатиш жараёнида фаолияти намуна олиш билан боғлиқ тергов гуруҳи аъзоси стерил қўлқоп, тиббий ниқоб, оёқ кийимга бахилла кийиб кириши лозим.

Қон, маний, сўлак, ёғ-тер каби биологик материал излари мавжуд бўлган ашёвий далиллар, масалан пичоқ, кийим, чойшаб ва ҳ.к. бутунлигича олиниши лозим. Агар ашёвий далил нам ҳолатда бўлса, уни олдин хона ҳароратида қуришиб қуруқ ҳолда тоза қоғозда ўралиб, тадқиқот учун экспертиза муассасасига юборилади.

Агар ашёвий далил катта бўлиб (масалан гилам, кўрпача) ва уни бутунлигича олиш имконияти бўлмаса, у ҳолатда биологик материал (из) бўлган соҳа бўлаги олиниши керак. Агар буларнинг ҳар иккаласини ҳам олиш имконияти бўлмаса, бу ҳолда биологик материал қириб олиниши (қиринди) ёки биологик материалдан стерил дока тампонга суртма олиниши зарур.

Биологик издан қиринди олиш қуйидаги тартибда амалга оширилади: биологик материални қириб олиш «Терговчининг криминалистика комплекти»даги скальпель ёрдамида бажарилиши мумкин. Скальпель соҳаси дезинфекцияловчи модда билан ишлов берилгандан сўнг биологик издан қиринди олинади. Қиринди алоҳида тоза қоғоз бўлагига ёки конвертга солиниб қадоқланиши, процессуал тартибга риоя қилган ҳолда тергов органи муҳри билан муҳрланиши, қадоқ қоғозига тегишли ёзувлар киритилиши тергов ҳаракати иштирокчилари томонидан имзоланиши керак.

Биологик издан суртма олиш учун тоза бинт бўлагидан қиркма олиндиб, дистилланган сув ёки физиологик эритма билан намланади. Сўнг биологик материал изи мавжуд бўлган соҳасига бир неча бор ботирилиб олинади. Суртма алоҳида тоза қоғоз бўлагига ёки конвертга солиниб қадоқланиши, процессуал тартибга риоя қилган ҳолда тергов органи муҳри билан муҳрланиши, қадоқ қоғозига тегишли ёзувлар киритилиши тергов ҳаракати иштирокчилари томонидан имзоланиши керак.

Шахси номаълум скелетланган мурда ёки тана қолдиқлари топилган бўлса, ДНК экспертизаси учун биринчи навбатда чириш жараёнига учрамаган мушак тўқимаси ёки найсимон суякларидан (қўл ва оёқ суяклари) намуна тақдим этиш мақсадга мувофиқ бўлади. Мурда суяк намуналари чириш жараёнига учраган юмшоқ тўқима ва пайлари тозаланган ҳолда тақдим этилиши керак. Мушак ва суяк намуналарини алоҳида тоза қоғоз бўлагига ёки конвертга солиниб қадоқланиши, процессуал тартибга риоя қилган ҳолда тергов органи муҳри билан муҳрланиши, қадоқ қоғозига тегишли ёзувлар киритилиши тергов ҳаракати иштирокчилари томонидан имзоланиши керак.

Аъзолар тўқималари (тери, суяк, мускул, ички аъзолар тўқималари ҳужайралари ва бошқалар) бузилишига олиб келадиган консервантларда (формалин ва бошқалар) сақланмасдан, фрагментлар, бўлақлар ва қисмлар кўринишида музлатилган ҳолда тақдим этилиши керак.

ДНК экспертизасини ўтказиш учун тақдим қилинган қон, сўлак, сперма, тер-ёғ, соч, тирноқ ости материали, қиринди ва суртма ҳаво ўтказадиган қадоқловчи материалга ўралиши керак. *Уларни ҳаво ўтказмайдиган полиэтилен пакетлар ва идишларга солиб қадоқлаш қаттиъян ман этилади!* Нам ҳолатдаги кийим-кечаклар қурилганидан кейингина алоҳида-алоҳида ҳаво ўтказувчи қадоқ материалга ўралиши лозим бўлади.

Ашёвий далилларда мавжуд бўлган доғлар атрофини бўёк билан ўраб чизиш, турли қоғозлар билан елимлаш ҳам ман этилади. Бундай ҳаракатлар ашёвий далиллардаги биологик изнинг йўқолиб кетишига ёки умуман натижа олинмаслигига сабаб бўлиши мумкин.

ДНК экспертизаси учун олинган суюқ ҳолатдаги объектлар +4°C ҳароратда сақланиши лозим. Биологик материал доғлари мавжуд ашёвий далилларни нам ёки иссиқлик манбалари олдида (иссиқлик батареялари, газ ва электр плиталари), қуёш нурлари тўғридан-тўғри тушадиган жойларда сақлаш мумкин эмас.

Бу ўринда узоқ вақт ўтиши билан биологик материаллардаги ДНК ўзининг алоҳида хусусиятларини йўқотиши мумкинлиги (масалан соч илдиз қисми қуриши) асло эътибордан четда қолмаслиги керак. Шунинг учун ҳам бу турдаги экспертизани терговнинг дастлабки кунлариданоқ қисқа вақт ичида тайинлаш тавсия қилинади.

ДНК экспертизаси учун солиштирма қон (сўлак) намуналари бир неча қатламли стерил докага ёки махсус нуклеин картага олинади. Қон олиш жараёнида бир марта ишлатиладиган стерил игна (скарификатор)дан фойдаланилади. Бунинг учун жабрланувчи, гумонланувчи шахслар қўл бармоқларини стерил игна (скарификатор) ёрдамида тешиб, стерил бинтдан тайёрланган бир неча қатламли тампонга 3x4 см диаметрли доғ ҳосил бўлгунча олинади. Намуна олинган дока тампон тоза қоғоз конвертга қадоқланади ва процессуал тартибга риоя қилган ҳолда муҳрланиб, қадоқ қоғозига тегишли ёзувлар киритилиб, тергов ҳаракати иштирокчилари томонидан имзоланиб, тергов органи муҳри билан тасдиқланади. Қон намунаси олинандиган боланинг ёши чекланмаган. Донорнинг соғлиғи ва овқатланиш тартибига ҳеч қандай талаблар қўйилмайди.

ДНК экспертизасини ўтказиш учун мурдадан ёки жабрланувчи, гумонланувчи шахслар венасидан қон олинганда, суюқ қонга гепарин моддасини қўшиб тақдим этилиши тавсия этилмайди. Қон стерил докали тампонга 3-4 см доғ ҳосил бўлгунча қуйилади, қоғоз конверти ёки қоғоз пакетларга солиб қадоқланади ва хона ҳароратида алоҳида-алоҳида ёйилган ҳолатда қурилади. Қон намуналарини тампонга жуда кўп шимдирилиши мумкин эмас, чунки биологик материал қанча кўп бўлса уни қуриши қийинлашиб, чириш жараёни кетиши мумкин. Намуналарни полиэтилен пакетга солиш ёки уларни суюқ ҳолатда сақлаш мумкин эмас! Солиштирма намуна сифатида буккал эпителийси (сўлак) намунаси тақдим этилиши ҳам мумкин.

Ҳозирги вақтда солиштирма қон ва сўлак намуналарини докали тампонлардан ташқари махсус намуна олиш ва сақлаш учун мўлжалланган *FTA-карталар, стерил коллекторларда* ҳам олиниши мумкин. Бундай мосламаларда узоқ муддат давомида биологик материални ДНК экспертизаси учун яроқли ҳолатда сақланиши таъминланади.

Солиштирма қон намуналарини олиш суд ажрими ёки қарорга асосан тўғридан-тўғри суд экспертиза муассасасида ўтказилиши мумкин. Бунда қарор ёки ажримда намуна олиш жараёни суд экспертиза муассасаси мутахассисига топширилиши аниқ кўрсатилиши зарур бўлади. Намуналар олиниши лозим бўлган шахслар ҳужжатлари (паспорт ёки туғилганлик ҳақида гувоҳнома) нусхасини

тақдим этади ва ваколатланган шахс (терговчи, суриштирувчи) томонидан бу ҳақида тегишли баённома тузилади. Экспертиза тайинлаган органнинг талабига кўра, текширилаётган шахслардан солиштирама намуналар олиш суд экспертиза муассасаларидан ташқари, бошқа тиббий муассасаларда ҳам олиниши мумкин. Бунда ҳар бир объект алоҳида-алоҳида тоза қоғоз конвертларга солинади. Намуна олинганлиги тўғрисида баённома тузилади ва намуна олиш жараёни иштирокчилари имзолари билан тасдиқланади. Намуна олиш тўғрисидаги баённома нусхаси суд экспертиза муассасасига алоҳида тақдим этилади.

Тадқиқот учун тақдим қилинган ашёвий далиллар ва солиштирама намуналар бузилмаслиги учун олдиндан қуритилган ҳолда қоғоз ўрамлар ёки пакетларда ўралган ва муҳрланган бўлиши лозим. Муҳрланган ва тегишли ёзувлар билан изоҳланган ўрамлар бутунлиги бузилмаган бўлиши шарт.

9. Суд-автотехника экспертизаси



Республикада автомобиллаштириш жараёни тез ривожланаётгани йўл - ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш масаласини долзарб қилмоқда. Бу масалани ҳал қилишда ҳуқуқий механизмлар сезиларли ўрин эгаллайди. Йўл-транспорт ҳодисалари (ЙТХ) ҳолатларини белгилашда махсус билимлардан самарали фойдаланиш алоҳида аҳамиятлидир. Шунинг учун суд автотехника экспертизалар иш ҳолатларини

белгилаш ва одил судловни амалга оширишда муҳим далил воситаси ҳисобланади.

Йўл-транспорт ҳодисалари асосан қуйидаги турларга бўлинади:

- пиёдаларни уриб кетиш;
- транспорт воситаларнинг тўқнашуви;
- транспорт воситаларининг ағдарилиши;
- қўзғалмас тўсиқларни уриб кетиш;
- номеханик транспорт воситаларини уриб кетиш;
- транспорт воситаларидан йўловчиларни йиқилиши.

Транспорт воситасининг техникавий ҳолатини, воқеа содир бўлган жойдаги йўл вазиятини ва воқеа иштирокчиларининг ҳаракатини, шунингдек воқеа юз беришига сабабчи бўлган ҳолатларни белгилаб берувчи, йўл-транспорт ҳодисасининг механизми (жараёни) билан боғлиқ бўлган ҳақиқий маълумотлар автотехника экспертизаси тадқиқотининг предмети ҳисобланади.

Суд автотехника экспертизаси ўз ўрнида бир неча турга бўлинади. Ҳар бир тури ўзига хос предмети, объектлари, тадқиқот усуллари ва экспертизага тақдим қилиниши зарур бўлган материаллар тўплами билан ажралиб туради. Шуларни ҳисобга олиб, суд автотехника экспертизасининг қуйидаги турларига бўлинади:

1. Йўл-транспорт ҳодисаси механизмини математик услублар билан тадқиқ этиш экспертизаси;
2. Транспорт воситасининг техник ҳолати экспертизаси;
3. Транспорт воситаси ва йўл транспорт ҳодисаси жойидаги изларни (транспорт-трасологик) экспертизаси;
4. Автомобиль йўллари экспертизаси;
5. Транспорт баҳолаш экспертизаси.

Барча турдаги суд автотехника экспертизалари учун қуйидагилар тадқиқ қилинадиган объектлар жумласига киради:

- йўл-транспорт ҳодисаси иштирокчиси бўлган автотранспорт, электротранспорт, трактор ва бошқа ўзиюрар механизмлар (мосламалар);
- йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган йўл, дала, ҳовли, шунингдек транспорт ҳаракатладиган бошқа жойлар;

– йўл-транспорт ҳодисаси билан боғлиқ бўлган ашёвий далиллар ва жиной иш хужжатлари (материаллари).

Автотехника соҳасидаги экспертлар томонидан, шунингдек транспорт воситалар ва уларнинг эҳтиёт қисмларини баҳолаш экспертизаси ҳам ўтказилади. Ушбу экспертиза хусусан автотехника экспертизаси бўлмаса ҳам, уни ўтказиш учун автомобиль техникаси соҳасида билимлар салмоқли ўрин эгаллайди.

Йўл-транспорт ҳодисаси механизмини математик услублар билан тадқиқ этиш экспертизаси

Йўл-транспорт ҳодисаси механизмини математик услублар билан тадқиқ этиш экспертизаси ҳодиса жараёни ёки унинг алоҳида томонларини тадқиқ қилишга қаратилган. Ушбу экспертиза предметини йўл транспорт ҳодисасининг фактик (ҳақиқий) ҳолатлари ташкил қилади.

Йўл-транспорт ҳодисаси ҳолатлари экспертизаси вазифаларига қуйидагилар киради:

- транспорт воситаларининг ҳаракат тезликларини аниқлаш;
- транспорт воситасини тўхтатиш ва тормозланиш масофаларини аниқлаш;
- йўл-транспорт ҳодисасининг турли вақтларда транспорт воситаларининг ўзаро яқинлашиб келиш ҳолатларини аниқлаш;
- транспорт воситасининг маълум масофани босиб ўтиш учун сарфлайдиган вақтини аниқлаш;
- ҳайдовчининг йўл-транспорт ҳодисасини бартараф этиш учун охириги имконияти қолган вақтда транспорт воситаси билан ҳодисанинг иккинчи иштирокчисини ўзаро (масофа билан ифодаланувчи) ҳолатлари қандай бўлганлигини аниқлаш.

Шунингдек, йўл-транспорт ҳодисаси иштирокчиларининг ҳаракатини қуйидаги мақсадларда тадқиқ қилиш:

- мазкур вазиятда ҳаракат ҳавфсизлигининг техник талабларига ва транспортдан фойдаланиш қоидаларига мувофиқ ҳодиса иштирокчилари қандай ҳаракат қилишлари лозимлигини;
- ҳайдовчи ҳавфсизликни таъминлаш учун ушбу вазиятда қандай ҳаракат қилиши лозимлигини;
- ҳаракат учун хавф туғилганда ҳайдовчининг қандай ҳаракатлари йўл-транспорт ҳодисасини бартараф этилишига олиб келишини ва бу ҳаракатлар йўл ҳаракати қоидаларининг қайси бандларида назарда тутилганлигини;
- ҳайдовчининг йўл ҳаракати қоидаларининг тегишли талабларини бажариш учун техникавий имконияти бор-йўқлигини;
- ҳайдовчининг тергов органи томонидан аниқлаб берилган, хавфли вазият пайдо бўлган вақтда йўл-транспорт ҳодисаси олдини олиш учун техник имконияти бор-йўқлигини;
- ҳайдовчининг транспорт воситасини бошқариш бўйича ҳаракатлари билан техникавий дастлабки маълумотлар асосида ҳамда объектив қонуниятларни ҳисобга олган ҳолда келиб чиққан оқибатларнинг техник томони ўртасидаги сабабий боғланиш бор-йўқлигини.

Йўл-транспорт ҳодисаси рўй берган жойдаги вазиятни экспертиза тайинлаган идора вакили иштирокида қуйидагиларни аниқлаш мақсадида текшириш:

– транспорт воситалари ёки бошқа объектлар ҳаракатига таъсир этувчи параметр ва коэффициентларни (ишқаланиш, секинланиш, ҳаракатга қаршилиқ) қийматларини;

– йўлдаги ҳолат ва воқеа жойини кўздан кечириш натижаларига кўра ҳайдовчи ўрнидан олди ва ён-атрофни кўриш шароитини;

– йўл-транспорт ҳодисасидан олдин мавжуд бўлган йўлдаги шароитга тегишли вазиятларнинг ҳодиса келиб чиқишига сабабчи бўлганлигини ёхуд бўлиши мумкинлигини.

Шунингдек, автотехник экспертнинг ваколатига ҳаракат ҳавфсизлиги ва механик транспорт воситаларини (автомобил, трактор, электр транспорти ва бошқа ўзиюрар механизмлар)ни ишлатишга (эксплуатацияси) тегишли бўлган саволлар ҳам киради.

Йўл-транспорт ҳодисаси ҳолатлари экспертизасини ўтказиш учун йўлнинг қатнов ва ёқа қисмлари қоплами (асфальт, бетон ва ҳ.к.);

қатнов қисмининг ҳолати (қурук, хўл, лой, қор, муз ва ҳ.к.); қатнов қисми ва ёқасининг кенглиги;

йўлнинг шу жойида ҳаракат қандай ташкил этилганлиги (бир қатор, икки қатор, бир томонга ва ҳ.к.);

йўл белгилари мавжудлиги ва уларнинг жойлашиши; йўлнинг олд ва ён томонларидаги кўриниш масофалари;

транспорт воситасининг техник ҳолати (руль бошқаруви, тормоз тизими, ёритиш тизими ва ҳ.к.);

транспорт воситасининг юкланиш даражаси (енгил автомобил, мотоцикллар учун йўловчилар сони);

тормоз излари ёки транспорт воситасининг ҳаракатланишини билдирувчи излар йўқ бўлганда, унинг ҳаракат тезлиги;

транспорт воситасининг ҳаракатланишини билдирувчи излар бўлганда, уларнинг узунлиги ва транспорт воситасининг қайси қисмларидан қолдирилганлиги (масалан, тормоз, излари олди, орқа ёки ҳамма ғилдиракларидан қолган, ишқаланиш излари ён томони билан сирпаниш вақтида қолган);

ҳодиса содир бўлган нуқтанинг йўлнинг қатнов қисми четларига нисбатан жойлашган масофалари каби маълумотлар тақдим этилади.

Транспорт воситаси пиёдани очик, яъни пиёдани кўришга ҳалақит берувчи тўсиқ бўлмаган жойда уриб юборган бўлса, эксперт ихтиёрига қуйидаги маълумотлар тақдим этилади:

– ҳайдовчининг ҳаракати учун ҳавф туғилган вақт;

– ҳаракат учун ҳавф туғилгандан сўнг воқеа жойигача қанча масофани қандай тезлик билан ёки қанча вақт ичида босиб ўтганлиги;

– пиёданинг воқеа жойига қараб ҳаракатланишидан олдинги ҳаракатларининг тафсилоти;

– транспорт воситасининг воқеадан кейин тўхтагунча босиб ўтган масофаси (тормоз изи мавжуд бўлса, унинг узунлиги);

– транспорт воситасининг қайси қисми билан пиёдани урганлиги, агар олди қисмидан бошқа жойи билан урган бўлса, олди қисмидан ўша жойгача бўлган масофа;

– транспорт воситаси йўлнинг қатнов қисми четларидан қанча масофада ҳаракатланганлиги;

– агар ҳаракатдаги пиёда ҳаракат тезлигини ёки йўналишини ўзгартирган бўлса ёки тўхтаса, ҳар бир тезлик билан босиб ўтилган масофалар ҳақидаги маълумотлар бўлмаса, ҳар бир тезликда ҳаракатланган ва тўхташ вақтлари.

Пиёданинг босиб ўтган масофаси, тезлиги ёки ҳаракат вақтини аниқ билиш мақсадида, воқеа содир бўлган жойда кўрсатмаларни текшириш, тергов экспериментлари ўтказиш тавсия этилади. Бу масалада пиёдаларнинг ҳаракат тезликлари ҳақидаги жадваллар ҳақиқий маълумотларни бермаслиги мумкин. Агар пиёда тўсиқ орқасидан чиққан бўлса, юқорида айтиб ўтилган маълумотлардан ташқари қўшимча қуйидагилар керак бўлади:

– тўсиқнинг қатнов қисмига нисбатан жойлашиш, яъни қатнов қисмидан неча метр ҳамда унинг қанчасини эгаллаб турганлиги;

- тўсиқнинг ўлчамлари (баландлиги, узунлиги);

– тўсиқдан пиёданинг ҳаракат йўлигача бўлган масофа;

– тўсиқ билан транспорт воситаси ўртасидаги ён оралиқ масофа.

Пиёда қарама-қарши ҳаракатланаётган транспорт воситаси орқасидан чиқса, яна қуйидаги маълумотлар ҳам зарур бўлади:

– қарама-қарши ҳаракатланаётган транспорт воситасининг ҳаракат тезлиги;

– қарама-қарши ҳаракатланаётган транспорт воситаси йўл қатнов қисмини четларига нисбатан қандай масофада ҳаракатланганлиги;

– қарама-қарши ҳаракатланаётган транспорт воситасининг орқа қисмидан ҳаракатдаги пиёдагача бўлган масофа.

Транспорт воситасининг техник ҳолати экспертизаси

Транспорт воситасининг техник ҳолати экспертизаси предмети бўлиб йўл транспорт ҳодисасида иштирок этган транспорт воситасининг техник ҳолати тўғрисидаги фактик маълумотлар ташкил қилади. Йўл-транспорт ҳодисасида иштирок этган транспорт воситаларининг техник ҳолати аниқланиши лозим бўлган асосий қисмлари уларнинг ҳаракат хавфсизлигига таъсир қилувчи тормоз тизими, рул бошқаруви, ҳаракат қисми ва ёритиш тизимидир. Транспорт воситасининг техникавий ҳолатини аниқлашнинг ўзига хос хусусияти бевосита транспорт воситасини ёки унинг алоҳида қисмларини кўздан кечириш ва тадқиқ қилишни талаб қилади. Транспорт воситасининг техникавий ҳолатини аниқлашда ҳар доим ҳам иккинчи маротаба такрорлаш имкони бўлмаслиги мумкин, чунки кўп вазиятларда бирламчи тадқиқотлар текшириляётган қисмнинг дастлабки ҳолати ўзгаришига олиб келади.

Транспорт воситасининг техникавий ҳолатини текшириш учун қуйидаги талаблар бажарилиши керак:

– йўл-транспорт ҳодисасидан кейин қисқа вақт ичида экспертиза ўтказилиши;
– экспертиза ўтказилгунга қадар транспорт воситасининг йўл-транспорт ҳодисадан кейинги ҳолати ўзгармаслиги. Агар транспорт воситаси техникавий ҳолати айрим сабабларга кўра ўзгарса, бу ҳақида экспертга батафсил маълумот берилиши;

– тергов идораси томонидан транспорт воситасини дастлабки кўриқдан ўтказиш вақтида аниқланган маълумотларни эксперт ихтиёрига тақдим этиш;

– йўл-транспорт ҳодисаси арафасидаги ҳодисага алоқаси бўлиши мумкин ва терговга маълум бўлган ҳолатлар тўғрисида экспертга маълумот бериш;

– транспорт воситасининг алоҳида қисмларини тадқиқ қилишда уларни ечиб олиш йўллари, киритилган ўзгаришлар, хусусиятлари ҳақидаги маълумотни, фотосуратларни экспертга тақдим этиш.

Ҳар бир объект фақат автотехника эксперти томонидан эмас, балки бошқа соҳадаги эксперт томонидан ҳам тадқиқот қилиниши мумкинлигини назарда тутиш керак. Масалан, битта автомобиль автотехника эксперти томонидан техникавий ҳолатини аниқлаш бўйича текширилиши, изшунос эксперт томонидан эса, пачоқлар бўйича зарба берувчи куч йўналишини аниқлаш учун тадқиқ қилиниши мумкин. Шу сабабли, йўл-транспорт ҳодисаси бўйича тергов режаси тузилганда, транспорт воситасини тадқиқ этишни биринчи навбатда унинг ҳолатига энг кам ўзгариш киритувчи экспертизани ўтказишдан бошлаш керак.

Йўл-транспорт ҳодисасида иштирок этган транспорт воситасининг техник ҳолатини аниқлаш экспертизаси қуйидаги масалаларни ҳал этади:

– транспорт воситаси ва унинг алоҳида қисмларини (тормоз тизими, рул бошқаруви ва ҳ.к.) техник ҳолатини белгилаш (соз ёки носоз);

– транспорт воситасининг техник носозликларини ҳосил бўлиш сабабларини аниқлаш;

– транспорт воситасининг техникавий носозликлари йўл-транспорт ҳодисасига нисбатан қачон пайдо бўлганини белгилаш;

– транспорт воситасидаги носозлик йўлга чиқишдан олдин мавжуд бўлганлигини аниқлаш;

– аниқланган носозлик транспорт воситасининг умумий ҳолатига қандай таъсир этишини тадқиқ қилиш;

– аниқланган носозлик ҳамда келиб чиққан ҳодиса ўртасида сабабий боғланиш борлигини аниқлаш;

– транспорт воситасининг тадқиқ этилаётган тизимининг ишлаш кўрсаткичларини аниқлаш;

– транспорт воситасининг турини аниқлаш;

– транспорт воситасининг ишлаб чиқарилган йилини аниқлаш;

– транспорт воситасининг ВИН кодини тадқиқ этиш (яъни транспорт воситаси тўғрисида унга ишлаб чиқарувчи корхона томонидан бириктирилган VIN-рақамдан батафсил маълумот олиш (ишлаб чиқарилган мамлакат, йили, жиҳозланиши ва ҳ.к.);

– транспорт воситалари двигателларининг ҳажмини аниқлаш;

Ушбу экспертизани ўтказиш учун эксперт ихтиёрига текширилаётган транспорт воситаси ёки унинг қисми, транспорт воситасининг техник ҳолати

тўғридаги маълумотлар (техник кўриқдан ўтказилган далолатнома, транспорт воситасини таъмирлаш ҳақидаги маълумот ва ҳ.к.), йўл транспорт ҳодисасидан кейин тузилган транспорт воситасининг техник ҳолати тўғрисидаги баённома тақдим қилинади.

Суд-транспорт-изшунослик экспертизаси



Транспорт воситаларининг текширилаётган ҳодисага тегишлилиги ва ҳодисанинг умумий жараёнини тадқиқ қилиш суд-транспорт-изшунослик экспертизасининг мавзусидир.

Суд-транспорт-изшунослик экспертизаси объектларига транспорт воситаларидаги жароҳатлар, жиноий иш материаллари (ҳодиса бўйича тузилган бирламчи ҳужжатлар, айрим ҳолларда суд-тиббий экспертиза хулосалари, воқеа жойи ҳамда транспорт воситаларининг суратлари) киради.

Транспорт воситаларидаги шикастларнинг ҳосил бўлиш механизми, транспорт воситаларининг ҳодиса пайтидаги бир-бирига нисбатан ҳолатлари, тўқнашув йўл қатнов қисмининг қаерида ёки қайси томонида содир бўлганлиги, тўқнашув вақтида транспорт воситаларининг статик ёки динамик (турган ёки ҳаракатда бўлган) ҳолатини аниқлаш криминалистика ва автотехника соҳасидаги билимлар асосида амалга оширилади.

Ушбу экспертиза қуйидаги масалаларни ҳал этади:

- транспорт воситаларидаги жароҳатларнинг ҳосил бўлиш механизмини аниқлаш;
- тўқнашув вақтида транспорт воситалари бир-бирига нисбатан қандай ҳолатда бўлганлигини аниқлаш;
- тўқнашув вақтида транспорт воситаларининг бўйлама ўқлари ўзаро (бир-бирига нисбатан) қандай бурчак остида бўлганлигини аниқлаш;
- транспорт воситалари дастлаб ва кейинчалик қайси қисмлари билан тўқнашганини белгилаш;
- воқеа жойидаги изларга кўра ҳодиса қандай тарзда бошланганлигини аниқлаш;
- тўқнашув жойи йўл қатнов қисмининг қаерида бўлганлигини аниқлаш;
- тўқнашув йўл қатнов қисмининг қайси томонида содир бўлганлигини аниқлаш;
- тўқнашув вақтида транспорт воситалари йўл ўқиға нисбатан қандай бурчак остида бўлганлигини аниқлаш;
- тўқнашувгача, тўқнашув вақтида ва ундан кейин транспорт воситаларининг ҳаракат йўналишлари қандай бўлганлигини аниқлаш;
- тўқнашув вақтида транспорт воситалари ҳаракатда ёки уларнинг биттаси тўхтаб турганлигини аниқлаш.

Транспорт-изшунослик экспертизасига текшириладиган транспорт воситаси йўл-транспорт ҳодисасидан кейинги ҳолати ўзгармасдан тақдим этилиши шарт. Муайян йўл-транспорт ҳодисаси такрорланмас воқеадир, шу сабабли транспорт воситасидаги шикастлар ўзгартирилган ёки таъмирланган бўлса, ушбу экспертизанинг бир қатор масалаларини ечиш имкони бўлмайди.

Экспертиза олдига ҳал этиш учун қўйилган саволларнинг муваффақиятли ҳал этилиши тақдим этилган ҳужжатларнинг тўлиқ ва сифатли бўлишига ҳам боғлиқ. Ҳужжатларнинг тўлиқ бўлмаслиги, улардаги ўлчовларнинг бир-бирига мос келмаслиги саволни ҳал этиш имкониятини камайтиради. Шунга кўра, экспертизага тақдим этиладиган маълумотларга мос равишда ҳал этиш учун саволлар қўйилиши керак.

Транспорт-изшунослик экспертизаси олдига қўйилган саволларнинг турига қараб экспертга тақдим қилинадиган объект ва маълумотлар белгиланади. Масалан:

- транспорт воситаларидаги жароҳатларнинг ҳосил бўлишини, уларнинг бир-бирига нисбатан ҳолатларини, ҳаракатда бўлган ёки бўлмаганлигини аниқлаш масаласи транспорт воситаларидаги излар ва жароҳатларни тадқиқ қилиш ҳамда жиноий иш билан танишиб чиқиш йўли билан ҳал этилади.

- тўқнашув жойини аниқлаш учун жиноий ишдаги воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, чизмалар, фотосуратлар ва бошқа ҳужжатлардан фойдаланилади.

10. Суд-ёнғин-техникавий экспертизаси



Ёнғинларнинг асоратлари нафақат моддий жиҳатдан инсонларга зарар етказиши, балки қанчадан қанча инсонларнинг бевақт дунёдан кўз юмишига сабаб бўлаётганлигини кўрсатмоқда. Шу боис, ёнғин ҳодисаларини текшириш, улар билан боғлиқ қоидабузарлик ва жиноятларни текширишда, ушбу ҳодиса билан бевосита шуғулланувчи эксперт, суриштирувчи,

терговчи, прокурор ва судьялардан чуқур билим ва масъулият талаб қилинади.

Ёнғинни тергов қилиш жуда жиддий қийинчиликлар билан боғлиқ бўлиб, бу турдаги жиноятларни тергов қилиш ва судда кўриш жараёнида уларнинг сабабларини аниқлаш, жиноят содир этиш механизмини тиклаш, айбдор шахсларни топиш ва айбини исботлаш катта муаммолар туғдиради. Муаммоларнинг асосий сабаблари содир бўлган воқеа ҳамда жиноятчи ҳақидаги маълумотлар акс этган ашёвий далилларни кучли ёнғин ва уни ўчиришга қаратилган ҳаракатлар натижасида кескин ўзгариб кетиши, айрим ҳолларда умуман йуқолиши билан боғлиқ масалалардир. Бундай ёнғинларни текширишда суд ёнғин-техникавий экспертизасининг роли алоҳида ўрин тутди.

Суд ёнғин-техникавий экспертизаси муҳандислик-техникавий экспертизалари орасида криминалистик экспертизаларга яқин тур ҳисобланади. Буни изшунослик экспертизаси билан таққосласак, изшунослик экспертизаси тадқиқотларида ҳодиса жойида жиноятчи томонидан қолдирилган бармоқ излари, транспорт воситалари протекторининг излари тадқиқот қилинса, ёнғин-техникавий экспертизаси тадқиқотларида ёнғин жойида ёнғиннинг излари, оловнинг таъсири изларини ўрганиш орқали ёнғиннинг бошланган жойини, келиб чиқиш сабаби механизмини тиклаш мумкин бўлади.

Суд ёнғин-техникавий экспертизаси асосан классификацион ва диагностик масалаларини ечишга қаратилган.

Классификацион масалаларга, ёнғин хавфсизлиги қоидалари, ҚМ ва Қ ва шу каби меъёрий ҳужжатларнинг талаб ҳамда қоидаларининг бузилиши оқибатида содир бўлган ёнғинлар билан боғлиқ саволлар киради.

Диагностик масалаларга ёнғиннинг келиб чиқиш механизми тикланиши йўли билан аниқланадиган саволлар киради.

Суд ёнғин-техникавий экспертизасининг тадқиқот объектлари бўлиб бинолар ва қурилмаларнинг куйган ҳолатдаги ёнадиган ва қийин ёнадиган қисмлари, буюмларнинг ёнғиндан кейин қолган қолдиқлари, электр асбоб-ускуналари, электр симлари, ҳар хил техник қурилмалар, технологик жиҳозлар, иситиш асбоблари, ёнувчи ва енгил алангаланувчи суюқликларнинг излари бор бўлган ёнғин қолдиқлари, жиҳозларнинг ёнғиндан кейинги қолдиқлари, аланга олишга, ўзидан-ўзи ёнишга мойил моддалар ва материаллар, ўт олдириш мосламалари ёки

уларнинг қолдиқлари, яъни, ёнғинга алоқадор бўлган нарсалар ҳамда шароитлар (ҳолатлар) хизмат қилиши мумкин.

Ёнғиннинг келиб чиқиш сабабини аниқлаш ёнғин-техникавий экспертизасининг асосий вазифасидир. Шу билан бир қаторда, ёнғиннинг ўчоғи, ривожланиши, тарқалиш йўналиши ва бошқа бир қатор ҳолатларни аниқлаш ҳам ёнғин-техникавий экспертизаси вазифаларига киради.

Ёнғин ҳодисасини ўрганишда мураккаб тадқиқотларни ўтказиш талаб этилиши сабабли, экспертизани тайинлашдан олдин экспертиза муассасаси экспертларидан маслаҳат олиш мақсадга мувофиқдир.

Суд ёнғин-техникавий экспертизаси олдида кенг доирадаги саволлар қўйилиши мумкин. Жумладан:

– ёнғиннинг маркази (ўчоғи) аниқлансин.

– ёнғин тарқалиш йўналиши аниқлансин.

Шунингдек, ёнғинга алоқадор бўлган физик аломатларни аниқлашга қаратилган саволлар:

– тақдим этилган воқеа жойидан олинган электр симларининг уланишида носозликлар мавжудми?

- тақдим этилган воқеа жойидан олинган электр симларида қисқа туташув аломатлари мавжудми?

– тақдим этилган омборхона ичидан олинган модданинг (суюқликнинг) алангаланиш ҳарорати аниқлансин.

– тутаб ёнган тамаки маҳсулоти чўғи қолдиғининг иссиқлик қуввати ҳодиса жойидаги ёнувчи материалларни ёндиришга етарлими ёки йўқми?

– пахта толаси ёнғин рўй бериши олдида бўлган шарт-шароитларда ўзидан-ўзи (ёнғин манбаисиз) ёниб кетиши мумкинми?

– темир челак цистернага ишқаланиши натижасида учқун пайдо бўладими? Агар пайдо бўлса, ушбу учқун ёнғин чиқишига сабаб бўлиши мумкинми?

– пахта тойи пўлат боғичи ўзаро ёки вагоннинг металл қисмига ишқаланиши натижасида учқун пайдо бўладими? Агар пайдо бўлса, ушбу учқун ёнғин келиб чиқишига сабаб бўлиши мумкинми?

– қора (оқ, кулранг) рангли тутун қандай моддалар ёниш натижасида ҳосил бўлади?

Ёнғин чиқишининг бевосита сабабини аниқлаш учун қуйидаги саволлар қўйилади:

– ёнғин нефть маҳсулотларидан чиққанми?

– электр симларида қисқа туташув аломатлари бўлса, ёнғиннинг келиб чиқишига сабаб бўлганми?

– ушбу ёнғиннинг сабабчиси бир дона гугурт чўпи алангаси бўлиши мумкинми?

– ёнғиннинг бевосита келиб чиқиш сабаби аниқлансин.

Аммо, «Ёнғин бирор шахс ўт қўйиши натижасида пайдо бўлганми?» ёки «Ёнғин оловдан эҳтиётсизлик оқибатида фойдаланиш натижасида пайдо бўлганми?» каби ҳуқуқий мазмунга эга саволларни ҳал этиш экспертнинг вазифасига кирмайди.

Юқоридагилардан ташқари, *ёнғин-техникавий экспертизаси олдида қуйидаги каби саволларни қўйиш тавсия этилмайди:*

– махсус (масалан, ёнғин хавфсизлиги, электр ускуналарни ўрнатиш) қоидалар талаблари ким томонидан бузилган (бажарилмаган)?

– корхонада ёнғин хавфсизлиги учун жавобгарнинг ҳаракатларида жиноят аломатлари мавжудми?

Сўроқ йўли билан олинган ва ҳужжатларда бўладиган бу турдаги маълумотлар экспертнинг махсус билимини талаб қилмайди ва унинг ваколатига кирмайди.

Суд-ёнғин-техникавий экспертизасини ўтказиш учун, жиноят иши ёки ёнғин ишининг ҳужжатларини экспертизага тайёрлашда, экспертизага тақдим этиладиган ҳужжатлар орасида қуйидагилар бўлиши зарур:

- воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси, бунда, бинонинг ўлчамлари, қурилиш-конструкцияси, хоналарнинг қурилиши, эшик, ромларининг материали ва унинг ўрнатилиши, хонанинг ичида қандай материалларнинг бўлганлиги, электр шити ёки электр ҳисоблагичнинг ўрнатилган жойи, унга ўрнатилган сақлагачларнинг ҳолати, электр розетка, вилка ва уларга уланган (телевизор, музлатгич, кондиционер, дазмол, иситгич, ҳар хил аппаратуралар ва ҳоказо) электр юкламаларининг уланган ва жойлаштирилган жойлари, электр симларининг ҳолати, газ плитаси, иситгич, унинг тутун чиқиш йўллари кўрсатилган бўлиши ва ушбу жойда қайси жойда ёнғин кўпроқ бўлган, қайси жойида ёнғин маркази аломатлари борлигига эътибор берилиши ва ашёвий далиллар олинган жойлар кўрсатилиши зарур;

- ёнғин жойининг умумий ва электр чизмаси: ҳодиса жойининг умумий чизмасида текширилаётган объект, хонадаги бор нарсаларнинг жойлашиш тартиби, ўлчами кўрсатилади. Бинонинг хоналари ва уларнинг ўлчамлари, улар жойлашувининг жўғрофий (жануб, шимол, шарқ, ғарб) томонлари, ёнғин жойида манба бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган мосламалар кўрсатилиши зарур. Электр чизмасида электр тармоғининг устинидан тортиб, бинонинг ичи бўйлаб, электр симининг тармоқланиши ва уларга уланган электр юкламаларининг уланган жойлари кўрсатилиши зарур;

- Давлат ёнғин назорати инспекцияси комиссияси томонидан тузилган “Ёнғин ҳақда далолатнома” ҳужжати, бунда, ёнғиннинг пайқалган, хабар берилган, содир бўлган ва ўчирилган вақти, ёнғин жойига келинганда нима ёнаётган бўлганлиги, ёнғиннинг ўчирилган вақти ва тахминий сабаби кўрсатилиши зарур;

- туман электр таъминоти корхонасидан ёнғин куни, ёнғингача, электр тармоғида кучланишнинг камайиб ёки кўпайиб кетиш ҳоллари ва авария ҳолатлари бўлган ёки бўлмаганлиги тўғрисида маълумотнома;

- туман газ идорасидан ёнғин куни, ёнғингача, газнинг босими қандай бўлганлиги ва авария ҳолатлари бўлган ёки бўлмаганлиги тўғрисида маълумотнома.

- гидрометеорология хизматидан ёнғин куни, ёнғин вақтигача бўлган шамолнинг йўналиши, тезлиги, ёнғингарчилик, момақалди роқ каби табиат ҳодисаларининг бўлган ёки бўлмаганлиги тўғрисида маълумотнома;

- ёнғин жойининг фотосуратлари;
- ёнғин жойининг видеотасвири;
- ёнғинни бирламчи кўрган шахслар, гувоҳ, жабрланувчи, айбланувчининг

кўрсатмаларида, ёнғин бошланган жойи, вақти, бошланғич тутун чиққан жой ва унинг ранги, кучли ёнган жой, специфик хидлар сезилганлиги ёки йўқлиги, ёнғиннинг тарқалиши қандай кечганлиги, бирданига алангаланиш ёки портлаш бўлган бўлмаганлиги, шамолнинг йўналиши, дераза ва эшикларнинг очиқ ёки ёпиқлиги, ёнғин содир бўлиши олдидаги ҳолатлар: шу жой атрофида электр пайвандлаш, тамаки чекиш, очиқ алангадан, газ ва электр тармоғидан фойдаланиш, ўз-ўзидан ёнишга мойил ашё ва моддаларнинг сақланиши, шунингдек, электр юктамаларининг ўчган ёки уланган ҳолатда бўлганлиги каби маълумотлар бўлиши зарур.

Ёнғиннинг сабабини аниқлашда муҳим омиллардан бири, воқеа содир бўлган жойдан ашёвий далилларнинг тўғри (топилиши) танлаб олинишидир. Ёнғин содир бўлган объектларда ашёвий далиллар тергов олди ҳаракатлари жараёнида “ёнғиннинг марказини” сўроқ қилиш, мутахассисларни жалб қилиш йўли билан имкони борича аниқланиб, шу ёнғин маркази ва унинг яқинидан олиниши зарур. Шунингдек, ёнғин объектларидан олинган ашёвий далиллар яхши қадоқланган бўлиши, унинг олинган жойлари воқеа жойини кўздан кечириш баённомасида ҳамда унга илова қилинган чизмада аниқ кўрсатилиши ва бу воқеа жойидан олинган ашёвий далиллар экспертга кечиктирмасдан, ҳолати бузилмаган ҳолда тақдим этилиши зарур;

- ашёвий далилларни олиш тўғрисидаги баённомага унинг чизмаси илова қилиниши керак. Унда ашёвий далиллар олинган жойлар ҳамда шу каби иш учун аҳамиятли қисмлари кўрсатилиши лозим;

- ҳар хил электр асбоблари ва электр сими бўлаклари олинганда ёнган бинонинг электр билан таъминлаш чизмаси тақдим этилади. Унда, электр симлари ва асбобларининг тури ҳамда олинган жойи кўрсатилиши керак. Мис электр симлари олинганда уларни 50 см.дан ортиқ бўлмаслиги, ортиқча эгилиб букилмаслигига эътибор бериш лозим;

Эксперт иштирокида воқеа жойини кўздан кечириш ташкил қилиниши ва бунда ёнғин содир бўлган жой ўзгармасдан сақлаб турилган ҳолда бу ҳаракатни ўтказилиши катта аҳамиятга эга.

Ёнғин сабаблари ва ҳолатлари ҳақида хулоса бериш учун асос бўладиган белгилар турғун эмас. Масалан, ёнган ёғоч қолдиқларида нефть маҳсулотлари чекланган муддат мобайнида сақланади ва вақт ўтиши билан буғланиб йўқолиб кетади. Ёнғин содир бўлган воқеа жойи табиий факторлар таъсири ёки ёнғин оқибатларини бартараф қилиш жараёнида ўзгариб кетиши мумкин. Шунинг учун суд-ёнғин-техникавий экспертизани тайинлашни кечиктириб бўлмаслигини назарда тутишимиз лозим.

11. Суд-қурилиш-техник экспертизаси



Суд-қурилиш-техник экспертизаси судлар томонидан шахсий, умумий мулкда бўлган уй-жойларни бўлиб бериш ёки шахсий улушини ажратиб бериш, олди-сотди шартномаларини (уй-жойлар бўйича) бекор қилиш, васиятномаларни (уй-жой бўйича) бекор қилиш, никоҳни бекор қилиш ва мулкни бўлиб бериш, хонадонга сув тошириш натижасида етказилган зарарни қоплаш, бажарилмаган ишларни ёки сифатсиз бажарилган ишларни ундириш

сингари фуқаролик ишлари билан боғлиқ даъволарда тайинланади.

Суд-қурилиш-техник экспертизасида ҳал этиладиган саволлар.

Экспертиза тайинлаганда эксперт олдига қуйидаги саволлар қўйилади:

– уйнинг (дала ҳовлининг, гаражнинг) баҳоланиши тўғрими (далолатномада турар-жой инспекцияси баҳолаган вақтини кўрсатиш керак)?

– даъво қилинаётган уй-жойни, техник жиҳатдан қурилиш нормалари ва қоидаларини бузмасдан бўлиб бўладими?

– агар даъво қилинаётган уй-жойни ажратиб берилган улушларга мос қилиб бўлиб бўлмаса, техник жиҳатдан даъво қилинаётган томонга ажратиб берилган улушларга яқинроқ қилиб бўлиб бўладими?

– техник жиҳатдан бўлиниши мумкин бўлган уй-жойнинг даъво қилинаётган улушларининг баҳоси қандай?

– уй-жойни техник жиҳатдан бўлиш мумкин бўлган вариантини амалга ошириш учун қандай қайта жиҳозлаш ишлари (хоналарни, хонадонларни ажратиш-изоляция қилиш)ни олиб бориш керак?

– рухсатсиз (ўз ихтиёри билан) қурилган қурилмалардан фойдаланишнинг техник тартибини аниқлаш.

Юқорида кўрсатилган саволларни ечиш учун қуйидаги маълумотлар тақдим этилиши лозим:

– уй жойнинг инвентар ҳужжатлари, қурилмаларнинг техник таснифи ва кўрсатилган баҳоси, ҳовлининг асосий қурилмалари билан режаси;

– ҳар бир қурилманинг баҳоланиш далолатномаси (конструктив элементлари), уларнинг техник ҳолати ва ҳисобланган нархи кўрсатилиши керак;

– кўрсатилган қурилмалар лойиҳа талабларига, қурилиш меъёрларига, лойиҳалаш ва ишлар олиб бориш қоидаларига жавоб берадими?

Бу саволларни ечиш учун экспертга қуйидаги маълумотларни тақдим этиш лозим:

– уй-жойнинг инвентар ҳужжати, ер участкаси берилиши ҳақидаги қарор;

– уй-жойнинг умумий ёки ягона лойиҳаси, ер участкасида уй-жой қуриш, доимий фойдаланишга берилганлиги ҳақидаги шартнома;

- уй-жойни фойдаланишга қабул қилиш далолатномаси;
- қурилмаларнинг, хонадонларнинг режалари.

Ушбу турдаги экспертизалар жараёнида қуйидаги саволлар ҳам ҳал этилиши мумкин:

– тақдим этилган сметада қайта тиклаш ишларига (қурилмаларнинг эскирганлиги, нотўғри фойдаланганлиги ёки авария ҳодисаси рўй берганлиги сабабли) қўйилган нарх асослими?

– сметада кўрсатилган ишларнинг қайси бири тўлиқ, қайси бири майда тузатиш ишларига киради, уларнинг баҳоси қандай?

Бу саволларни ечиш учун қуйидаги маълумотларни тақдим этиш лозим:

– қурилмаларнинг (хонадонларнинг) режалари, хоналарнинг ўлчамлари, баландлиги, деразалар, эшиклар, жавонларнинг ўлчамлари ва жойланишлари билан ва ҳ.к.;

– қурилмаларнинг (хонадонлар) малакали мутахассислар (муассасалар) томонидан кўздан кечириш далолатномалари;

– таъмирлаш-қурилиш сметалари.

Уй-жойлар ички ишланишининг зарарланишидаги техник сабаблар, уй-жойларнинг намлик ва ҳарорат тартибларининг бузилишини аниқлаш бўйича саволлар:

– аниқланган камчиликларни (ҳаммасини кўрсатиш керак) ички нуқсонлар деб ҳисобласа бўладими?

– кўрсатилган камчиликларни таъмирнинг қайси тури билан тузатса бўлади?

– қурилмалардаги шароит ишлар бажарилишига зарар келтирадими?

Бу саволларга жавоб бариш учун қуйидаги маълумотлар керак:

– шикастланган жойларнинг аниқланган пайтидаги об-ҳавоси тўғрисида гидрометеорологик марказидан маълумотнома (ҳарорат, намлик, шамолнинг кучи ва ҳ.к.);

– хонадонга берилган алмашиш ордери ва ордер берилишига асос бўлган ҳужжатлар;

– хонадон, текширилиши тўғрисидаги далолатнома;

– кўздан кечириш куни иситиш тармоқлари кўрсатгичлари (ҳарорати, босими);

– иситиш тармоқлари ва хоналарнинг схема ва чизмалари.

Юқоридаги саволларга жавоб бериш учун қурилмани ёки бажарилган ишни эксперт кўздан кечириши зарур. Кўздан кечириш суд томонидан ташкиллаштирилади.

Суд қурилиш-техник экспертизаси қурилишда ишлаб чиқариш ва қабул қилиш ҳамда техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилмаслик, талон-тарож ишлари билан боғлиқ жиноятлар бўйича тайинланади.

Экспертиза тайинланганда қуйидаги саволлар қўйилиши мумкин:

– қабул қилиш далолатномаларида кўрсатилган бажарилган ишларнинг ҳажми қўшиб ёзилганлиги тўғрими?

– қабул қилиш далолатномасида кўрсатилган бажарилган ишларнинг баҳоси қўшиб ёзилганлиги тўғрими?

Бундай саволларни ечиш учун қуйидаги ҳужжатларни тақдим этиш лозим:

– назорат тафтиш далолатномаси ва моддий жавобгар шахсларнинг изоҳ хатлари;

– жамғарма тўлаган ва буюртмачи билан пудратчи тасдиқлаган бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномаси (асл нусхаси);

– комиссия моддий жавобгар шахсларнинг (айбланувчи ёки гумон қилинаётган шахс) ва пул ўтказган банкнинг ходими иштироқида ўтказган амалда бажарилган ишларнинг назорат ўлчовлари далолатномаси;

– текширилаётган қурилиш объектининг бажарилган ишлари дафтари;

– қурилиш объектининг смета ва лойиҳа ҳужжатлари;

– тадқиқот объекти бўйича режанинг бажариш ҳисоботи рўйхатлари;

– назорат ўлчов далолатномаларига йиғма ва солиштирма ахборотномалар;

– керакли оралиқ шартномалар.

Ушбу турдаги экспертизалар жараёнида қуйидаги саволлар ҳам ҳал этилиши мумкин:

– тузилган қурилиш (таъмирлаш лойиҳа-смета ҳужжатлари) техник жиҳатдан асослими ҳамда амалдаги қурилиш нормаларига ва қоидаларига мувофиқми?

– қурилиш сметалари тузилган чизмаларга тўғри келадими? Агар ишларнинг ҳажми ёки нархи кўпайтирилган бўлса, қанчага кўпайтирилган?

Бундай ҳолда қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

– лойиҳа-изланиш ишларининг рўйхатлари;

– лойиҳалар (вазифа иловаси билан), иловалар, барча боғловчи маълумотлар;

– архитекторлик-режалаштириш вазифалари;

– текширилаётган лойиҳа-смета ҳужжатлари (лойиҳа муассасасидан архив нусхаси) ва лойиҳа-смета ҳужжатлари тасдиқланишининг 6-форма бўйича баённомаси;

– қурилиш участкасининг муҳандис-геологик хулосаси;

– лойиҳа-смета ҳужжатларга корхонанинг техник экспертиза хулосаси;

– тасдиқланган йиғма смета ҳамда қурилишни бошқараётган шахслар ўртасида ишларни тақсимланиши тўғрисидаги қарордан кўчирма;

– мансабдор шахсларнинг техника хавфсизлиги талабларига риоя қилинишига жавобгарлиги ва мажбурлиги ҳақида йўриқнома.

Конструкцияларнинг бузилиши билан боғлиқ саволлар ҳал этилганда тегишли ҳужжатлардан ташқари қуйидагиларни ҳам тақдим этиш лозим:

– бажарилган ишларнинг ҳисоботи журнали;

– объектнинг лойиҳа ҳужжатлари;

– қурилиш участкасининг муҳандис-геологик хулосаси;

– мустаҳкамлик синовига материаллардан намуналар олиниши ҳақида далолатномалар ва лабораторияда конструкция материалларини текшириш натижалари (бетон, ғишт, эритма ва ҳ.к.з.);

– бузилган конструкцияларнинг ва воқеа содир бўлган жойнинг чизмалари ва фотосуратлари; – воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш далолатномаси;

– йиғма темир-бетон буюмлар ёки бошқа бузилган қурилиш материалларининг асл техник паспортлари;

– пайванд ишлари дафтари ва темир-бетон қурилмаларининг тўкнаш жойларини бетонлаш дафтари (металл ёки темир-бетон конструкциялар бузилганда).

Рўйхатда кўрсатилган савол ва ҳужжатлардан ташқари ҳам саволлар қўйилиши мумкин, чунки ҳар бир терговдаги ҳодиса ўзига ҳос вазиятларга эга бўлади. Таъкидлаш лозимки, эксперт олдига қўйилган саволлар аниқ ва тушунарли бўлиши лозим. Саволда ҳужжатнинг номи ва жинсий ишда қаерда жойлашганлиги кўрсатилиши керак. Назорат ўлчовларининг ўтказилиши эксперт вазифасига кирмайди, буни мутахассислар комиссияси моддий жавобгар шахслар иштирокида ўтказди. Натижалари амалдаги йўриқномаларга биноан расмийлаштирилади.

12. Суд-ер экспертизаси



Суд-ер экспертизаси муҳандислик-техникавий экспертизасининг кўринишларидан биридир. Суд-ер экспертиза предмети ер майдонлари чегараларини ва улардан фойдаланиш тартиби билан боғлиқ фактлар ташкил қилади.

Ушбу экспертизани ўтказиш жараёнида қуйидаги маълумотлардан

фойдаланилади:

– ер майдонларини режавий шакллари, бино, қурилмалар ва муҳандислик ер ости ва ер усти коммуникацияларнинг уларда жойлашиши, кўчадан ташқи коммуникацияларни ер майдонига олиб кирилиши, ҳудудларни ободонлаштирилиш, ер майдонида кириш-чиқиш йўлакларининг жойлашиши ва ўлчовлари;

– ер майдонларини ўзгартириш имкониятлари (бўлиш, фойдаланиш).

Суд-ер экспертизаси тадқиқот объектига ер майдонлари ва ер майдонида жойлашган бино, иншоотлар, муҳандис тармоқлари, ер майдонлари режаси, ер ажратиш режалари, ер ости ва ер усти коммуникацияларнинг режалари киради.

Айрим ҳолларда объектлар қаторига чегарадош ер ҳудудлари (қўшни ер майдонлари, кўчалар, ва х.к.) – объектлар қурилиши учун ваколатли идораларнинг ер ажратиш ҳақида қарори;

объектни қуриш шартномаси;

ер майдонининг кадастр ҳужжати;

ер майдонидан фойдаланиш ва ижара шартномаси;

ер майдонининг режаси, ер майдонини ва унда жойлашган бино иншоотлар ҳамда унга туташган кўча ҳудудларининг охириги пайтдаги топографик режа суратлари (муҳандис коммуникациялар схемаси билан) ҳам киради.

Суд-ер экспертизаси асосан қуйидаги масалаларни ҳал этади:

– ажратилган ер майдонларининг ҳақиқий ўлчамларини ер ажратиш кадастр ҳужжатларидаги ўлчамлар билан мослигини аниқлаш;

– турар жой биноларини бўлишда ер майдонларини бўлиш имкониятларини аниқлаш;

– ер майдонига эгалик қилишнинг эксперт томонидан баҳоланиши;

– турар жой биноларини бўлиб фойдаланишда ер майдонларидан бўлиб фойдаланиш тартибини белгилаш имкониятларини аниқлаш;

– турар жой биноларини бўлиб (ажратиб) «серветут» фойдаланишда ер майдонларини бўлиб (фойдаланиш тартибини аниқлаб) фойдаланиш имкониятларини аниқлаш;

– ер майдонларига қўшни ерларини қўшимча ўзлаштирилганлигини (ўзлаштирилмагани)ни аниқлаш.

Суд-ер эксперти олдига ҳал этиш учун қуйидаги саволлар қўйилиши мумкин:

– ер майдонларини томонларнинг $3/5$ ва $2/5$ улушлари (ёки бошқа улушларини кўрсатиш лозим) бўйича шартли меъёр ва қоидалар асосида бўлиш мумкинми?

– фойдаланиш тартиби белгиланган уй-жой ер майдонларини томонларнинг $2/3$ ва $1/3$ улушлари бўйича шартли меъёр ва қоидалар асосида бўлиниши аниқлансин.

– ер майдонларини яшаш уйлари ва ёрдамчи иншоатларни суд қурилиш эксперти хулосасида кўрсатилган бўлиш вариантлари ва шартли меъёр ва қоидалар асосида бўлиниши аниқлансин.

– ер майдонларини серветут белгиланиши билан (серветут - ўзганинг ер майдонидан чекланган тарзда фойдаланиш ҳуқуқи) шартли меъёр ва қоидалар асосида бўлиши мумкинми?

– ер майдонларини бўлган ҳолда улардан алоҳида кириб-чиқиш йўлаклари белгилансин.

– умумий фойдаланишда бўлган ер майдонларини шартли меъёр ва қоидалар асосида чегараланиши аниқлансин.

Суд-ер экспертизасини ўтказишда визуал кўздан кечириш услуги, лазер ўлчагич ускунаси ва рулеткалар билан ўлчаш услуги, режаларни таққослаш услубларидан фойдаланилади.

13. Суд-иқтисодий экспертизаси



Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни аниқлаш ва самарали тергов олиб бориш фақат махсус иқтисодий билимлардан фойдаланилган ҳолда амалга оширилади. Бунда хўжалик юритувчи субъект (корхона)ни нафақат молиявий хўжалик операциялари, балки ўзида иқтисодий кўрсаткичларини ифодаловчи бухгалтерия, статистика ва

тезкор ҳисоб ҳужжатлари тадқиқ қилиниши керак.

Суд-иқтисодий экспертизалар терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи, прокурор қарори ҳамда судда кўрилатган иқтисодий, маъмурий, фуқаролик ишлари ва тергов қилинаётган жиноят ишлари бўйича суднинг ажрими асосида ўтказилади.

Шунингдек, иқтисодий тадқиқотлар жисмоний ва юридик шахсларнинг аризаси, хати (шартнома) асосида ҳам мутахассис фикри сифатида бажарилади.

Суд-иқтисодий экспертизалари иқтисодиёт соҳаси бўйича махсус билимга эга бўлган, суд-иқтисодий эксперти мутахассислиги бўйича махсус тайёргарликдан ўтган, судга оид иқтисодчи-эксперти мутахассислиги малакасига эга бўлган ходимлар томонидан бажарилади. Суд-иқтисодий эксперти мутахассислиги эса Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулайманова номидаги Республика суд экспертизаси Марказининг махсус малакали экспертлар комиссияси (гурухи) томонидан берилади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 174-моддасида, жумладан, суд-иқтисодий экспертизаси фақат ихтисослашган суд экспертиза муассасаларида ўтказилиши белгиланганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз.

Бозор муносабатларини шакллантириш ва ривожлантириш шароитида иқтисодий экспертизаларга бўлган эҳтиёжнинг кескин кўпайиши иқтисодий экспертизанинг янги турларини ташкиллаштиришга олиб келди. Тергов ва суд амалиётида суд-иқтисодий экспертизанинг суд-бухгалтерия, суд-молия-кредит, суд-меҳнат иқтисоди, ташқи савдо фаолиятининг суд-иқтисодий экспертизаси, суд-режали-иқтисоди, суд статистика каби турларига бўлган талаби кучаймоқда. Суд-иқтисодий экспертизалар қуйидаги турли масалаларни ҳал этади:

- корхоналардаги молиялаштиришнинг тўғрилигини аниқлаш;
- олинган даромад миқдорини аниқлаш;
- солиқ солинадиган асосларни аниқлаш;
- иқтисодий фондларни яратилиш асосларини аниқлаш;
- меҳнат ҳақини ҳисоблашда меъёрий ҳужжатларга асосланганликни аниқлаш;
- ҳисоботларда иқтисодий кўрсаткичларни акс эттирилганлиги каби ҳолатларни тадқиқ этиш ва бошқалар.

Суд-иқтисодий экспертизанинг турларга бўлиниши иқтисодий соҳадаги жиноятларга қарши курашишда иқтисодий билимлардан ўз ўрнида самарали фойдаланиш имконини беради. Суд-иқтисодий экспертизанинг бундай синфланиши тергов ва суд идора ходимларининг иқтисодий жиноятларни очишда уларга янада чуқурроқ кириб бориш имконини беради.

Суд-бухгалтерия экспертизаси

Суд-бухгалтерия экспертизаси иқтисодий экспертизанинг энг кенг тарқалган турларидан бири бўлиб, у корхона (ташкilot), хўжаликларнинг бухгалтерия ҳужжатларидаги ҳисоб-китоб жараёнларини (операцияларини) таҳлил қилиниши, давлат, жамоа мулки талон-тарож қилинганлик ва бошқа хўжалик, мансаб жиноятларини очиш каби ҳолатларга эҳтиёж туғилганда ўтказилади.

Суд-бухгалтерия экспертизаси ҳам бошқа экспертиза турлари каби ўз предмети ва тадқиқот объектларига эгадир.

Пул маблағлари, товар моддий бойликларни ҳақиқатда бор-йўқлигини, бухгалтерия ҳисобини юритиш қоидаларини бузилиш ҳолатларини аниқлаш юзасидан бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларининг тадқиқ этиш суд-бухгалтерия экспертизасининг предмети ҳисобланади.

Суд-бухгалтерия экспертизасининг объектлари бўлиб моддий бойликларни кирим-чиқим бухгалтерия ҳужжатлари, рўйхатдан ўтказиш (инвентаризация) далолатномалари ва йиғма ҳисоб ҳужжатлари хизмат қилади, жумладан:

– дастлабки ҳужжатлар (талабномалар, моддий бойликларни бериш ҳақидаги нарядлар, банк топшириқномалари, кирим, чиқим ва касса ордерлари, маҳсулотни олиб чиқиб кетиш учун берилган рухсатномалар, транспорт ҳужжатлари, товарни рўйхатдан чиқариш далолатномалари, товарларни қайта баҳолаш, таъмирлаш объектларининг ҳисоб-китобини олиб бориш далолатномалари, тўлов қайдномалари, топшириқномалари, квитанциялари ва бошқалар);

– жамлаш ҳужжатларини (ҳисоб регистрлари ва уларга мансуб бўлган журналлар, айланма қайдномалар, ҳисобга олиш варақалари, бош китоблар, баланс ҳисоботлари, мол-мулкни руйхатдан ўтказиш далолатномалари, товар-пул маблағлари мавжудлиги ҳақидаги руйхат қайдномалари, солиштириш қайдномалари гуруҳлантириш қайдномалари, жамлаш ва гуруҳлантириш жадваллари, шахсий ҳисоблар, ордер ва бошқалар);

– автоматлаштирилган ҳисобот маълумотларини (магнитли ахборот йиғувчи диск ва тасмалар, машинограмма, табуляграммалар, механизациялашган ҳисобга ҳужжатларни топшириш ва қабул қилиш ҳақидаги журналлар, назорат рақамлар журналлари ва бошқалар).

Бундан ташқари суд-бухгалтерия экспертизаси объектлари қаторига тафтиш ва текширув далолатномалари (текширув услуби асосланганлиги ҳақида масала қўйилган тақдирда), моддий жавобгарлик юклатилган шахсларнинг тушунтириш хатлари, юқори турувчи идораларнинг қарорлари, қимматбаҳо бойликлар билан ҳаракат қилинганлиги ҳақида маълумотномалар, билдириш хатлари, баъзи бошқа экспертизаларнинг (товаршунослик, қурилиш, технологик, хатшунослик

экспертизалари) хулосалари, экспертиза қилинаётган объектга тааллуқли бўлган айбланувчиларнинг кўрсатмалари, тинтув ва олиб қўйиш баённомалари, норасмий олиб борилган ҳисоб ҳужжатлари.

Суд-бухгалтерия экспертизасининг вазифалари қуйидаги тўрт гуруҳга бўлинади:

Биринчи гуруҳ: пул маблағлари ва товар моддий бойликларни белгиланган тартибда кирим қилиниши ва ҳисобдан чиқарилишини (списания) асослилигини аниқлаш билан боғлиқ бўлиб, қуйидагиларга аниқлик киритади:

– товар моддий бойликларни аниқ турлари бўйича кирим қилинишини ва ҳисобдан чиқарилишини тўғрилигини аниқлаш;

– товар моддий бойликлар ва хизматлар учун ҳисоб-китоб жараёнларини (операцияларини) бухгалтерия ҳисобида акс этишининг асослилигини аниқлаш;

– ғазнадаги пул маблағларини белгиланган тартибда кирим қилиниши, ҳисобланиши, берилиши ва ҳисобдан чиқарилишини тўғрилигини аниқлаш.

Бу вазифаларни ҳал қилишда эксперт-бухгалтер, қуйидаги саволларга жавоб бериши мумкин:

– муайян ташкилот (корхона, муассаса)нинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисобот ҳужжатларида маълум давр давомида қўшиб ёзишлар мавжудми? Мукофотлар асосли равишда берилганми?

– қандай қилиб муайян шахсда маълум давр орасида ҳужжатларга мувофиқ камомад (ортиқча) ҳосил бўлган?

– бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида товар-моддий бойликлар ва пул маблағлари камомади (ортиқчаси) қандай қилиб бекитилган?

– муайян ташкилотнинг бухгалтерия ҳисобида мазкур хўжалик операцияси қандай акс этган ва уни қандай акс эттириш керак эди?

– бухгалтерия ҳисоби қоидаларига биноан камомад (ортиқча)нинг миқдорини белгилашда тақдим этилган ҳужжатлар ҳисобга олинганми ёки ҳисобга олиниши мумкинми? Ушбу ҳужжатлар ҳисобга олинган ҳолда камомаднинг (ортиқча) миқдори қандай?

– мавжуд товарлар маълум бир вақтда уларнинг мумкин бўлган қолдиқларига нисбатан ортиқча қилиб кўрсатилганми? Агар шу ҳолат мавжуд бўлса, унда бу нимадан далолат беради?

– дастлабки ва жамланма бухгалтерия ҳужжатларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳақидаги ҳисобот кўрсаткичлари қанча суммага ўзгартирилган?

– ишлаб чиқариш сарф-харажатлари суммасининг оширилиши ёки камайрилиши қандай хўжалик операциялари билан боғлиқ?

– товар-моддий бойликлар (асосий маблағларни) қайта баҳолаш асосли равишда амалга оширилганми?

– маълум вақт давомида материалларни ошириб рўйхатдан чиқариш ҳолатлари бўлганми ва қанча суммада (маҳсулотга зарур харажат меъёри технологик экспертиза ёрдамида аниқланади)?

– мазкур хомашё ёки товарларнинг келиб тушиши ва рўйхатдан ўчирилиши бухгалтерия ҳисобида тегишли равишда акс эттирилганми?

– товар-моддий бойликларнинг ҳужжатлар билан асосланмаган ҳисобга олиш

ёки рўйхатдан чиқарилиши қайси операция орқали ва қанча суммага бажарилган?

– асосланмай тузилган ҳужжатлар бўйича ёки умуман ҳужжатсиз қачон ва қанча суммага муайян товар-моддий бойликлар рўйхатдан ўчирилган?

– нотўғри (асосланмаган) берилган пул маблағларининг суммаси қанча? Бу сумма камомадни ташкил қиладими?

Иккинчи гуруҳ: пул маблағлари ва товар моддий бойликларни ҳақиқатда бор-йўқлигини аниқлайди, улар қуйидагилардир:

– камомад (ортиқча)нинг ҳақиқатда бор-йўқлиги;

– камомаднинг (ортиқча) сони ва суммаси;

– камомаднинг (ортиқча) келиб чиққан даври;

– моддий зарар суммаси;

– пул маблағлари ва товар моддий бойликларда келиб чиққан камомад (ортиқча)ни яшириш усуллари.

Иккинчи гуруҳ вазифаларни ҳал қилишда қуйидаги саволлар қўйилиши мумкин:

– маълум вақт давомида (ташкilot, муассаса, корхонада ишловчи) моддий жавобгар шахсда товар-моддий бойлик, пул маблағлари камомади (ортиқчаси) бўлганми? Бўлган бўлса қанча миқдорда?

– муайян хўжалик операциялари туфайли ташкilotга (корхона, муассаса) қанча зарар етказилган?

– маълум шахснинг номидаги ортиқчаларни шу номдаги товар бойликлари бўйича камомад ҳисобига ўтказса бўладими ва ўтказилганми? Ҳисобга ўтказилгандан кейин камомад (ортиқча) миқдори қанча?

– рўйхатдан ўтказиш (тафтиш) далолатномасида кўрсатилган товар-моддий бойликлар ва пул маблағларининг мазкур корхонада маълум вақт орасида юзага келган камомади ёки ортиқчаси мавжудлиги ҳужжатлар билан тасдиқландими?

– қайси даврда камомад (ортиқча) юзага келган ва шу даврда товар-моддий бойликларнинг сақланиши учун ким жавобгар бўлган?

– камомад туфайли етказилган моддий зарарнинг миқдори қанча?

– шартнома шартларини бир томон бажармаганлиги туфайли етказилган зарарнинг миқдори қанча?

– ҳисобот маълумотларида аниқланган фарқлар қайси даврга тааллуқли?

– табиий камайиш меъёрларининг қўлланиши асослими?

Учинчи гуруҳ: бухгалтерия ҳисоб-китобларини юритиш ва назоратини ташкил этилишининг тўғрилигини аниқлаш билан боғлиқ бўлиб, унда қуйидагилар аниқланади:

– бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисоботларни тузиш бўйича амалдаги меъёрий ҳужжатларга амал қилинганлиги ва уларни бухгалтерия ҳужжатларида қандай акс этганлиги;

– пул маблағлари ва товар моддий бойликлар кирим қилиниши, сотилиши ва ҳисобдан чиқарилишини ҳужжатли расмийлаштирилишини тўғрилиги;

– корхонада бухгалтерия ҳисоби ва назоратини етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги оқибатида камомадни (ортиқча), моддий зарарни келиб чиқиш сабаблари;

– пул маблағлари ва товар моддий бойликлар камомадини (ортиқчалиги) аниқлаш бўйича ўтказилган ҳужжатли тафтишда тафтишчи томонидан қўлланилган услубларни тўғрилиги.

Учинчи тоифа масалалари билан боғлиқ саволлар қуйидагича бўлиши мумкин:

– мазкур ташкилотнинг бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботидаги қандай камчиликлар товар-моддий бойликлар, пул маблағлари камомадининг (ортиқчаси) юзага келишига ёки уларни яширишга сабаб бўлган?

– муайян ташкилотни текширишда (тафтиш қилиш) қўлланган услублар камомадларни (ортиқча) аниқлашга имкон берганми?

– ҳужжатларни текширишда (тафтиш қилиш) камомад (ортиқча) аниқланишининг барча услублари қўлланганми?

– бажарилган иш (хизмат) ҳажмларининг ошиши муносабати билан текширувчиларнинг бажарилган иш қиймати ҳақидаги хулосалари тасдиқланадими?

– ҳисобга олиш маълумотларида товар-моддий бойликлар, пул маблағларининг кирими ва харажати ўртасида фарқлар мавжудми?

– бухгалтерия ҳисобларида тайёр маҳсулотни ортиш ва туширишга кетган харажатлар ҳақидаги кўрсаткичлар дастлабки бухгалтерия ҳужжатларида кўрсатилган маълумотларга мос келадими? Мос келмаса, ушбу фарқлар ишлаб чиқариш харажатлари суммасини оширганми ёки камайтирганми?

– синтетик ҳисоб ва ҳисобот маълумотлари хомашёни (тайёр маҳсулот) киримга киритиш бўйича дастлабки ҳужжатлар, маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича якуний кўрсаткичларга мос келадими?

– ҳисобга олиш регистридаги қайси ёзувлар дастлабки ҳужжатлар билан тасдиқланади?

– моддий бойликларни олиш ва сотишда бюджет корхонаси (муассаса, ташкилот) товарсиз операцияларни амалга оширганми?

– маълум бир даврда товар-моддий бойликларни қабул қилиб олиш ва топширишда (масалан, омборхонада) ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг қайси талаблари бажарилмаган?

Тўртинчи гуруҳ: вазифаси ҳисоб ва назоратни юритиш қоидаларига жавобгар, жавобгарлигида пул маблағлари ва товар моддий бойликлари бўлган шахслар доирасини аниқлаш бўлиб, қуйидагилар ойдинлаштирилади:

– ҳужжатли маълумотлар асосида камомад пайдо бўлган даврда, жавобгарлигидаги пул маблағларни ва товар моддий бойликларни асоссиз ҳисобдан чиқарган шахслар доирасини аниқлаш;

– бухгалтер-эксперт томонидан аниқланган бухгалтерия ҳисоби ва назорати талаблари бажарилишини таъминловчи мансабдор шахслар доирасини аниқлаш.

Тўртинчи гуруҳ масалаларини ечишда қуйидаги саволларга жавоб бериши мумкин:

– маълум бир даврда моддий бойликлар, пул маблағлари учун ким жавобгар бўлган?

– товар-моддий бойликларни ҳисобга олиш бўйича меъёрий ҳужжатлар

талабларини таъминлаш бош бухгалтернинг мажбуриятига кирадими?

– бош бухгалтердан бошқа қайси шахс бухгалтерия ҳисобини олиб бориш услубиётига риоя қилиш учун маъсулдир?

Жиноят содир этилишига имкон яратган сабаб ва шароитларни аниқлаш учун эксперт олдига қуйидаги саволлар қўйилиши мумкин:

– товар-моддий бойликлар, пул маблағлари, камомадларни (ортиқча) ёки моддий зарарнинг бошқа турларини юзага келтирувчи шароитни бартараф этиш учун қандай чора-тадбирлар керак?

– бухгалтерия ҳисоб-китоби ва назоратини белгилайдиган меъёрий қоидалар талабларининг қайси бузилишлари моддий зарар етказишга олиб келди?

– муайян хўжалик операциялари бўйича ҳисобот бухгалтерия ҳужжатларини юритишнинг барча қоидаларига риоя қилган ҳолда расмийлаштирилганми?

Юқорида келтирилган саволлар суд-бухгалтерия экспертизаси ҳал этадиган энг қўп учрайдиган саволлар бўлиб, улар иш ҳолатларига қараб ўзгариши мумкин.

Суд-бухгалтерия экспертизасини ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатларнинг тахминий руйхати:

I. Корхона кассасида маблағлар камомади билан боғлиқ ҳолатлар бўйича ҳужжатлар:

1) текширилаётган давр давомида пул маблағларининг қолдиқларини олиш ҳақидаги далолатномалар;

2) касса китоби ва хатлар илова қилинган кассирнинг ҳисоботлари;

3) 5000-«Кассадаги пул маблағлари» ҳисоби ва 5100-«Ҳисоб-китоб счётидаги пул маблағлари» ҳисоби бўйича №1 ва №2 журнал ордерлари;

4) кирим ва чиқим ҳужжатлари илова қилинган ҳисоб рақами (жорий, ихтисослаштирилган, валюта) бўйича банк кўчирмаси;

5) чек китобчалари (керак бўлганда банкдан олиб қўйилган чеклар);

6) кассирни тайинлаш ва бошқа лавозимга ўтказиш ҳақидаги буйруқлар;

7) кассир ва мансабдор шахсларнинг тушунтириш хатлари илова қилинган ҳужжатлар асосида тафтиш қилиш далолатномалари;

8) хатшунос ва ҳужжатларни техник текшириш экспертларининг хулосалари.

II. Иш ҳақини асосиз қўшиб ёзиш ва тўлашни аниқлаш билан боғлиқ ҳужжатлар:

1) иш вақтини ҳисоб-китоб қилиш табеллари;

2) бажарилган ишларга берилган нарядлар;

3) иш ҳақини ёзиш ва тўлаш ҳисоб-тўлов қайдномалари;

4) ишчи ва хизматчиларнинг шахсий ҳисоблари;

5) депонент қилинган суммаларни ҳисобга олиш китоб (карточка)лари;

6) «Меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарз» 6700-ҳисоби бўйича журнал ордерлари;

7) ишчи ва хизматчиларни ишга олиш, лавозимдан лавозимга ўтказиш ва бўшатиш ҳақидаги буйруқлар;

8) қурилиш-техник экспертизасининг хулосаси (керак бўлганда);

9) биринчи руйхатда санаб ўтилган ҳужжатлар (№7, 8).

III. Корхона ва қурилишларда материаллар камомадини аниқлаш билан

боғлиқ ҳужжатлар:

1) кичик ҳисобдаги моддий бойликларнинг қолдиғи ва ҳаракатлари ҳақида материал ҳисоботлари;

2) келган юкларни қайд қилиш журнали;

3) товар-транспорт юк хатлари;

4) материалларни қабул қилиб олиш ҳақидаги далолатномалар;

5) лимит-забор ҳақидаги далолатномалар;

6) талабномалар;

7) қурилишда сарфланган асосий материаллар ҳисоботи;

8) моддий бойликларни ҳисобга олиш қайдномалари ва 6000, 7000, 6970 ҳисоблар бўйича журнал ордерлари;

9) текширилаётган даврга мансуб бўлган материалларнинг борлиги ҳақида текширув-қайд рўйхатлари ва солиштириш қайдномалари;

10) омборхона ҳисоб - китоб варақалари;

11) сальдо китоби;

12) табиий камайишни қўшиб ёзиш ҳақидаги ҳисоб-китоблар;

13) қурилиш-техник экспертизасининг хулосаси (керак бўлганда);

14) моддий жавобгар шахсларни ишга тайинлаш, ишдан бўшатиш, бошқа ишга ўтказиш ҳақидаги буйруқлар;

15) ҳужжатлар асосида тафтиш қилиш далолатномаси.

IV. Савдо соҳасида товар-моддий бойликлар камомадни аниқлаш билан боғлиқ ҳужжатлар:

1) моддий жавобгар шахсларнинг кирим ва чиқим ҳужжатлари илова қилинган товар ҳисоботлари;

2) текширув даврига тегишли текширув-қайд этиш далолатномалари ва солиштириш қайдномалари (миқдори ва сумма ҳисобида);

3) товарларнинг табиий камайиши ҳисоб-китоблари;

4) моддий жавобгар шахсларнинг ички (норасмий) ҳисоб-китоб ҳужжатлари;

5) қарши текширишлар маълумотлари, товарлар кирим қилинмаганлиги ва товарсиз ҳужжатлар ҳақида масалани ечиш билан боғлиқ транспорт ҳужжатлари;

6) «Товарлар» ҳисоби ва «Мол етказиб берувчилар ва пудратчиларга қарз» ҳисоби бўйича журнал ордерлари;

7) Омборхона ҳисоб-китоб варақалари ва товар муомала қайдномалари;

8) ҳужжатлар асосида тафтиш қилиш қайдномаси ва иловалари (тафтиш-ҳисобга олиш вақтида тегишли товар-моддий бойликлар ҳаракатининг моддий ёки миқдор моддий ифодасидаги қайдномалари; назорат солиштириш қайдномалари (керак бўлганда чакана савдода);

9) моддий жавобгар шахсларни ишга тайинлаш, ишдан бўшатиш, таътилга чиқариш ҳақидаги буйруқлар.

V. Жамоат овқатланиш корхоналарида маҳсулотлар камомадини аниқлаш билан боғлиқ ҳужжатлар:

1) қабул қилинган озиқ-овқатлар, ошхонадан олинган ва сотилган маҳсулотлар ҳақида далолатномалар, озиқ-овқатларни меъёрлар асосида тарқатиш варақалари ва режа-менюлар илова қилинган маҳсулотнинг ҳаракати ҳақидаги

ҳисоботлар;

2) озиқ-овқатларнинг қолдиқлари ҳақида далолатномалар;

3) калькуляция варақалари;

4) «ишлаб чиқариш» ҳисоб-китоби бўйича журнал ордерлари;

5) технологик экспертизанинг хулосаси;

6) моддий жавобгар шахсларни ишга тайинлаш, ишдан бўшатиш, бошқа ишга ўтказиш ҳақида буйруқлар;

7) ҳужжатлар асосида тафтиш қилиш далолатномалари ва иловалари (текширув-қайд этиш ўртасидаги вақтда озиқ-овқат маҳсулотларининг қайта тикланган миқдорий-сумма ҳисоб-китобининг маълумотлари; маъсул шахсларнинг тушунтириш хатлари).

Молия-кредит экспертизаси

Пул маблағлари фондларини шаклланиши ва сарфланиши, кредит маблағларини тақсимланишини асослиги акс этган, яъни молия-кредит жараёнларини (операцияларини) ўзида акс эттирган ҳужжатларни тадқиқ этиш, ҳамда йўл қўйилган қонунбузарлик ҳолатларини аниқлаш молия - кредит экспертизаси предметиدير.

Суд-молия-кредит операцияларини акс эттирувчи қуйидаги ҳужжатлар молия экспертизасининг объекти ҳисобланади:

1) узоқ муддатли иқтисодий меъёрий ҳужжатлар, меъёрлар, ставкалар, лимитлар, дотациялар, муассасалар, банк ва муассаса ўртасидаги кредит шартномалари;

2) кўрсаткичларни асословчи ҳисоб-китоблар илова қилинган молиявий режалар (даромад ва ҳаражатлар баланси);

3) бухгалтерия ҳисоб-китобининг дастлабки ва жамлама ҳужжатлари, товар-транспорт юк хатлари, банк кўчирмалари билан бирга тўлов далолатномалари, кредит ажратиш, маҳсулот етказиб бериш шартномалари, аккредитив аризалар, ҳисоб-фактуралар, юк хатлар, тўлов далолатномалари, журнал ордерлари, бош китоб, баланс ҳисоботи ва бошқалар;

4) ишлаб чиқариш ва маҳсулот таннархи бўйича бухгалтерия ва статистик ҳисобот ҳужжатлари.

Суд-молия-кредит экспертизасининг вазифалари:

– молиялаштирилган маблағларнинг мақсадли тақсимланишини аниқлаш;

– давлат ва маҳаллий бюджетга солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларнинг тўлиқ ва ўз вақтида келиб тушишини аниқлаш;

– ташкилот (бюджет)ларнинг тайинланган сметаларига амал қилинишини аниқлаш;

– молиялаштириш ва кредитлаш соҳасидаги қоидабузилишлар натижасида давлат ва корхона (ташкилот)ларга етказилган моддий зарарлар ҳамда асосиз яратилган фондлар ва улардан фойдаланиш ҳолатларини аниқлаш;

– банк кредит маблағларини мақсадсиз ишлатиш каби ҳолатларни аниқлаш.

Суд-молия-кредит экспертизаси ҳал этадиган вазифаларни қуйидаги уч гуруҳга бўлиш мумкин:

Биринчи гуруҳ вазифалар:

– давлат корхоналари, акционерлик жамиятлари ва бошқа субъектларни молиявий-хўжалик фаолиятидаги молиявий кўрсаткичлари ҳисоб-китобларининг асослилигини аниқлаш;

– давлат бюджети тўловлари (фойда солиғи, ишчи, хизматчиларнинг иш ҳақидан даромад солиғи, жамоа ташкилотларининг даромадларини тақсимланиши ва шу кабилар) ҳисоб-китобларининг асослилигига аниқлик киритиш вазифалари;

– кредит маблағлари олиш учун корхона томонидан банк муассасига нотўғри маълумотлар берилиши ҳолатларини аниқлаш;

– кераксиз, харидоргир бўлмаган, маънавий эскирган товар ва жиҳозлар учун кредит олиш мақсадида асоссиз режалаштиришлар ва ушбу ҳолатда корхонага нисбатан қўлланилган жарима ҳамда кредит маблағини муддатидан олдин қайтариб олишга бўлган санкцияларни асослилигини аниқлаш киради.

Бу вазифаларни ҳал қилишда экспертизага қўйиладиган саволлар:

– ишлаб чиқаришни, фан ва техникани, ижтимоий ривожлантириш, моддий рағбатлантириш каби иқтисодий барқарорлаштириш фондларини тўғри шаклланганлигини аниқлаш;

– корхона (ташкилот)нинг кредит маблағларига бўлган талаби асослилигини аниқлаш.

Иккинчи гуруҳ вазифалари пул маблағлари фондлари ва кредитларидан фойдаланишни, уларнинг ишлатилиши тўғрилиги ва асослилиги аниқлашга қаратилган. *Бунда ҳал этиш учун қуйидаги вазифалар қўйилади:*

– корхона ва ташкилотлар томонидан давлат ва маҳаллий бюджетларга тўловларни тўлиқ ва ўз вақтида ўтказиб берилиши аниқлансин.

– бюджет ташкилотлари томонидан (фан, маданият, соғлиқни сақлаш ва бошқалар) пул маблағларини асосли сарфланиши аниқлансин.

– иқтисодий барқарорлаштириш фондларига йўналтирилган ажратмаларнинг тўғрилиги ва улардан оқилона фойдаланилиши аниқлансин.

– ташкилотлар ўртасида маҳсулотни сотиш, хизматлар, ишлар бажариш бўйича қилинадиган ҳисоб-китобларнинг тўғрилиги ва бажарилмаган шартнома мажбуриятлари бўйича қўлланилган иқтисодий санкциялар асослилиги аниқлансин.

– корхоналар томонидан кредитлаш тартибига амал қилинмаслик натижасида банк томонидан қўлланилган санкцияларни тўғрилиги ва асослилиги аниқлансин.

– банк томонидан берилган кредит маблағларини корхона томонидан тўғри сарфланиши аниқлансин.

Ушбу гуруҳнинг асосий вазифаларидан яна бири, фойда суммасини ва ундан фойдаланишни аниқлашдир.

Суд-молия-кредит экспертизаси банк томонидан берилган кредит шартларига корхоналар томонидан амал қилиниши ва банк томонидан қўлланилган санкцияларнинг асослилиги: ссуда мажбуриятларини таъминланганлиги, улардан

самарали фойдаланиш ва ўз вақтида сўндирилиши каби масалаларни ҳам ҳал этилади.

Учинчи гуруҳ вазифалари

молиявий режаларни шакллантиришдаги ва кредит пул маблағларини ишлатишдаги йўл қўйилган қонунбузилиш ҳолатларини аниқлаш бўлиб, *қуйидаги масалаларни ҳал этади:*

– бюджет ҳамда юқори турувчи ташкилотлар билан ҳисоб-китоблар ва пул, кредит маблағларини сарфланиш қоидалари бузилиш ҳолатларини аниқлаш;

– молиявий режаларни тўғри тузилишини, олинган маблағлар ва кредитларни мақсадли ишлатилишини, бюджет даромадларига йўналтирилган солиқларни тўлиқ ва ўз вақтида ўтказилишини таъминловчи шахслар доирасини аниқлаш.

Булардан ташқари, молия - кредит экспертизаси молия ва кредитлаш соҳасидаги бой берилган даромад (фойда) ва шу каби масалаларни ҳам ҳал этади.

Молия-кредит экспертизасини ўтказишда одатда эксперт ихтиёрига қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

- 1) корхонанинг (муассаса) бош китоби;
- 2) ҳисоб-китоб (баланс) ва унга изоҳлар;
- 3) журнал ордерлари;
- 4) банк ҳужжатлари (кўчирма иловаси билан);
- 5) «ҳаражат» моддаси бўйича изоҳлар;
- 6) иқтисодий рағбатлантириш жамғармаларига кўчирилган пул маблағлари, ишлаб чиқариш таннархининг ҳисоб-китоби;
- 7) сотилган маҳсулот бўйича ҳужжатлар;
- 8) шартномалар.

Суд меҳнат-иқтисодий экспертизаси

Иш ҳақи фондларини меъёрдан ортиқча сарфланиши, меҳнат ресурсларидан самарасиз фойдаланишга оид далилларни аниқлаш ҳуқуқни муҳофаза қилиш идора ходимлари томонидан суд-меҳнат иқтисоди экспертизасидан фойдаланишни тақозо этади.

Суд-меҳнат иқтисоди экспертизасининг предмети меҳнат ва иш ҳақи тўловлари ҳужжатларидаги иш ҳақини тўлаш, уларни ҳисоботларда тўғри акс этиши, меҳнат ва иш ҳақини режалаштиришдаги қоида бузилиш ҳолатларини аниқлаш ҳисобланади.

Суд-меҳнат иқтисоди экспертизаси объектлари қуйидагилар ҳисобланади:

а) иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш режалари (техник иқтисодий режа меъёрлари, меҳнат ва ходимлар бўйича режалар, иқтисодий барқарорлаштириш фонди режалари) кўрсаткичлари, асословчи ҳисоб-китоблари билан;

б) режалаштириш ва режа кўрсаткичлари ўзгаришлари бўйича ҳужжатлар, иш ҳақи фонди ва моддий рағбатлантириш фонди режалари, фаолият турлари, чораклар бўйича йиллик тасдиқланган ҳолда;

в) бирламчи ҳужжатлар (буйруқлар, ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш, меҳнат шартномасини бекор қилиш бўйича кўрсатмалар, шахсий

варақалар, меҳнат таътилига чиқиш бўйича буйруқлар, иш ҳақи ва иш соати бўйича табеллар, тўлов, ҳисоб-китоб қайдномалари);

г) ўтказилган текшириш ҳужжатлари (бажарилган ишларни назорат ўлчов далолатномалари);

д) йиғма ҳужжатлар (йиғма табеллар, бригадалар бўйича ойлик иш ҳақи ҳисоб-китоблари, цех-участкалар бўйича ҳисобланган мукофот қайдномалари);

е) меҳнат бўйича иқтисодий кўрсаткичларни бажарилиши бўйича давлат статистика ҳисоботлари ҳужжатлари.

Суд-меҳнат иқтисоди экспертизаси ҳал этадиган вазифалар ҳам **уч гуруҳга** бўлинади.

Биринчи гуруҳ вазифалари корхонада ишлаётган ишчилар сони ҳисоб-китоби, қўлланилаётган тариф сеткасининг асослилиги ва ушбу маълумотларнинг корхона ҳисоботларида тўғри акс этганлиги бўлиб, *қуйидаги масалаларни ҳал этади:*

– корхона ишлаб чиқариш таркибининг сони, тизими ва тузилмаси ҳамда ундаги ўзгаришларни иқтисодий кўрсаткичларга таъсири;

– меҳнатга ҳақ тўлаш тариф сиситемасини инобатга олган ҳолда ходимларнинг лавозим даражалари бўйича ҳисоб-китобининг асослилиги;

– юқорида келтириб ўтилган ҳолатларнинг ташкилот (корхона) ҳисоботларида тўғри акс этиши.

Биринчи гуруҳнинг яна бир асосий вазифаси ишлаб чиқариш жараёнининг тўхтовсиз ишлаши ва шартномавий мажбуриятларнинг бажарилишини таъминловчи ҳар хил даражадаги ишчи ходимларга бўлган талабни аниқлашдир.

Иккинчи гуруҳнинг асосий вазифаларидан бири, иш ҳақи фондининг тўғри шаклланиши ва чиқим қилиниши, ҳамда уларнинг ҳисоботларида тўғри акс этирилганлигини аниқлашдир. *Суд-меҳнат иқтисоди экспертизаси иш ҳақи фондига тааллуқли қуйидаги масалаларни ҳал этади:*

– иш ҳақи фонди (меҳнатга ҳақ тўлаш фонди) тақсимланиши ва ажратилишини асосли ва тўғрилигини аниқлаш;

– иш ҳақи фонди сарфланишининг асослилиги, унинг белгиланган меъёрдан четга чиқиши ва бунинг сабабларини аниқлаш;

– меҳнатга ҳақ тўлаш фондига корхонанинг ишлаб чиқаришига тааллуқли бўлмаган тўловларнинг таъсирини аниқлаш;

– ишчи ходимларни иш ҳақи фондидан мукофатлашнинг асослилигини аниқлаш;

– зарарли, ўта зарарли шароитларда ишловчи ишчи ходимларга тўланадиган қўшимча ҳақларнинг асослилигини аниқлаш;

– меҳнатга ҳақ тўлаш фонди бўйича акс этган маълумотларни корхона ҳисоботларида тўғри акс этирилганлигини аниқлаш.

Учинчи гуруҳга тааллуқли вазифалар иш ҳақи бўйича меҳнатни режалаштириш ва режаларни бажариш вақтидаги қонунбузилиш ҳолатларини аниқлаш ҳисобланиб, *у қуйидаги саволларни ҳал этади:*

– иш ҳақи фонди бўйича меҳнат ресурсларини ажратиш ва улардан фойдаланишдаги қоидабузилиш ҳолатларини аниқлаш;

– иш ҳақи ва меҳнат кўрсаткичлари бажарилиши бўйича ҳисоботлар тузилиши ва тўғри режалаштирилишини таъминловчи шахслар доирасини аниқлаш.

Суд-меҳнат иқтисоди экспертизасини ўтказиш учун қуйидагилар тақдим этилади:

- 1) ходимлар рўйхати;
- 2) режалаштирилган техник-иқтисодий меъёрлар; иқтисодий рағбатлантириш, иш ҳақи жамғармаси, моддий рағбатлантириш жамғармаси бўйича режалар;
- 3) иш вақтини ҳисоблаш табели;
- 4) иш ҳақи бўйича шахсий ҳисоблар;
- 5) ишчилар сони бўйича қайдномалар;
- 6) шахсий моддий жавобгарлик ҳақидаги шартномалар;
- 7) статистик ҳисоботлар.

Суд-режали иқтисодий экспертиза

Иқтисодиёт соҳадаги жиноят ишларини тергов қилишда режали иқтисодий кўрсаткичлар ва шартнома мажбуриятларининг асосли бажарилганини аниқлаш керак бўлади. Содир бўлаётган ўзгаришларга қарамай, суд-режали иқтисодий экспертизани ўтказишга бўлган талаб сақланиб келмоқда. Солиқ ва бошқа кўрсаткичларнинг миқдори билан боғлиқ бўлган иқтисодий кўрсаткичларнинг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботни бузиб кўрсатиш ва шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда молиявий хўжалик фаолиятига тегишли маълумотлар ҳужжатларда нотўғри акс этиши натижасида моддий зарар етказилган ҳолларда, мазкур экспертиза ўтказилиши мумкин.

Шартнома, ишлаб чиқариш фаолиятининг иқтисодий кўрсаткичларини асосли режалаштириш, уларнинг бажарилиши ва ҳисоботда акс этиши, шунингдек, булар ҳақида ҳисобот тайёрлашда бузилишга йўл қўйилган ҳолатлар ҳақида маълумотларни аниқлаш мақсадида режалаштириш, бажариш ва ҳисобот ҳужжатларини текшириш суд-режали иқтисодий экспертизанинг предмети ҳисобланади.

Суд-режали иқтисодий экспертизанинг объекти қуйидагилардир:

а) режа тузиш учун керак бўлган дастлабки маълумотлар акс этган ҳужжатлар, шартнома, буюртма, меъёр ва лимитлар;

б) асосланган кўрсаткичларнинг ҳисоб-китоблари илова қилинган иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш режаси (маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш, капитал қурилиш, маҳсулот таннархи, моддий-техник таъминотнинг жадваллари, ҳисоб-китоблари ва бошқалар);

в) ишлаб чиқариш бўлинмаси томонидан белгиланган, режа кўрсаткичлари акс этувчи ҳужжатлар (бир йил ва кварталларда саноат маҳсулотини ишлаб чиқариш режасининг ҳисоб - китоби, йиллик маҳсулотнинг ички таннархи режаси, цех бўйича ҳаражатлар сметаси, асбоб ускуналарни сақлаш ва ишлатиш сметаси ва бошқалар);

г) топшириқни бажариш пайтида амалга оширилган хўжалик операциялари бевосита акс этувчи дастлабки ва жамлама ҳужжатлар (шартномалар, товар-транспорт юк хатлари, ортиб юборилган маҳсулотларнинг тўлов талабномалари, банк кўчирмалари, бажарилган ишларни қабул қилиш ҳақида далолатномалар, журнал ордерлари ва бошқалар);

д) иқтисодий кўрсаткичлар бажарилганлиги акс этувчи статистик ва бухгалтерия ҳисоботи ҳужжатлари (баланс, ҳисобот ва бошқалар).

Суд-режали иқтисодий экспертизанинг вазифаларини аниқлашда корхоналарнинг барча режа-иқтисодий фаолияти уч босқичдан иборатлигини эътиборга олиш лозим, яъни:

1) режа топшириқларини ишлаб чиқиш;

2) режа топшириқларини бажариш ва уларнинг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботни тақдим этиш;

3) режа иқтисодий фаолият устидан назорат олиб бориш.

Шунга мувофиқ режали иқтисодий экспертиза ечадиган масалалар уч гуруҳга бўлинади.

Шартнома, давлат буюртмаси, режадаги топшириқларнинг меъёрларга мувофиқлигини, режа-иқтисодий кўрсаткичлар ва уларга киритилган ўзгартиришлар асосли эканини аниқлаш билан боғлиқ масалалар **биринчи гуруҳни** ташкил этади.

Мазкур масалалар қуйидагилардан иборат:

1) шартнома, давлат буюртмалари, узоқ муддатли иқтисодий меъёрий андозалар шартларига режа топшириқлари (кўрсаткичлари) мувофиқлигини аниқлаш;

2) топшириқ режалари корхона ҳисоб-китоби кўрсаткичларига қараб асосланганлиги ва бўлинмаларга берилган топшириқ режалари қуйидаги кўрсаткичлар, яъни табиий ифодадаги маҳсулот ишлаб чиқариш режаси, юқори сифатли маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмига қараб асосланганлигини аниқлаш;

3) сотилган маҳсулот ҳажмининг асосли равишда ҳисоботда акс этиши;

4) маҳсулот таннархи режасининг асосланганлиги;

5) марказлаштирилган давлат маблағлари ва қурилиш монтаж ишларига лимит режаларини белгилаш, давлат марказлаштирилган капитал қўйилма, моддий-техник таъминот фондлари ҳисобига асосий фондларни, ишлаб чиқариш қуввати ва объектларини ишга тушириш.

Суд-режали иқтисодий экспертиза нафақат ишлаб чиқариш фаолиятини режалаштириш, балки топшириқ режаларига киритилган ўзгартиришлар асосли эканлигини ҳам аниқлаб беради.

Режали иқтисодий кўрсаткичлар, ишлаб чиқариш фаолияти бажарилиши ва уларнинг ҳисоботда тўғри акс этганлигини аниқлаш билан боғлиқ масалалар **иккинчи гуруҳни** ташкил қилади.

Ушбу гуруҳ бўйича қуйидаги масалалар ҳал қилинади:

1) ишлаб чиқариш таннархининг иқтисодий кўрсаткичлар шартномаси бажарилишини, жумладан, ишлаб чиқариш ва қурилиш ҳажми, маҳсулот - товарларни сотиш, хизмат кўрсатиш ҳажми, қурилиш-монтаж ва пудрат ишлари

ҳажми, ишлаб чиқариш қувватлари, асосий фондларни ишга тушириш, моддий-техник таъминот кўрсаткичларининг асосли эканини аниқлаш;

2) сотилаётган маҳсулотга белгиланган нархнинг асосли эканини аниқлаш;

3) санаб ўтилган иқтисодий кўрсаткичларни бажариш ҳақидаги маълумотларнинг корхона ҳисобида тўғри акс этганлигини аниқлаш.

Кўрсатилган масалаларни ечиб, суд-режали иқтисодий экспертиза қуйидагиларни, яъни:

– корхона ва унинг бўлинмалари томонидан ишлаб чиқариш фаолияти кўрсаткичларининг бажарилганини, рақамлар ва фоизда режа бажарилишининг миқдорини;

– ҳисоботда кўрсатилган иқтисодий кўрсаткичларнинг ҳисоб-китоб кўрсаткичларига тўғрилигини, ҳисобот маълумотларининг тўлиқ акс этганлигини ва уларнинг режалаштирилган ва бажарилган иқтисодий кўрсаткичлардан фарқини аниқлаш мумкин.

Режалаштириш, режалар ва шартнома мажбуриятларини бажариш ҳақида ҳисобот тузишда йўл қўйилган бузишларни, тўғри режалаштириш, режаларни бажариш ва ишлаб чиқариш фаолияти кўрсаткичларини ҳисоботда акс эттириш учун маъсул бўлган мансабдор шахсларни аниқлаш суд-режали иқтисодий экспертизанинг **учинчи гуруҳ** масалаларини ташкил этади.

Экспертизага қўйиладиган саволлар:

– режалаштириш, режаларни бажариш ва ҳисобот тайёрлашда камчиликларга йўл қўйилганми, агарда шундай бўлса қайси меъёрий қоидалар талаби бузилган?

– ишлаб чиқаришдаги камчиликлар моддий зарар ҳосил бўлишига таъсир кўрсатадими?

– қўшиб ёзишлар топшириқ бажариш фоизини ошириб кўрсатиш усули эмасми?

– режалаштириш кўрсаткичларига биноан режа бажарилишининг ҳақиқий имконияти қандай, яъни ташкилот бажарилиши мумкин бўлмаган режаларни олдиндан белгиламаганми?

– ҳисобот тузишда белгиланган тартиб бузилганми?

– йиллик (чорак) ҳисобот тузишда қўшиб ёзиш ҳолатлари мавжудми?

– тўғри режалаштириш, режаларни бажариш ва ишлаб чиқариш фаолияти кўрсаткичларини ҳисоботда акс эттириш учун маъсул бўлган мансабдор шахслар аниқлансин.

Экспертизани ўтказиш учун қуйидаги маълумотлар керак бўлади:

1) давлат буюртмаси бўйича режа топшириқлар;

2) шартномалар;

3) маҳсулот, товарларни сотиш, хизмат кўрсатиш ҳажмлари бўйича режа топшириқларининг ҳисоб-китоби;

4) шартномага биноан маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми бўйича ҳисоб-китоблар;

5) ички таннарх бўйича режанинг ҳисоб китоби;

6) марказлаштирилган маблағлар, қурилиш-монтаж ишлари лимит режаларининг ҳисоб-китоби;

- 7) асосий воситалар бўйича рўйхат;
- 8) режаларни ўзгартириб тўғрилаш ҳақидаги ҳужжатлар (фармойишлар);
- 9) цех харажатлари бўйича сметалар, асбоб ускуналарни сақлаш ва ишлаш сметалари;
- 10) товар-транспорт юкхати, ортиб юборилган маҳсулотларнинг тўлов талабномаси;
- 11) банк кўчирмалари, иловалари ва журнал ордерлари;
- 12) бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномалари;
- 13) қурилиш объектларини ишлатиш учун қабул қилиш далолатномалари.

Суд-иқтисодий-статистик экспертизаси

Суд-иқтисодий-статистик экспертизанинг предмети иқтисодий кўрсаткичларни бажариш бўйича ҳисоботларни тузишдаги статистик услублар ва статистик ҳисоботларни тузишдаги қоидабузилиш ҳолатларини аниқлашдир.

Суд-иқтисодий-статистика экспертизаси суд-режали иқтисодий экспертиза билан боғлиқдир.

Иқтисодий статистика қайта ишлаб чиқариш жараёнлари иқтисодий кўрсаткичларни тузиш усуллари ва таҳлил қилиш қоидаларини ишлаб чиқади.

Иқтисодий кўрсаткичлар бажарилишининг ҳисобини тузишда статистик услублар тўғри қўлланишини, шунингдек, статистик иқтисодий кўрсаткичларнинг ҳақиқийлигини ва солиштирилишини таъминлай олмайдиган статистик ҳисоботни олиб боришдаги камчиликларни аниқлаш суд-иқтисодий-статистик экспертизанинг предметиدير.

Шу муносабат билан суд-иқтисодий-статистик экспертиза қуйидаги саволларга жавоб беришга имкон яратади:

– иқтисодий кўрсаткичлар бажарилиши бўйича ҳисобот тайёрлашда барча статистик услублар қўлланганми? Агар буларнинг барчаси қўлланмаган бўлса, унда тақдим этилган маълумотларга қандай таъсир қилган?

– корхонада статистик ҳисоб-китоб олиб бориш меъёрий ҳужжатлар талабига жавоб берадими?

– статистик иқтисодий кўрсаткичларнинг ҳақиқийлиги ва солиштирилишини таъминлай олмайдиган камчиликлар статистик ҳисобот олиб боришда учрайдими?

Экспертзани ўтказиш учун қуйидаги маълумотлар тақдим этилиши лозим:

1) статистик формалар, тегишли муассасага топшириладиган корхонанинг ҳисоботлари;

2) бош китоб;

3) баланс, илова ва изоҳлари билан.

Ташқи савдо фаолиятининг суд-иқтисодий экспертизаси

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият юритаётган хўжалик юритувчи субъектларнинг чет эл давлатлардаги жисмоний ва юридик шахслар билан товар, ишларни (хизматлар) импорт ва экспорт қилиш бўйича амалга оширилган хўжалик

операциялари бўйича янги далилларни ҳамда дастлабки тергов даврида олиб борилган текширув чоғида аниқланмаган бошқа кўрсаткичлар ёки текширувлар натижасида белгиланган ўхшаш далилларнинг ишончилиги ҳамда йиғилган ҳужжатлар асосида шубҳа туғдирадиган бошқа омилларни аниқлашга эҳтиёж туғилганда Ташқи савдо фаолиятининг суд-иқтисодий экспертизаси ўтказилади.

Ташқи савдо фаолиятининг суд-иқтисодий экспертизаси предмети Ўзбекистон Республикасида фаолиятни амалга ошираётган корхоналар – табиий монополия субъектлари, давлат маблағларини жалб этган бошқа мулкчилик шаклидаги ташкилот ва корхоналар, уларнинг филиаллари ва ваколатхоналари, давлат улуши бўлган корхона ва ташкилотлар томонидан тузилган импорт шартномалари ҳамда Ўзбекистон Республикасидан ташқарига сотиладиган товар ва ишлар (хизматлар) учун ташқи савдо қилиш соҳасидаги контрактларни, уларнинг ўзгартиш ва қўшимчаларини расмийлаштириш йўли билан амалга ошириш борасидаги ташқи савдо фаолиятини ўрганиш ҳисобланади.

Ташқи савдо фаолиятининг суд-иқтисодий экспертизаси объекти товар ва ишлар (хизматлар), ҳар қандай мол-мулкка (интеллектуал мол-мулкдан ташқари) нисбатан ташқи иқтисодий фаолият доирасида молия-хўжалик операцияларни амалга ошириш бўйича ахборотни ўз ичига олган ҳужжатларда акс эттирилган маълумотлар ҳисобланади, қонун ҳужжатлари билан ташқи иқтисодий фаолиятда фойдаланиш учун тақиқланган маълумотлар бундан мустасно.

Ташқи савдо фаолиятининг суд-иқтисодий экспертизасини ўтказиш учун қуйидаги масалалар қўйилиши мумкин:

– шартнома мажбуриятларига амал қилиш бўйича экспорт ва импорт шартномаларни баҳолаш;

– божхона юк декларациясини (БЮД) расмийлаштириш (тўлдириш) тартибига риоя қилиш;

– товар, ишларни (хизматлар) олиб чиқиш ва олиб кириш бўйича ҳужжатларни расмийлаштириш қисми бўйича Ўзбекистон Республикаси божхона қонунчилигига риоя қилиш;

– суд-тергов органлари томонидан ваколатли органлардан (Ўзбекистон Республикаси ТИАИСВ, Ўзбекистон Республикаси МБ ва бошқ.) олинган расмий нархлар тўғрисида маълумотларни тақдим этишни ҳисобга олган ҳолда, жаҳон нархлари даражаси билан таққослаганда экспорт ва импорт шартномаларида кўзда тутилган нархларнинг ошишини (камайиши) белгилаш;

– муайян сана ҳолатига валюта курсини қўллаш ва миллий валюта (сўм) миқдорини чет эл валютасига қайта ҳисоблашнинг тўғрилиги;

– ташқи савдо олди-сотди шартномаси асосида олинган, импорт (экспорт) қилинган товарлар сони ва қийматини белгилаш;

– ташқи савдо олди-сотди шартномасини бажариш доирасида пул маблағлар ва ҳисоб-китобларнинг ҳисобини юритиш ва ҳаракатланиш системасини белгилаш (валюта тушумининг ўз вақтида тушиши);

– бирламчи ҳужжатлар бўйича товарларнинг ассортименти, русуми, техник тафсилоти ва сони бўйича шартномаларнинг шартларига мувофиқлигини аниқлаш;

– ташқи савдо шартномаларида кўзда тутилган ҳужжатларнинг мавжудлиги ва уларнинг тўғри расмийлаштирилиши;

– етказиб берувчининг ҳисоб-фактураси бўйича ўринлар сони ва товар вазнининг транспорт ҳужжатларда, тасниф ва сертификатларда келтирилган ўринлар сони ва товар вазнига мувофиқлиги;

– ҳисоб-фактурасида кўрсатилган нархлар, чегирмаларнинг ва ҳ.к. ташқи савдо шартномаси шартларига мувофиқлиги;

– тариф ва нотариф тартибга солиш соҳасида корхонага тақдим этилган имтиёзларни қўллашнинг асосланганлигини аниқлаш (валютага оид қонун ҳужжатларининг ижро этилиши);

– ташқи иқтисодий хўжалик операцияларнинг бухгалтерия ҳужжатларида акс эттирилиши бухгалтерлик ҳисобини юритиш ва ҳисоботни тузиш бўйича амалдаги меъёрий ҳужжатларнинг талабларига мувофиқлиги;

– шартномада кўзда тутилган томонларнинг шартнома шартларини лозим даражада бажариш бўйича жавобгарликни бажаришнинг (қўллаш) тўғрилиги.

Эксперт тадқиқотларининг сифати кўпинча экспертизага тақдим этилган материалларнинг ўз вақтида малакавий тарзда тўплашга боғлиқ. Ушбу материалларга товар ва ишлар (хизматлар), ҳар қандай мол-мулкка (интеллектуал мол-мулкдан ташқари) нисбатан ташқи иқтисодий фаолият доирасида молия-хўжалик операцияларни амалга ошириш бўйича ахборотни, (қонун ҳужжатлари билан ташқи иқтисодий фаолиятда фойдаланиш учун тақиқланган маълумотлар бундан мустасно) ўз ичига олган ҳужжатли маълумотлар (асл нусхалари) бўлиши мумкин.

Экспертларга қарор (ажрим)дан ташқари ташқи савдо фаолиятининг суд-иқтисодий экспертизаси бўйича қўйилган масалага холис қарор қабул қилиш учун ушбу саволга тегишли бўлган барча зарур ҳужжатлардан иборат бўлган иш материалларини юбориш мақсадга мувофиқ бўлади.

Комплекс суд-иқтисодий экспертизалар

Иқтисодий экспертизаларнинг баъзи турлари бир вақтда бир неча иқтисодий экспертиза турлари учун предмет бўлган иш шарт-шароитини аниқлаш билан яқин боғланганлиги туфайли, юқорида қайд қилинган масалаларнинг айримлари комплекс суд-иқтисодий экспертиза ўтказилишини талаб қилиши мумкин.

Комплекс суд-иқтисодий экспертиза турли иқтисодий мутахассисликка эга экспертлар томонидан иқтисодиётнинг ёндош соҳаларидаги билимларни талаб қилувчи масалаларни ечиш учун ўзаро боғлиқ хўжалик операциялари ва иқтисодий кўрсаткичларни акс эттирувчи ҳужжатларни текширишдир.

Иқтисодий билимларнинг комплекси айниқса бухгалтерия ҳисоб услубида яшириш, рўйхатдаги ва ҳақиқий кўрсаткичларни нотўғри кўрсатиш, шунингдек, хўжалик (иқтисодий) операцияларини молиялаштириш ва кредитлаш қоидаларини бузиш ёрдамида яширин ўғирликлар билан боғлиқ ишларни текширишда жуда керакдир.

Иқтисодий соҳадаги жиноят ишларини текширишда юзага келаётган ва комплекс суд-иқтисодий экспертизалар ёрдамида ечиладиган масалалар бирлашма ва корхоналарнинг давлат топшириқларини бажаришида йўл қўйилган камчиликларни, иқтисодий кўрсаткичларни асоссиз ва тўлиқсиз ҳисобда кўрсатиш ҳолларини, ишлаб чиқаришдаги бузукликлар етказган зарарни аниқлаш билан боғлиқдир.

Ушбу масалаларни ечиш учун эксперт олдига қуйидаги вазифаларни қўйиш мумкин:

– мукофот ҳисоблаш ва беришнинг асосли эканлигини белгилаш (мукофот ҳисоблаш билан боғлиқ масалаларни суд-режали иқтисодий экспертиза ҳал этади, суд-бухгалтерия экспертизаси эса ушбу маълумотлар асосида тўловлар қай даражада асосли эканлигини аниқлайди);

– республика ва маҳаллий бюджетга тўланган солиқ тўловлари билан боғлиқ бўлган корхонанинг умумий хўжалик фаолиятидан олинадиган даромад, солиқ солинадиган базасини, шунингдек, корхонанинг молиявий аҳволини аниқлаш. Ушбу масалаларни суд-молия-кредит ва суд-бухгалтерия экспертизалари биргаликда ечади;

– корхоналарни ишлаб чиқариш ҳисобига ўтказиш, қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС), мулк солиғи, иш ҳақи солиғи, ер солиғи ва бошқа солиқларнинг ҳисоб-китоби асосли эканини аниқлаш. Ушбу ҳисоб-китобларнинг асосли эканини комплекс суд-бухгалтерия ва суд-молия-кредит экспертизалари ҳал қилади;

– банк кредитларини олиш ва ишлатиш асосли эканини аниқлаш. Молия ва кредитлар бўйича эксперт кредит олиш ва кредитга эҳтиёж борлигининг асослилигини аниқлайди, бухгалтер-эксперт унинг мақсадли ишлатилганини текширади;

– иш ҳақи жамғармасидан фойдаланиш, маблағлар ёзилиши, ишлаб чиқаришдан бекор туриб қолиш ва иш вақтидан ташқари иш учун тўловлар асосли эканлигини суд-бухгалтерия соҳасида фаолият кўрсатувчи мутахассислар ва меҳнат бўйича эксперт-иқтисодчи биргаликда аниқлайди;

– асосий воситаларнинг камомоди ёки бузилишидан, сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқарилганидан етказилган моддий зарарни аниқлаш. Одатда моддий зарар суммасини суд-бухгалтерия экспертизаси аниқлайди. Лекин, баъзи ҳолатларда комплекс суд-бухгалтерия, суд-молия-кредит, суд-иқтисодий-статистик, суд-режали иқтисодий экспертизаларни ўтказиш керак бўлади;

– ишлаб чиқариш режаси кўрсаткичларининг асосли эканини аниқлаш. Бунинг учун суд-меҳнат иқтисоди, молия ва ишлаб чиқариш технологиялари соҳасидаги билимларни жалб қилган ҳолда суд-режали иқтисодий экспертизалар ўтказилади.

Комплекс иқтисодий экспертизалар олдига корхона ҳисоб рақамидан асосланмаган ҳолда пул маблағларини ўчириб юбориш, амортизацион тўловлар, маҳсулотларнинг ҳақиқий ички таннархини нотўғри белгилаш билан боғлиқ бошқа масалалар қўйилади.

Ҳалқ хўжалигининг турли соҳалари, хўжалик юритувчи субъектларнинг хусусиятлари, иқтисодий соҳасида содир этилаётган жиноятларнинг хилма-хиллиги олдиндан тайёрланган саволларни тавсия этишга имкон бермайди.

Лекин юқорида баён этилган масалалар ишнинг хусусиятига қараб алоҳида саволларни тузишга имкон беради.

Иқтисодий экспертизани товаршунослик, қурилиш-техникавий, технологик экспертизалар билан бирга ўтказиш масаласи алоҳида эътиборга лойиқдир. Қурилиш, саноат ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларида содир этилган жиноятларни текшириш пайтида бу экспертизаларга эҳтиёж сезилади. Масалан, молиявий камчиликлар ишлаб чиқариш камчиликлари билан бирга келадиган сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш ва сифатсиз қурилиш унинг ҳажми, қийматини ошириш ёки уларни яшириш усули бўлганида.

Бу экспертизалар олдига ечиш учун қуйидаги саволлар қўйилиши мумкин:

– товар навини ўзгартириш эҳтимолини ҳисобга олиб моддий жавобгар шахснинг иш натижалари аниқлансин? (суд-бухгалтерия ва суд-товаршунослик экспертизалари);

– муайян бир пайтда материаллар рўйхатдан чиқарилганми ва уларнинг нархи қанча суммага оширилган? (суд-бухгалтерия ва суд-технология экспертизалари);

– ҳажми оширилиши туфайли бажарилган ишлар таннархидан келган зарарлар ҳақидаги тафтиш хулосаси ҳужжатлар билан тасдиқланганми? (суд-бухгалтерия ва суд-қурилиш экспертизалари);

– тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ишлаб чиқариш режалари асосланганми (суд-режали иқтисодий ва суд-технологик экспертизалар)?

– бажарилган ишларнинг ошириб кўрсатилган ҳажми бўйича тўланган иш ҳақи шу даврда тўланган иш ҳақининг қай миқдорини ташкил қилган? (суд-режали иқтисодий ва суд-технологик экспертизалар);

– қурилиш-монтаж ишлари ҳажми бўйича режанинг бажарилиш даражаси аниқлансин (суд-режали иқтисодий ва суд-қурилиш-техникавий экспертизалар);

ЭХМ ёрдамида бухгалтерия ҳисоб-китобларини олиб боришда яширилган ахборот мавжудлигини аниқлаш учун комплекс суд-бухгалтерия ва компютерли-техник экспертизалар тайинланиши мумкин.

Комплекс экспертизани ўтказиш учун керак бўлган ҳужжатлар рўйхати ечиладиган масалани ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Комплекс иқтисодий текширув учун керак бўлган ҳужжатларни тайёрлаш мураккаблигини ҳисобга олиб, ушбу масалада суд экспертиза муассасасида дастлабки маслаҳат олиш мақсадга мувофиқдир.

14. Суд-фонография экспертизаси



Порахўрлик, коррупция, таъмагирлик, терроризм каби жиноий ишларни фош этишда суд-фонография экспертизаси муҳим аҳамиятга эга. Жиноятга тайёргарликни ёки қонунбузарликка йўл қўйган шахсларни фош этишда исботловчи ва гувоҳлик берувчи ҳолат ва материаллар танқис бўлган

вазиятларда, яширин равишда ёзиб олинган сўзлашувлар мавжуд ҳолларда, уларнинг қилган жиноятларини очиш учун суд-фонография экспертизаси айниқса кўл келади.

Суд-фонография экспертизасининг мақсади – тадқиқот қилинувчи фонограмма ёзиб олинган асбоб-ускунани, яъни, магнитофон, диктофон, видеокамераларга, рақамли диктофонларга, рақамли видеокамераларга, уяли телефонларга, флэш-хотира карталарига, флэш-хотира йиғувчиларига, компакт дискларга ва ҳ.к.ларга ёзилган суҳбатни (фонограммани) текшириш, суҳбат мазмуни, иштирок этган шахслар сони, жинси, суҳбатнинг шароитлари ва бошқаларни аниқлашга қаратилгандир.

Тергов идоралари томонидан қонунда белгиланган тартибда яширин равишда ёзиб олинган фонограммалар ашёвий далил сифатида мавжуд бўлганда, терговчи (суриштирувчи, суд), суд-фонография экспертизасини тайинлайди.

Суд-фонография экспертизасининг объектлари. Суд-фонография экспертизасининг объектлари бўлиб қуйидагилар хизмат қилади:

- магнитофон, диктофон, видеокамераларга, рақамли диктофонларга, рақамли видеокамераларга, уяли телефонларга, флэш-хотира карталарига, флэш-хотира ёзувчиларига, компакт дискларга ва ҳ.к.ларга ёзилган фонограмма;
- фонограмманинг стенограммаси, яъни суҳбатнинг сўзма-сўз баёни;
- овоз ёзиш мосламаси (магнитофон, диктофон, видеокамера, рақамли диктофон, рақамли видеокамера, уяли телефон, флэш-хотира картаси, флэш-хотира ёзувчиси, компакт диск ва бошқ.);
- магнит тасма (аудиокассета, видеокассета, микрокассета, микрочип, компакт диск ва бошқ.).

Суд-фонография экспертизаси лабораторияси мутахассислари тергов ва суд томонидан тайинланган экспертизалар бўйича диагностик ва идентификацион масалаларни ҳал қиладилар.

Суд-фонография экспертизаси ҳал этадиган масалалар.

Суд-фонография экспертизаси қуйидаги масалаларни ҳал этади:

- экспертизага тақдим этилган стенограмманинг тадқиқ қилинувчи фонограмма мазмунига мос келиши ёки мос келмаслиги;

– экспертизага тақдим этилган ёзув (фонограмма) сифати паст ва фонограммани ташқи шовқинлардан тозалаш зарур бўлганда, суҳбат стенограммасини тузиш;

– экспертизага тақдим этилган суҳбатда нечта шахс иштирок этганлигини, уларнинг жинсини, руҳий ҳолатини, суҳбат қатнашчиларининг нутқлари эркин ҳолатдами ёки аввалдан тайёрланган матнни ўқиш кўринишидами, суҳбат қаерда (хонада, кўчада, автомашина салоида ва ҳ.к.) ёзиб олинганлигини аниқлаш;

– суҳбат ёзиб олинган ташувчида механик (фақат лента-тортувчи механизми бўлган объектлар бўйича) ёки электроакустик монтаж белгилари мавжудлиги ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш;

– экспертизага тақдим этилган фонограмма асли ёки нусхалигини аниқлаш;

– экспертизага тақдим этилган фонограммадаги овоз ва нутқнинг кимга тегишли эканлигини аниқлаш (идентификация қилиш);

– экспертизага тақдим этилган тадқиқот қилиниши лозим бўлган фонограмма айнан қайси мосламада ёзиб олинганлигини аниқлаш;

– экспертизага тақдим этилган видеотасма ва видеофонограммаларни тадқиқот қилиш ва ҳ.к.

Суд-фонография экспертизаси олдига ҳал этиш учун қўйиладиган саволлар:

– юқорида қайд этилган суҳбатлар идентификацион тадқиқоти учун яроқлими?

– экспертизага тақдим этилаётган CD-R «Verbatim» русумли компакт дискнинг «17.07.WMA» файлига ёзилган: «...Соғлиқлариз яхшими?...», - сўзлари билан бошланиб, «...Бўпти, ака гаплашамиз ...», - сўзлари билан тугалланувчи биринчи суҳбатнинг, ҳамда шу компакт дискнинг «24.24.WMA» файлига ёзилган: «Уф, ёмон ичим оғрияпти...», - сўзлари билан бошланиб, «...Яхши, насиб...», - сўзлари билан тугалланувчи иккинчи суҳбатнинг мазмунлари, шу суҳбатлар стенограммалари матнига тўғри келадими? (компакт дискни кўздан кечириш ва эшитиб кўриш баённомаси 2019 йил 26 ноябрь куни билан расмийлаштирилган).

– юқорида қайд этилган микроаудиокассетанинг магнит тасмасида механик (фақат магнит тасма тадқиқот қилинган ҳоллардагина) ёки (рақамли, компакт дискларда, уяли телефонда ва ҳоказо) электроакустик монтаж белгилари мавжудми?

– юқорида қайд қилинган суҳбат ёзилган компакт (ёки рақамли) дискда электроакустик монтаж белгилари мавжудми?

– юқорида қайд этилган суҳбатда нечта шахс иштирок этган? Уларнинг жинси қандай? Суҳбат жараёнида суҳбатлашувчиларга жисмоний ва руҳий таъсир ўтказиш аломатлари мавжудми? Уларнинг нутқлари ўқитилганми ёки эркин нутқми?

– юқорида қайд этилган суҳбат қаерда (кўчада, хонада) ёзиб олинган?

– юқорида қайд этилган суҳбатда иштирок этган ва шу суҳбат стенограммасида шартли равишда «Б» деб белгиланган шахснинг овози ва нутқи фуқаро К.нинг овози ва нутқига тегишлими?

– тадқиқот қилинувчи суҳбат экспертизага тақдим қилинган «СЕНІХ» русумли рақамли диктофонда ёзиб олинганми (ёки аниқ бир асбоб-ускуна кўрсатилиши лозим. Бунда мазкур масалани ҳал қилиш учун фонограмма бирламчи ёзиб олинган деб тахмин қилинган асбоб-ускуна экспертизага тақдим қилиниши лозим)?

– тадқиқот қилинувчи суҳбат унинг аслими ёки нусхасими (бу ҳолатда ҳам масалани ҳал қилиш учун фонограмма бирламчи ёзиб олинган деб тахмин қилинган асбоб-ускуна экспертизага тақдим қилиниши лозим)?

Агар тадқиқот қилинувчи суҳбат сифати қониқарсиз бўлса ва уни ташқи шовқиндан тозалаш учун махсус билим, асбоб-ускуна ёки дастур зарурати бўлса, у ҳолда қуйидаги савол қўйилади:

– экспертизага тақдим этилаётган Digital voice Recorder VN-2100 РС модели «OLYMPUS» русумли рақамли диктофонни «А» файлининг, «1» йўлакчасига ёзилган: «...Ассалому алайкум...»,- сўзлари билан бошланиб, «...Терговга кетяптида...»,- сўзлари билан тугалланувчи суҳбат ташқи шовқинлардан тозаланиб, унинг стенограммаси матни тузилсин.

Суд-фонография экспертизаси учун материалларни тайёрлаш.

Суд-фонография экспертизасига айрим ҳолларда тадқиқот учун яроқсиз, таққослаб бўлмайдиган, сифатсиз солиштирув намуналари юборилади, суриштирувчи ёки терговчининг қарори(суднинг ажрими)да тадқиқот объектлари тўлиқ ва аниқ ифодаланмайди, оригинал (бирламчи) фонограмма ўрнига экспертизага унинг нусхаси (копияси) жўнатилади, фонограмма ёзиб олинган техник анжомлар тақдим этилмайди. Суриштирувчи ёки терговчиларда, судда стенограмма тузиш маҳорати етишмаслиги ва шунга ўхшаш камчиликлар учраб туради.

Бу камчиликлар экспертизани самарали ўтказишга салбий таъсир кўрсатади, яъни, қўйилган айрим саволлар ҳал қилинмайди, тадқиқот муддатлари чўзилади ва масалаларни қатъий шаклда ҳал қилиниши қийинлашади. Бу эса, жиноятни тўла очиш ва исботлашда жиддий тўсқинликлар яратади.

Экспертиза ўтказиш учун тақдим қилинувчи суҳбатлар ёзиб олинган асбобни (ташувчини) асли (оригинали) тақдим этилиши мақсадга мувофиқдир, чунки айрим ҳолларда фақат суҳбатлар ёзиб олинган бирламчи асбоб (ташувчи) орқали унда мавжуд бўлган монтаж ва ўзгартириш белгиларини аниқлаш мумкин бўлади. Фонография экспертизасини тайинлашда терговчи (суриштирувчи, суд) томонидан тадқиқот қилиниши лозим бўлган суҳбатларнинг стенограммаси тузилади. Чунки стенограммани тузиш учун суд-фонография соҳасида махсус билимлар талаб қилинмайди. Стенограммалар унда иштирок этган шахслар гаплашган шевада аниқ ва тўлиқ баён этилади.

Овоз ва нутқдан солиштирув намуналарини олиш тартиби.

Идентификация қилиш билан боғлиқ суд-фонография экспертизасини ўтказиш учун гумон қилинувчи шахснинг овози ва нутқи намуналари талаб қилинади. Солиштирув намуналари икки хил бўлади:

- а) эркин нутқ;
- б) экспериментал нутқ.

Овоз ва нутқнинг эркин намуналари шахсдан жиноят содир этилишигача ёки ундан кейин жиноят иши билан боғлиқ бўлмаган ҳолатларда эркин (шу жумладан, қонун доирасида бўлса, яширин) равишда олинган овоз ва нутқдир.

Овоз ва нутқнинг экспериментал намуналари эса, терговчи (суриштирувчи, суд) томонидан суд-фонография экспертизасини ўтказишда солиштирув материали сифатида фойдаланиш учун атайлаб тайёрланиб, махсус ташувчиларга ёзиб олинади ва бу ҳақида баённома тузилади.

Терговчи (суриштирувчи, суд) тадқиқот қилиниши лозим бўлган фонограммани бир неча маротаба диққат билан эшитиб, унда учраган қайтарилган жумлаларни инобатга олган ҳолда идентификацион тадқиқот учун қандай солиштирув материаллари кераклиги ҳақида тушунча ҳосил қилади ва намуна олиш режасини ишлаб чиқади. Бу режада процессуал талабларга биноан қуйидагиларни назарда тутиши лозим:

– магнит тасмасига ёки рақамли ташувчиларга ёзиб олинаётган намунани бошланишидан олдин унда ёзув, яъни, намуна олинаётган сана, жойи, ёзувни амалга ошираётган шахснинг фамилияси, исми, мансаби, техник шароитлар (микрофон, магнитофон ёки бошқа ташувчилар тури, сўзловчи билан микрофон орасидаги масофа) кўрсатилади.

Суд-фонография экспертизасини тайинлаш учун керакли материалларни тўплаш жараёнида терговчи (суриштирувчи, суд) гумонланувчи (айбланувчи, гувоҳ) шахс ҳақида маълумотлар тўплайди. Бундай маълумотларга шахснинг ёши, миллати, қайси тилларни билиши, маълумоти, яшаш жойи, меҳнат фаолияти, тадқиқ қилинувчи фонограммагача бўлган ва ундан кейинги физиологик ва психологик ҳолати киради. Бу маълумотлар «гумондор» шахсдан олинган экспериментал намуналарни эксперт томонидан баҳолашда муҳим аҳамият касб этади.

Суд-фонография экспертизасини тайинлаш учун солиштирув намуналарини тайёрлашда қуйидагилар таъминланиши зарур:

– намуна олиш учун юқори сифатли товуш ёзувчи асбоб-ускуналардан фойдаланиш;

– намуналарнинг ёзиб олиниш тезлиги, шароити тадқиқот қилиниши лозим бўлган фонограмма тезлигига, шароитига иложи борича яқин бўлиши.

Бу талаб суд-фонография экспертизасини ўтказиш услубиётидан келиб чиқиб, текшириладиган овоз ва нутқлар (тадқиқот қилинувчи ва намуналар) икки хил тезликда, шароитда, сифат жиҳатидан ҳам фарқ қиладиган фонограммаларни тадқиқот этиш натижасида йўл қўйиладиган хатоликларнинг олдини олади.

Суд-фонография экспертизаси ўтказиши учун зарур бўлган материалларни сақлаш ва тақдим қилиш тартиби. Суд-фонография экспертизаси ўтказиш учун йўлланиладиган далилий ашёларни очиқ ҳолатда, темир шкафларда, турли металл буюмлар ёнида ва юқори ҳароратли жойларда сақлаш тавсия этилмайди. Уларни механик шикаст ва чангдан ҳимоя қилиш мақсадга мувофиқдир. Агар товуш ёзувлари темир сейфда (шкаф) сақланадиган бўлса, уни пластмассали ёки полиэтиленли ғилофга жойлаб қўйиш зарур.

Магнит тасмалари узиб ташланганда уларни қайта таъмирлаш ман қилинади ва экспертизага қандай ҳолатда бўлса, шундай тақдим этилади.

Рақамли диктофонга ёзиб олинган фонограммалар тергов (суд) органлари ихтиёрида мавжуд бўлганда, улар билан ўта эҳтиёткорлик билан муомала қилиш керак. Унга ёзиб олинган фонограммаларни бехосдан ўчириб юборишни олдини олиш учун уларда мавжуд бўлган махсус тугмача, яъни «HOLD» ни босиб қўйиш лозим. Компакт, рақамли дискларни эса, бармоқ излари тушиб қолишдан, ҳар хил қирилишлардан сақлаш шарт.

Эксперт текшириши лозим бўлган объектлар ва ашёвий далиллар экспертизага ўралган ва муҳрланган ҳолда тақдим этилиши керак.

15. Суд-товаршунослик экспертизаси



Хуқуқни муҳофаза қилиш амалиёти таҳлили иқтисодий жиноятларни холисона ва қонуний тергов қилиш кўп ҳолларда турли объектларнинг товар (маҳсулотлар) сифатини аниқлашни талаб этганлиги сабабли мулкка оид низоларни ҳал этишда, суд тергов идораларига товаршуносликка оид билимларни тадбиқ этишга эҳтиёжнинг ўсиб бораётганини кўрсатмоқда.

Шунга кўра, мулккий муносабатлар соҳасида низоли масалаларни холисона ва қонуний ҳал этишда товаршунослик соҳасидаги махсус билимларни қўллаш зарурияти туғилади.

Суд товаршунослик экспертизасининг моҳияти маҳсулотларнинг товар (истеъмол) хусусиятларининг муайян сифатини аниқлаш мақсадида махсус билимлар ёрдамида текширишдан иборатдир.

Суд товаршунослик экспертизаси доирасида қуйидаги икки гуруҳга бўлинган масалаларни ҳал этиш мумкин:

Классификацион масалалар:

– товарнинг ҳалқаро стандарт талабларига, техник шароити тасдиқланган намуналарга, шартнома ва бошқа норматив актларга мос келишини (мос келмаслиги) аниқлаш;

– товарларнинг қайси тур ва туркумга тааллуқлилигини, уларнинг сифати, сони, ассортименти, ўлчами, нави, комплектга кириши, баҳосини унга тиркалган ёрликқа ва бошқа илова ҳужжатларга мослигини аниқлаш;

– тақдим этилган маҳсулот (товар)нинг сифат белгилари намуна сифатида унга ўхшаш товарнинг сифат кўрсаткичларига мос келиш-келмаслигини аниқлаш.

Диагностик масалалар:

– товардаги камчиликларни аниқлаш ва уларни товарнинг сифатига таъсирини белгилаш;

– товарнинг сифат ўзгаришини сабаблари ва нуқсон (камчилик)ларини келиб чиқиш характерини аниқлаш (у ишлаб чиқариш ёки фойдаланиш даврида юзага келганми);

– товарнинг тугилиши, зарарланиши, нуқсонини ҳисобга олган ҳолда баҳосини аниқлаш;

– етказилган моддий зарар миқдорини аниқлаш.

Суд-товаршунос экспертнинг ваколатига заргарлик буюмлари ва санъат асарларини баҳолаш кирмаслигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Суд-товаршунослик экспертизасининг объектлари:

– саноат товарлари (мебель, тўқимачилик, трикотаж ва тикувчилик маҳсулотлари), истеъмол товарлари бўлмиш яримтайёр, саноат, атторлик (галантерея) маҳсулотлари, маиший моллар (ёритиш асбаб ва мосламалари);

– маиший хўжалик товарлари;

- оргтехника ва уларнинг жамланмалари (комплектлари);
- ишлаб чиқариш линияларининг алоҳида қисмлари.

Айрим вазиятларда экспертизага текшириладиган товар билан бирга унинг эталон намуналари ҳам юборилиши керак.

Товаршунослик экспертизада текшириладиган объект билан бир қаторда дастлабки маълумот манбаи бўлиб бевосита унга ёки турли ёрлиқларига (этикетлар) босилган тамғалар хизмат қилади. Тамғалар товарни ишлаб чиқарувчи ҳақида маълумот берадиган ёзма матн, шартли белги, расм шаклида бўлиши мумкин. Улар, шунингдек, товар сифатини кўрсатувчи харфли ёки рақамли ёзувлар, товар билан ишлаш (масалан, ортиш, сақлаш) қоидалари тўғрисида схематик маълумотлар кўринишига ҳам эга бўлади.

Товаршунос экспертга зарур ҳолларда текшириладиган товар ва унинг намуналаридан ташқари товарнинг ҳолати ва у билан бўлиб ўтган жараёнларни акс эттирувчи ҳужжатлар тақдим қилинади. Бундай ҳужжатлар қаторига қуйидагилар киради:

- товарнинг сони, сифат кўрсаткичлари келтирилган техник паспортлари ва ҳужжатлари, сифат сертификатлари, суратлари, чизмалари;
- божхона декларацияси;
- товарни жойдан-жойга кўчириш билан боғлиқ юк ҳужжатлари;
- текшириладиган объектларни товар хусусиятларини акс эттирувчи жиноий (фуқаролик, хўжалик) иш материаллари, масалан, объектни сақлаш шароитлари, ишлатилганлиги, жойдан-жойга кўчирилганлиги, кўчириш усули ҳақидаги ва шу каби бошқа маълумотлар.

Суд товаршунослик экспертнинг ваколатига қуйидаги саволларни ҳал этиш киради:

- товарнинг номи ва унинг гуруҳи қандай?
- тақдим этилган саноат маҳсулоти қандай маҳсулотдан тайёрланган?
- тадқиқот учун тақдим этилган маҳсулот нуқсони фойдаланиш натижасида ёки сифатсизлигиданми?
- қадоклаш қоидаси бузилганми?
- жабрланувчининг эғнидаги шими тинтувдаги гумонланувчининг уйидан топилган курткага мос тушадими?
- тадқиқ қилинаётган маҳсулот янгими ёки кийилганми?
- тақдим этилган маҳсулотнинг сифати намуна сифатига тўғри келадими? Агар тўғри келмаса, уларнинг фарқи нимада?
- тадқиқот учун тақдим этилган товарнинг кўриляётган даврдаги баҳоси қандай?
- зарарлангандан ёки бузилгандан кейинги келтирилган моддий зарарнинг ҳажми қанча?
- текшириляётган объектнинг ҳозирги (яъни экспертиза ўтказиш) вақтдаги ўртача бозор баҳоси қандай?
- текшириляётган объектнинг ўтган даврнинг муайян вақтига ўртача бозор баҳоси қандай бўлган? (Ушбу саволни ечиш учун эксперт ихтиёрига экспертиза

тайинлаган идора томонидан ўтган даврнинг сўралган вақтига товарга бўлган нарх-наволар ҳақида камида учта манбадан маълумотлар тақдим қилиши шарт).

Юқорида кўрсатилган саволлар энг кўп учрайдиган саволлар бўлиб, иш материаллардаги ҳолатлар ва иш мазмунига қараб уларнинг доираси кенгайиши мумкин.

Товаршунослик экспертизани тайинлаш тўғрисидаги қарор (ажрим)да товарнинг хусусиятлари батафсил баён қилиниши керак. Бу текшириладиган объектни бошқалардан ажратиб олишга имкон яратади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари экспертизаси

Тадбиркорлик мақсадларини нотўғри тушуниш, ишлаб чиқаришнинг сифати устидан назорат сусайиши айрим вазиятларда сифатсиз маҳсулотларнинг ишлаб чиқарилишига олиб келади, шу боис, озиқ-овқат маҳсулотларини текшириш долзарб масалалардан бирига айланди.

Бу борада Х.Сулайманова номидаги Республика суд экспертизаси марказида 2003 йилдан бошлаб озиқ-овқат маҳсулотларини текшириш экспертизасини ўтказиш йўлга қўйилган. Жумладан, спиртли маҳсулотлар, дон маҳсулотлари, салқин ичимликлар, сувлар таркибида бегона захарли моддалар ва оғир металлларнинг мавжудлиги ҳамда улар микдорининг меъёр даражасидан кам ёки кўплиги ҳозирги замонавий сезгир хроматограф ускуналарида текширилади.

Озиқ-овқат маҳсулотлари экспертизаси қуйидаги ҳолларда тайинланади:

- озиқ-овқат маҳсулотларининг сифат даражаси паст бўлганда (бузилганда);
- озиқ-овқат маҳсулотлари сифатининг норматив ҳужжатлар талабларига мос келмаганда;
- озиқ-овқат маҳсулотларининг тайёрланиш ва юборилиш ҳужжатлари, инсон саломатлиги учун хавфсизлигини тасдиқловчи ҳужжатлари мавжуд бўлмаганда;
- озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмолга яроқлилиқ муддати кўрсатилмаганда, маркировкаси мавжуд бўлмаганда ва ҳ.к.

Суд озиқ-овқат экспертизасида қуйидаги масалалар ҳал этилади:

1. Классификацион масалалар - озиқ-овқат маҳсулотларининг стандарт талабларига жавоб беришини (техник шароити, уларнинг сифат кўрсаткичлари, хавфсизлиги бўйича); таркибидаги кимёвий қўшимчаларнинг бор ёки йўқлигини; фальсификация қилинганлигини аниқлаш.

2. Диагностик масалалар озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмолга яроқлилигини аниқлаш (таркибидаги кимёвий қўшимча моддаларнинг меъёрий талабларга жавоб бериши); маҳсулотлар сифат кўрсаткичларининг ўзгариш сабаблари (масалан, талабга жавоб бермайдиган шароитда узоқ муддат сақланганда унинг кимёвий таркиби ўзгариши)ни аниқлаш.

Озиқ-овқат маҳсулотлари экспертизаси дон ва уларни қайта ишлаш маҳсулотлари (буғдой, гуруч, гречка, ун), гўшт, ёғ маҳсулотлари (ўсимлик мойлари, сариёғ, ҳайвон ёғлари, маргарин), ичимликлар (шарбатлар, салқин

ичимликлар, минерал сувлар ва сироплар) ва озиқ-овқат қўшимчалари (сирка, ош тузи) таркибида зарарли кимёвий қўшимчаларнинг (оғир металллар, захарли моддалар, захарли химикатлар ва ҳ.к.) бор ёки йўқлигини текширади.

Ушбу озиқ-овқат маҳсулотлари экспертизаси ҳал этиши учун қуйидаги саволлар қўйилиши мумкин:

Экспертизага тақдим этилган маҳсулот номи ва у қандай озиқ-овқат турига киради?

Маҳсулотнинг таркибида инсон саломатлиги учун зарарли моддалар мавжудми?

Ушбу маҳсулот физик-кимёвий кўрсаткичлари бўйича давлат стандарти талабларига жавоб берадими?

Озиқ-овқат экспертизасининг самарали ўтказилиши учун қуйидаги кўрсатмаларга амал қилиш лозим:

- тадқиқ этиш учун ашёвий далил сифатида олиб қўйилган маҳсулотлар топилганда қандай ҳолатда бўлса, шундай ҳолатда сақлаб, қадоқлаб экспертга тақдим этиш;

- ашёвий далилнинг таркиби ўзгармаслиги учун махсус ўрамларга жойлаб тақдим этиш.

Озиқ-овқат маҳсулотлари экспертизасини ўтказиш учун қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- экспертизага тақдим этилган маҳсулотнинг меъёрий (норматив) ёки техник ҳужжатлари;

- тақдим этилган маҳсулотни тайёрлашнинг технологик йўриқномаси (инструкцияси) ва маҳсулот таркиби ҳақида маълумот;

- маҳсулот ва унинг хавфсизлик сертификати.

Юқорида қайд этилган талабларнинг бажарилиши озиқ-овқат экспертизасининг самарали ўтказилишини таъминлайди.

Шиша ва ундан тайёрланган буюмларнинг суд кимёвий экспертизаси.

Шиша бўйича криминалистик экспертиза трасологик ва физик-кимё текшириш усуллари ўз ичига олади ва комплекс экспертиза ҳисобланади. Бу каби экспертизани ўтказиш иккита мутахассис: трасолог-эксперт ва физ-кимёвий тадқиқот усуллари олиб борадиган экспертга топширилиши лозим.

Ушбу экспертиза объектлари шиша буюмлар, уларнинг синиқлари ва майда (кичик) зарралари ҳисобланади. Экспертизаларни ўтказиш амалиёти шиша буюмлар, уларнинг синиқлари ва майда зарралари тадқиқ этишга кўпинча йўл-транспорт ҳодисаларини текшириш билан боғлиқ бўлган объектлар сифатида юборилишидан далолат беради.

Шунингдек, ҳар хил шиша идишлар, қурилиш дераза ойналари ва бошқа ойна турлари (кўзойнак, тошойна ва бошқалар) ва майда ойна зарралари ҳам бу экспертиза турининг объектлари бўлиб ҳисобланади.

Шиша буюмлар, уларнинг синиқлари ва кичик зарралари криминалистик экспертизасининг асосий вазифалари:

1. *Диагностик масалалар:*

- а) шишанинг (ойна) синиш сабабларини аниқлаш (механик ва термик);
- б) шишага (ойна) шикаст етказган предметни аниқлаш (тош, ўқ ва ҳ.к.);
- в) шишага (ойна) шикаст етказиш механизмини аниқлаш (масалан, ойнага қайси томондан зарба берилган);
- г) шишани (ойна) яшаш усулини аниқлаш;
- д) шиша буюмни турини ва ишлатиш мақсадларини аниқлаш;
- е) шиша (ойна) синиқларининг заррачаларини турли хил предмет ташувчиларда топиш.

Ушбу кўрсатилган вазифаларни бажариш учун шишалар (ойна) экспертизаси олдига қуйидагича саволлар қўйилади:

- экспертизага тақдим қилинган ашёвий далилда шиша (ойна) парчалари (майда заррачалари) борми?
- воқеа жойидан топилган шиша (ойна) синиқларининг тури ва хили қандай?
- экспертизага тақдим этилган шиша (ойна), буюм синиқлари қандай сабабларга кўра (механик, термик ва ҳ.к.) дарз кетган ёки синган?
- тақдим этилган шиша (ойна) ўқ отиш ёки зарба натижасида синганми?
- хонадон деразасининг синган ойнасига зарба қайси томондан берилган?
- дераза ойнаси қандай асбоб билан кесиб олинган?

2. *Идентификацион вазифалар:*

- а) шиша (ойна) синиқлари бўйича уларни ҳосил қилган предметни ва уни қўллаш соҳасини аниқлаш;
- б) шиша (ойна) синиқларининг умумий тур, гуруҳларга мансублигини, масалан, текширилаётган ойна синиқларининг ёритувчиларга тааллуқлилигини аниқлаш, яъни уларни яшаш учун қўлланган қолип ёки бир хилда тайёрланганлигини топиш;
- в) аниқ (муайян) шиша буюмни идентификация қилиш, масалан, текширилаётган ойна синиқларининг битта ёритувчига тааллуқлилигини, яъни, ёритувчи (синиқлари) қисмлари бўйича аниқлаш.

Идентификацион масалаларни ечиш мақсадида қуйидаги саволлар қўйилади:

- тақдим этилган шиша синиқлари қайси буюм (маҳсулот)га тааллуқли?
- тақдим этилган шиша синиқлари орасида автомобилларга ўрнатиладиган буюмларга мансублари борми; аниқланган шиша синиқлари (заррачалари) автомобилни нур тарқатувчи чироғининг (“рассеиватель”) қайси турига тегишли; бундай нур тарқатувчи чироқлар қайси русумдаги автомобилларга ўрнатилади?
- экспертизага тақдим этилган воқеа жойидан топилган шиша синиқлари ва автомобиль фараларининг синиқлари бир бутун буюмга тааллуқлими (ёки бир бутунни ташкил қиладими)?
- экспертизага тақдим этилган воқеа жойидан олинган шиша синиқлари ва жабрланувчининг бошидан олинган шиша синиқлар келиб чиқиш ва ишлаб чиқарилиши бўйича умумий гуруҳга мансубми?

Шиша синиқларини топиш ва олиш. Воқеа жойида қолган шиша синиқларини тезда йиғиб олиш зарур, акс ҳолда, масалан йўл транспорт ходисалари билан

боғлиқ ҳолатларда, транспорт воситаларининг ҳаракати натижасида улар йўқолиб кетиши ва бошқа жойга ўтиб қолиши мумкин. Воқеа жойини кўздан кечириш давомида барча шиша синиқлари териб олинади (қандай ўлчамда бўлишидан қатъий назар), шунингдек гумон қилинган транспорт воситаларидан ҳам ўз вақтида шиша синиқларини олиш зарур. Одатда шиша синиқларини автомашина салони ичидан, зарар етказилган фаралардан, бампердан, ташқи қисмидан ва чироқлар уясида қидириш керак. Агар фаралар ва ён томон чироқлар синмаган ҳолатда бўлса, улар ўзгартирилган - ўзгартирилмаганини текшириб кўриш керак.

Териб олинган шиша синиқлари қурилади, ҳар бир шиша синиғи алоҳида қоғозга ёки пахтага ўралади.

Шиша синиғининг кичик заррачаларини буюмларда топиш керак бўлганда буюмнинг (нарса) ўзини алоҳида қилиб, полиэтилен ҳалталарга солиб, тадқиқ этиш учун тақдим этилади.

Воқеа жойидан шишанинг фақат майда зарралари топилган тақдирда уларни трасологик усуллар билан таққослаб текшириш имкониятлари кескин чекланади ва кўпинча умуман мумкин бўлмайди. Бундай ҳолларда уларни физик хоссалари ва кимёвий элемент таркиби бўйича тадқиқ этиш зарур.

Шиша синиқлари физик хоссалари ва кимёвий таркиби билан бир-бирига мос келиши, улар буюмларнинг бир турига мансублиги ҳақида ижобий хулоса эҳтимолини оширади, аксинча, фарқ қилган тақдирда, бу масала қатъий салбий ҳал қилинишга асос бўлади.

Шиша объектларининг физик хоссалари ва кимёвий таркибини тадқиқ этиш уларнинг умумий турга (гурух) мансублигини аниқлашда қўл келади.

16. Суд-экологик экспертизаси



Ўсимликларнинг зараркунандалари ва касалликларига қарши курашиш қоидалари бузилиши, зарарли кимёвий моддаларни қўллаш, балиқ хўжалиги ҳавзаларини қўриқлаш, сув ҳавзаларини, ҳавони, тупроқни, денгизни ёки денгиз тирик бойликларини, одам соғлиғи учун зарарли моддаларни ёки бошқа чиқиндилар ва материалларни текшириш билан боғлиқ бўлган ишларда суд-

экология экспертизалари тайинланади.

Атроф-муҳитни жинойий ифлослантириш билан боғлиқ ишлар бўйича тайинланадиган экспертизаларни объектга қараб уч гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Биринчи гуруҳ - одам, ҳайвон ва ўсимлик ҳолатининг суд экспертизаси. Экспертлар биолог, врач, ветеринар, ихтиолог ва санитария-гигиена соҳаларида мутахассис бўлишлари мумкин.

Ушбу гуруҳ суд экспертизалари одам, ҳайвон, ўсимликлар учун зарарли оқибатлар сабабларини тиббиёт-биологик нуқтаи-назардан ҳамда ҳудуднинг экотизимини (ёки шунга ўхшаш эҳтимолларни) аниқлаш билан боғлиқ вазифаларни ҳал этади.

2. Атроф-муҳитнинг ифлослантириш манбалари техника-технология масалаларини бевосита текшириш, технологик ускуналарнинг, айрим тозалаш иншоотларининг ва қурилмаларнинг сифатини аниқлаш учун тайинланадиган суд экспертизалари. Ушбу экспертизалар орқали технология, қурилиш, гидротехника ва санитария-техника билан боғлиқ ҳолатлар тадқиқ этилади.

3. Модда ва материалларнинг физикавий ва кимёвий хоссалари ўзгариши натижасида вужудга келган изларни тадқиқ этиш билан боғлиқ бўлган экспертизалар. Ушбу тадқиқотлар ёрдамида ҳаво, сув ҳавзалари, тупроқ ва ўсимликлар касалланишига олиб келган, одамларнинг, ҳайвонларнинг, балиқларнинг, ўсимликларнинг ҳалокатига сабабчи бўлган (ёки шунга ўхшаш оқибатларга олиб келиш хавфи бўлган) заҳарли моддалар борлиги аниқланади.

Суд-экология экспертизасининг асосий вазифалари қуйидагилардир:

- атроф-муҳитда (ҳаво, сув, тупроқ, ўсимликларда)ги заҳарли моддаларни аниқлаш;

- терговчи (суд) томонидан топилган ифлослантирувчи моддаларни муайян туркум (заҳарли кимёвий моддалар, оғир металллар ва ҳ.к.)га тааллуқлигини аниқлаш;

- экспертизага тақдим этилган объектнинг туркумий, гуруҳий тааллуқлигини аниқлаш;

- экспертизага тақдим этилган объектнинг қандай мақсадда ишлатилишини ёки қўлланиш соҳасини аниқлаш.

Атроф-муҳитни ифлослантирувчи моддалар кимёвий бирикмаларнинг синфларига тааллуқлилигига кўра, қуйидагиларга бўлинади:

- органик моддалар: органик синтез ва полимер саноати чиқиндилари, пестицидлар, сирт-актив моддалар, нефть маҳсулотлари билан ифлосланиш;
- анорганик моддалар: радиоактив элементлар ва оғир металллар билан ифлосланиш.

Бугунги кунда Республика суд экспертизаси марказида сув, тупроқни ифлослантирувчи, ўсимликларни заҳарловчи моддалардан қуйидагилари суд-экология экспертизаси орқали тадқиқ этилади:

- пестицидларнинг ҳар хил бирикмалари (хлор-, нитро-, фосфорли синфларига тааллуқли ва ҳ.к.);
- симоб, кўрғошин, рух, мис, хром, қалай, марганец каби оғир металллар ва уларнинг ҳар хил тузлари.

Суд-экология экспертизаси қуйидаги масалаларни ҳал қилади:

- экспертизага тақдим этилган атроф-муҳит объектларида (тупроқ, сув, ўсимлик ва ҳ.к. намуналарида) муайян туркумга тегишли (пестицидлар, оғир металллар ва ҳ.к.) моддаларнинг бор-(йўқ)лигини, миқдори (концентрацияси)ни аниқлаш;
- экспертизага тақдим этилган номаълум моддаларнинг зарарлилигини аниқлаш;
- экспертизага тақдим этилган атроф-муҳитни ифлослантиришга алоқадор бўлган модда ҳамда келиб чиқиш манбаини билиш учун таққосланаётган модданинг умумий туркумий, гуруҳий тааллуқлигини аниқлаш;
- экспертизага тақдим этилган заҳарли моддаларнинг қўлланиш соҳаси ва қандай мақсадга мўлжалланганини аниқлаш;
- экспертизага тақдим этилган зарарли моддаларнинг сақланиш муддати ва зарарлилигини аниқлаш.

Қуйидаги саволлар суд-экология экспертизаси олдида ҳал қилиш учун қўйилиши мумкин:

Экспертизага тақдим этилган атроф-муҳит объектлари (тупроқ, сув, ўсимликлар) да заҳарли кимёвий моддалар (оғир металллар) борми ва айнан қандайлари?

Экспертизага тақдим этилган намуналарда пестицид (хлорофос, ДДТ, фосфамид ва ҳ.к.)лар борми?

Экспертизага тақдим этилган намуналарда заҳарли модданинг миқдори қанча?

Экспертизага тақдим этилган модда заҳарли бирикмалар гуруҳига кирадими? Унинг заҳарлилиги атроф-муҳит объектларида қандай муддат мобайнида сақланади?

Экспертизага тақдим этилган сув ҳавзаси, тупроқ, ўсимликлар муайян модда билан ифлосланганми, агар шундай бўлса, унда ифлосланиш манбаи қандай?

Ташқи муҳитнинг ифлосланишини аниқлаш бўйича эксперт тадқиқотининг самараси кўп жиҳатдан экспертизага тақдим этилган материалларни ўз вақтида малакали тўплашга боғлиқ. Ушбу материаллар жумласига қуйидагилар кирди:

хизмат текшируви далолатномалари, воқеа содир бўлган жойни кўздан кечириш, ашёвий далилларни олиб қўйиш, сўроқ қилиш ва юзлаштириш баённомалари, сув, ҳаво, тупроқ, ўсимлик намуналарининг лаборатория таҳлили далолатномалари, қиёсий тадқиқот учун олинган намуналар.

Шаҳар, туман ва бошқа санитария-эпидемиология ташкилотлари ходимлари, мутахассислар билан маслаҳатлашиш ва уларни кўздан кечириш ишларига жалб этиш (ташки муҳит объекти ифлосланиш хавфи масаласида фикрлашиш, эпидемиология тадқиқотининг имкониятлари, объектнинг санитария ҳолати ҳамда сув, ҳаво ва бошқа объектларнинг намуналарини олишдаги амалий ёрдам) воқеа содир бўлган жойни кўздан кечиришга тайёрлашнинг муҳим босқичидир.

Жиноят содир этилганда, дарҳол жиноят содир бўлган ер кўздан кечирилади, унинг аҳволи кўздан кечириш баённомасида аниқ келтирилади ва сув, тупроқ, ўсимликдан намуна олинади.

Тахмин қилинган ифлосланиш манбаига нисбатан жойлашиш масофаси кўрсатилган тупроқ намунаси олинган нуқта, сув намунаси олинган жой чизмаси мутахассис иштирокида тузилади ва воқеа жойини кўздан кечириш баённомасига илова қилинади.

Намуна олиш, уни жойлаш ва сақлаш фақат тегишли мутахассис иштирокида амалга оширилиши лозим, чунки намуна олишдаги хато, излар ва бошқа объектларни аниқлаш ва олиш шартларининг бузилишини кейинчалик тузатиб бўлмайди.

Сув ҳавзасининг чуқурлигига қараб сувдан намуна олиш усули танланади. Дарё ва кўлларда сув намунаси унинг юзасидан каттароқ идиш (тоғора, челак) ёрдамида эҳтиётлик билан олинади. Идиш ботириладиган чуқурлик 0,2 - 0,5 метрдан ошмаслиги керак.

Чуқурликдан сув намунаси кран билан таъминланган махсус асбоб барометр ёрдамида олинади, уларни сақлаш учун оғзи яхши беркитиладиган тоза шиша идиш (бутилкалар, банкалар) ишлатилиши лозим.

Пестицидлар билан тупроқнинг ифлосланганлини тавсифлаш учун қишлоқ хўжалик даласининг муайян майдонида 2 гектар ўлчамга эга намуна майдончаси ажратилади. Ҳар бир майдончадан ерни ҳайдаш чуқурлигида «конверт» усули бўйича майдончанинг ҳар бир бурчагидан 4 та, марказидан 1 та намуна олинади.

Ҳар бир намуна клеёнкага тўкилади, аралаштирилади ва ундан муайян ҳажмда намуна ажратма олинади. Ҳар бир намуна майдончадан бешта ажратмани бирлаштириб, яхшилаб аралаштирилади ва чораклаш услуби билан массаси 400-500 граммга тенг дастлабки намуна олинади.

Бир неча намуна майдончасидан олинган дастлабки намуналарни аралаштириб, чораклаш услуби билан массаси 1 кг бўлган ўртача намуна олиниши мумкин.

Агар намуна боғлардан олинadиган бўлса, ҳар бир ажратмани дарахт танасидан 1 метр узоқликдан олинади, узумзор ва экинзорлардан тупроқ ажратмаси қатор ва қатор ораларидан бир текис олинади.

Тупроқни газлама ёки қалин қоғозга жойлаштириб, оғзи боғланади, сўнг улар қоғоз ёки пластмасса пакетларга солинади.

Шунга ўхшаш тартибда ўсимликлар намуналари олинади: майда ўсимликларнинг илдиз қисми кесилиб қопчага жойлаштирилади, ўсимликнинг юқори қисми қалин қоғозга ўралади. Мевалар намуналари турли дарахтлардан 5-10 тадан олинади. Дарахтдан намуна олиш учун унинг умумий бўйи фикран бир неча горизонтал қаватларга бўлинади, ҳар бир қаватдан барглар чўпи билан олинади ва қоғоз пакетларга жойлаштирилади.

Намуналар солинган пакетларга, улар олинган жой, қўлланиладиган захарли модда ва унинг миқдори ёзиб қўйилади.

Терговчилар ташқи муҳит объектларининг ифлосланиш факти ҳақида ахборот сақловчи, одамларнинг соғлиғига зарар етказиш, балиқларнинг ўлиши, ҳудуддаги ўсимлик ва ҳайвонот оламининг аҳволи, сув, тупроқ, ҳаво, балиқлар, ҳайвонлар, ўсимликларни текшириш натижалари ҳақида маълумот бўлган ҳужжатлар билан танишиб чиқиши лозим.

Суд-экология экспертизаси терговнинг дастлабки босқичида тайинлангани мақсадга мувофиқдир, чунки унинг натижалари терговнинг кейинги йўналишини белгилайди. Бундан ташқари, атроф-муҳитни ифлослантирувчи, ўзининг физик-кимёвий хоссалари жиҳатидан турғун бўлмаган моддалар экспертизасини кечиктириб тайинлаш салбий натижаларга олиб келиши мумкин.